



**О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов,  
Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев**

# **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**



**ТОШКЕНТ – 2012Й**

**УДК 37.01(075.8)**

**Такризчилар:**

**А.Чориев** – Қарши давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори  
**Ғ.Узоқов** - т.ф.н., доцент, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти  
илмий ишлар проректори,

**О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиёв** Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й., 200бет.

Қўлланмада балк технологияси, нанотехнология, ишлаб чиқариш, таълим ва ахборот технологиялари, улар ўртасидаги ўзаро боғланиш, технологик кластер, технологик парк, технология трансфери, замонавий педагогик технология ва ўқитиш услубиёти, интерактив ўқитиш усуллари, модулли ўқитиш технологияси, замонавий маърузалар ва уларнинг турлари, ривожлантирувчи таълимда маърузаларни тутган ўрни, масофавий таълим технологиялари ва моделлари таҳлили, олий таълимда масофавий таълимни ташкил этиш, масофавий таълимнинг дидактик таъминоти, электрон таълим ресурслари ва ўқув-услубий мажмуаларни яратиш услубиёти ҳамда корпоратив таълим технологияси тўғрисида маълумотлар ёритилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юрглари ва касб-хунар коллежлари педагоглари, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрлар ва талабалар учун мўлжалланган.

В учебном пособии подробно освещены вопросы балк и нанотехнологии, производственные, информационные, образовательные технологии и взаимосвяз между ними, технологический кластер, технологический парк, трансфер технологий, современные педагогические технологии и методика преподавания, интерактивные методы обучения, модульное обучение, современные лекции и их виды, место лекции в развивающем обучении. Приведены анализ дистанционных образовательных технологий и классификация их модулей, дидактическое обеспечение дистанционного обучения, методика разработки электронных образовательных ресурсов и учебно-методических комплексов, а также корпоративные образовательные технологии.

Пособие предназначен для педагогов высших образовательных учреждений и профессиональных образований, старших научных сотрудников-соискателей, магистров и студентов.

In the manual described in detail matters such as bulk and nanotechnology, manufacturing, information, education, technology and the relationship between them, the technology cluster, technology park, technology transfer, technology and modern pedagogical methods of teaching, interactive teaching methods, unit training, modern lectures and their types, lectures in developmental education. The analysis of distance learning technologies and the classification of their modules, didactic support distance learning method of developing electronic educational resources and teaching materials, as well as corporate educational technology.

The manual is intended for teachers of higher educational institutions and vocational education, senior researchers, masters and students.

*“Сенга бахт келтирадим и ёки бахтсизликми, бундан қатъий назар, бурчингни адо эт. Кимки ўз бурчини адо этса ва унинг орқасидан келадиган оқибатларни хотиржам қариши олса, у қалбан буюқдир”.*

## **КИРИШ**

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, бу - демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлидир. Республикаимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз –мамлакатимизни буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг ХХІ асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келадиган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдир билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга ошириладиган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2012 йил февраль ойида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“ мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислох этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди” –деб таъкидлаган эдилар.

Ушбу форумда сўзга чиққан БМТ Бош қотибининг ўринбосари Нойлен Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс, ва бошқалар бугунги кунда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омили сифатида эътироф этиладиганини таъкидлаб, Ўзбекистонда бу соҳада амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларга юқори баҳо бердилар. Тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилганлигини таъкидлашиб, Ўзбекистон таълим тизимида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиладиган ислохотлар Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларини моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини барпо этиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу модель авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асослангандир. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда республикаимизда 1396 касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицей, 59 олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 та ҳудудий филиаллари ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 филиали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделимизнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганлигининг яна бир тасдиғидир.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олгандир.

XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб этилади.

Инсон ақли борасида Шарқда қарор топган қарашларга кўра, ақл икки хил, яъни табиий ва касбий бўлади. Табиий ақл инсонга туғма инъом этилади. Касбий ақл эса ўқиш, илм олиш ва тажриба туфайли орттирилади. Касбий ақлни шакллантиришдек шарафли ва машаққатли вазифа айнан педагоглар зиммасига юклатилгандир. Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобидаги “Тарбиянинг замони” бобида шундай жумлалар бор. “Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зехнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур, қайда қилинур?-деган савол келадур. Бу саволга “биринчи-уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи - мактаб ва мадраса тарбияси, бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”, деб жавоб берсак”. Айнан ана шу мактаб ва мадраса тарбиясини аввал ҳам, ҳозир ҳам муаллим-педагоглар амалга ошириб келишган.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ушбу дастур асосида олиб борилган ислохотлар натижасида таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланди. Шуни қониқиш билан айтиш мумкинки, замонавий таълим тизимининг жорий этилиши бугунги кунда ижобий натижалар бермоқда. Эндиги, биз педагогларнинг вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукамал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақл маҳсули, билим олиш эса –бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули. Ёшларимизни фикрлаши ва тафаккури бундан 15-20 йил аввалги ёшларга нисбатан анча баланд ва тездир. Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликларига ва талабларига ёшлардан тез бўлмаса, унинг таълим–тарбия соҳасидаги фаолияти самарасиз бўлиб қолади. Шу сабабли, ушбу қўлланмада замонавий таълим технологияларининг айрим бошланғич жиҳатлари, интерактив ўқитиш усуллари, уларни машғулот давомида қўллаш йўллари, замонавий маърузалар, ривожлантирувчи таълим технологиялари, масофавий ва корпоратив таълим технологиялари, масофавий таълимнинг дидактик асослари тўғрисида маълумотлар қисқа баён этилган.

# I. ТЕХНОЛОГИЯ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## 1.1. Технологиялар таърифи

**Технология** - бу белгиланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишнинг иқтисодий самарали лойиҳаланган жараёнлар кетма-кетлиги мажмуидир. “Технология” сўзи латинча **“Technos”** – санъат, хунар, соҳа ва **“Logos”** – фан деган маънони англатади.

**Технологик кластер** – битта чегараланган ҳудудда жойлашган ва ишлаб чиқариш алоқалари орқали ўзаро боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси.

*“Одамларга битта балиқ берсангиз, улар бир кун тўқ бўлишади; уларга балиқ овлашни ўргатсангиз бир умр тўқ бўлади”*

*Конфуций*

**Технологик парк (технопарк, ТП)**- илмий-техник соҳада тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун шароит яратувчи юқори малакали кадрлар ҳамда етарли ахборот ва эксперименталь база билан таъминланган инновацион инфраструктура субъекти. **ТП**- илмий ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бирлашмаси шаклидаги фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий интеграцияси ҳисобланади.

**Технология трансфери** – илмий ғоялар ва тадқиқотларни маҳсулот, товар кўринишига ўтиш жараёни, яъни “Инновацион менежмент”, “Илмий ишланмалар коммерциализацияси”, “Тадқиқотларни амалиётга жорий этиш” каби кўринишдаги фаолиятнинг янги тури ҳисобланади.

1958 йили Америка физиклари жамияти анжуманида профессор Р.Фейнман ( у 1965 йил Нобел мукофотида сазовор бўлган) машҳур маърузасини ўқийди. Олим маърузасида “Физика қонунлари ва принциплари алоҳида олинган атомлар устида манипуляция ўтказиш ва шу орқали ҳар хил буюмлар яратишга монелик қилмайди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, инсоният яқин келажакда **балк технология** асридан **нанотехнология** асрига кадам қўяди”- деган илмий хулосани илгари суради.

**Балк технологияда** инсоният алоҳида атомларни эмас, балки уларнинг бутун мажмуасини кўчириб олиб буюм ясаган бўлса, энди **нанотехнология** асосида ўзи хоҳлаган атомларни хоҳлаган жойга қўйиб хоҳлаган буюмни ясай олади.

**Нанотехнология** ҳаётимизга ХХ аср охирларидан, яъни 1981-1985 йиллардан кириб кела бошлади. Ҳозирги кунда эса нанотехнология ҳаётимизга фан сифатида кириб келди. Қадимий илоҳий китобларда “Момо Ҳаво Одам а.с. қовурғасидан яратилди” деб маълумот берилади. Шу ўринда “Қандай қилиб эркак киши танасининг бир қисмидан аёл кишини яратиш мумкин? – деган савол туғилади. Бу саволга ҳозирги дунёвий фанлардан бири - нанотехнология ижобий жавоб бермоқда. Одам а.с. танасининг ихтиёрий қисмидан ажратиб олинган ДНК даги дастурга озгина ўзгартириш киритилиб, унинг жуфти яратилгани ҳозирги замон генетика фани хулосаларига ҳам айнан мувофиқ келади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча технологиялар инсон манфаатини қондириш мақсадида эҳтиёж учун зарур буюм ёки озик-овқат маҳсулотлари яратишга хизмат қилади ва ушбу технологиялар инсон томонидан бошқарилади. Шу сабабли, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини билиш, эҳтиёжнинг ўсиши баробарида такомиллаштириш талаб этилади. Ишлаб чиқариш технологияларини такомиллашувида фан, дунёвий илмлар ривожини муҳим рол ўйнайди.

**Ишлаб чиқариш технологияси** дейилганда сифатли, замон талабларига жавоб берадиган, дунё бозорида ўз ўрнини топадиган маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарали,

маълум кетма-кетлик асосидаги жараёнлар мажмуи тушунилади. Агар ушбу жараёнлар кетма-кетлиги ёки бошқача айтганда технологиясида ишлатиладиган техник воситалар маънавий эскирмаса, ушбу технология маълум вақтгача ўзгармайди. Бу технология олдиндан аниқ ва белгиланган мақсад ва кафолатланган натижага олиб боровчи ишлаб чиқаришни лойиҳалашдир.

**Ахборот технологиялари** ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усуллари ва воситалари мажмуидир.

**“Инсон ҳис-туйғулари кўпинча сўзга нисбатан ибратдан куч олади ёки сусаяди”.**

**Пьер Абеляр**

Ишлаб чиқариш ва ахборот технологияларини бевосита тўғри ва самарали амалиётга жорий этилиши кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Кадрлар тайёрлашда эса педагогик технологиялар муҳим рол ўйнайди. Фақат замон талабларига жавоб берувчи педагогик технологиялар асосидагина биз “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига жавоб берувчи мутахассис-кадрларни тайёрлашимиз мумкин.

**Педагогик технология** эса инсонга таълим ва тарбия беришнинг илмий асосланган, инсон тафаккурига, яъни таълим берувчи ва таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятига

боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган жараёнлар мажмуидир. Педагогик технологияни доимий бир хил ҳолда (хатто маълум қисқа вақт оралиғида ҳам), яъни олдиндан лойиҳалаштирилган жараён деб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, педагогик технологияни бир қолипга сиғадиган, аниқ бир ўзгармас лойиҳа деб бўлмайди. Чунки ҳар бир аудитория, ҳар бир гуруҳ учун тингловчиларнинг маълумоти, илмий салоҳияти, ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда, керак бўлса гуруҳдаги ҳар бир тингловчи учун алоҳида педагогик ёндошув ва унинг технологияси талаб этилади. Масалан, педагог бир мавзунини мактаб болаларига бошқа технология асосида, олий ўқув юрти талабаларига бошқа технологияда, ишлаб чиқаришдаги муҳандис-техник ходимларга бошқа ва олий ўқув юрти педагогларига бошқа технология асосида ўтиши талаб этилади. Шунингдек, олдиндан маълум бир гуруҳда дарс ўтишда, педагогнинг олдиндан лойиҳалаштириб келган дарс ўтиш технологияси, аудиториянинг тайёргарлиги, ундаги савол-жавоблар натижасида юзага келадиган вазиятлар асосида ўзгариши ҳам мумкин. Шундагина педагог аниқ кўзланган натижа - яъни ўз билимини тингловчилар тафаккурига етказиб, уларда ривожлантирувчи фаол фаолият уйғота олади. Менимча ўқитишдан мақсад, тингловчига олдиндан аниқ, бор нарсани ўргатиш эмас, балки ўқишни ўргатишдир. Чунки, биз бугун талабага ўргатаётган техник воситалар, айниқса ахборот –коммуникация тизим техникалари тезда маънавий эскиради, демак битирувчи ўзи мустақил ўқиб, янги техник воситалар билан ишлаш сирларини билиши, шунга ўзида амалий кўникма ҳосил қилиши лозим.

Педагогик технологиянинг юзлаб таърифлари мавжуд, жумладан: “**ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир**” (**В.П. Беспалько**).

“**ПТ - аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир**”. (**В.М. Монахов**).

“**ПТ-ўқув жараёнига технологик ёндошган ҳолда, олдиндан белгиланиб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир**”. (**М.В. Кларин**).

“**ПТ-ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинadиган аниқланган мақсадни ифодалайди**” (**И.Я. Ларнер**).

“**ПТ-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи(талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида улардан олдиндан белгиланган шахс сифатларининг интенсив шакллантириш жараёнидир**” (**Н.Сайдахмедов, А.Очилов**).

“**ПТ-таълим жараёнига янгича ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсон тафаккури асосида**

стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир” . (Б.Л. Фарберман).

“ИТ-бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир мажмуга келтиришдир”. (Т.Сакомото).

**Педагогик технология** - ўқувчини ўқитиш, тарбиялаш, шахсини ривожлантириш масалалари ечимига қаратилган ва маълум кетма-кетлик асосида амалга ошириладиган педагогик-психологик усуллар, услублар мажмуидир.

У ўқув жараёнининг техник таъминотидаги янгиликлар, ўқувчи тафаккури, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, таълим соҳасидаги давлат сиёсати, жамиятнинг ахборот макони (“Интернет”), ундан фойдаланиш имкониятлари, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг маънавий дунёси ҳамда моддий таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда ривожланиб, янгиланиб борувчи инноватик лойиҳадир. (*муаллиф таърифи*).

**Педагогик технология** - инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидир. Лекин, педагогик технология билан ўқитиш услуби (методика)ни фарқлаш жоиздир.

**Ўқитиш услуби (методика)** - маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадбиқ қилишга қаратилгандир.

Ҳозирги вақтда педагогик ва ишлаб чиқариш технологияларнинг ривожланиши ҳамда такомиллашиб бориши бевосита ахборот технологиялари заминида амалга ошади.

## 1.2. Ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган асосий вазифалардан бири фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришдан иборатдир. Ушбу масала ечимида ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасида ўзаро боғлиқлик, мувофиқлик, бир-бирини тўлдирувчанлик бўлиши талаб этилади. Ҳозирги кунда ҳар бир педагог ёки ишлаб чиқариш ходими ахборот коммуникация технологиялари ва техник тизимлари мажмуини пухта билиши тақоза этилмоқда. Шу билан бир қаторда педагог ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчиси, ишлаб чиқариш мутахассиси ҳам ўз навбатида педагог вазифасини бажариши лозим.



1-Расм. Ахборот, таълим ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасидаги ўзаро боғланиш



Шунингдек, фан ривожид олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот институтларидаги олимларнинг фаолиятига, ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигига, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишига боғлиқдир.

Таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатади. Инновацион педагогик технологияларни ривожланиши эса бевосита ахборот технологиялари ривожига, улардан таълим берувчилар ва олувчиларнинг фойдалана билиш даражасига боғлиқдир. Демак, педагогик технологияларни ривожиди кадрлар тайёрлаш сифатига, кадрлар сифати эса ишлаб чиқариш технологияларини такомиллашувига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, ахборот технологиялари ривожиди асосида такомиллашиб бориши, шунингдек ахборотлар макони таълим ва ишлаб чиқариш маълумотлари билан бойитилиб борилиши зарурдир. Юқорида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасидаги боғлиқлик схематик равишда келтирилган

### 1.3. Педагогикада инноватика

**Педагогик инноватика** (янгилик киритиш, инновация) – таълим муассасасининг фаолиятига нисбатан барқарор янгилик элементларини киритиб, унинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишига самарали таъсир этувчи мақсадга йўналтирилган ўзгартиришдир.

**Инновацион педагогик технологиялар** айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар (тингловчилар)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсини шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир.

**Педагогик янгиликларни тарқалиш омиллари.** Педагогик янгиликларни тарқалиш омиллари турли омилларга боғлиқ бўлиб, уларни қуйидаги 3 гuruhга ажратишимиз мумкин:

- Жамиятда педагогик ҳолатларга бўлган муносабат, халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсати: *кенг режалар ижтимоий шароитлар.*

- Аниқ йўналишдаги давлат ва жамият институтлари фаолияти-оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлири, таълим органлари, мустақил ижодий педагогик уюшмалар: *хусусий ижтимоий шароитлар.*

- Педагогик янгиликларни яратувчи ва тарғиб қилувчиларнинг шахсий хусусиятлари, жумладан ушбу кишиларни жамиятдаги тутган ўрни, таълим арбоблари, ўқитувчилар оммаси ва ижодий педагоглар нигоҳида тутган ўрни: *шахсий омиллар.*



**2-Расм. Инновацион технологияларни қабул қилиш бўйича педагоглар гуруҳлари (Э.М. Роджерс таснифи бўйича)**

## ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ



### 1.4. Модулли ўқитиш технологияси

#### 1.4.1. Фанни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми ва модуллар тизими

**Модул-педагогик** технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифода этувчи тушунча. Модуллар катта модул, ўрта модул ва кичик модул кўринишида ифодаланиши мумкин. Масалан, фаннинг алоҳида боби ёки бир неча мазмунан бир бирига яқин боблари катта модулни, ундаги алоҳида мавзулар ўрта модулни, мавзу режалари эса кичик модулларни ташкил қилиши мумкин.

Модулли ўқитиш технологияси анъанавий ўқитиш технологияларига алтернатив ҳолда, мавжуд педагогик технологиялардаги барча назарий ва амалий прогрессив технологияларни ўзида мужассам этган технология ҳисобланади. Модулли ўқитиш асослари П.Я.Цявичене томонидан ишлаб чиқилган ва тўлиқ баён этилган.

**Модулли ўқитишнинг моҳияти** - талаба модуллар билан ишлаш жараёни орқали ўқув мақсадига мустақил ҳолда (ёки маълум даражадаги ёрдам орқали) эришади. Педагог маълум кетма-кетлик асосида дидактик вазифалар мураккаблашадиган ва модуллар мажмуидан иборат дастур ишлаб чиқади. Дастурда талабага кириш ва оралиқ назоратлари орқали педагог ҳамкорлигида ўқув устидан ўз-ўзини бошқариш имконияти яратилади.

**Модулли ўқитиш технологияси** мажмули ёндошувни ифодалайди. Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади. Мажмулар назарияси ва мажмули ёндошув “мажмуа” тушунчасини ифода этмайди.

#### **1.4.2. Ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми** (*“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани мисолида*)

№	Лойиҳа тузиш босқичлари
1.	“Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” фанини илмий, назарий ва ўқув фани сифатида бир бутун деб қараб, мазмун ва ҳажми жиҳатидан катта модулларга ажратиш ҳамда катта модуллар мақсадларини аниқлаш.
2.	Катта модул таркибидаги ўрта модулларнинг мавзулари, машғулот тури (маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим) ва уларга ажратилган вақтни аниқлаш ҳамда уларнинг мақсадларини белгилаш.
3.	Ўрта модул мақсадини амалга ошириш натижасида талабаларда пайдо бўладиган назарий билим ва амалий кўникмаларнинг феъллар шаклидаги мажмуини тузиб чиқиш.
4.	Ўрта модул таркибидаги кичик модулларни ва уларнинг мақсадини аниқлаш, ҳар бир кичик модулга ажратилган вақтни белгилаш.
5.	Ўрта модуллардаги таянч тушунчалар ва назорат саволларини белгилаш.
6.	Рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш мезонларини тузиш.
7.	Ўқитиш жараёнида (ўрта модулда) қўлланиладиган ахборот-коммуникация усуллари, замонавий инновацион педагогик технологияларни белгилаш.
8.	Ўқитиш жараёнида (ўрта модулда) фойдаланиладиган техник воситалар, ўқув визуал материаллар, глоссарий ва бошқа дидактик материаллар захирасини аниқлаш, уларни қўлланиш жойларини белгилаш.
9.	Ўрта модул мазмунини ёритиш учун зарур ахборот-услубий таъминотни тузиш, улардан қандай кетма-кетликда фойдаланиш тартибини белгилаш.
10.	Ўрта модуль мазмунини ва ўқитиш жараёни боришини ифода этувчи матнни тузиш.

**1.4.3. Фанини ўқитишнинг катта модуллари ва улар таркибидаги ўрта модуллар сони**  
 (“*Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги*” фани мисолида)

№	Катта модуллар номи	Модуллар мақсади	Ўрта модуллар тури ва сони			
			Маъруза	Лаборат. .	Амалий	Мустақил таълим
1	“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”нинг назарий асослари	<b>Таълимий:</b> “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанининг мақсади ва вазифалари, асосий бўлимлари ва уларда ўрганиладиган масалалар, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, ҳаёт фаолият хавфсизлигининг асосий тушунча ва таърифлари, хавфсизликни таъминлаш принциплари, усуллари ва воситалари, фаолият хавфсизлигини бошқариш, бошқаришга тизимли ёндошиш, хавфсизлик системасини оптималлаштириш ва таҳлил этиш тўғрисида талабаларга назарий билим бериш ва фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш, бошқариш, таъминлаш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш.	3	-	1	2
		<b>Тарбиявий:</b> Инсон фаолияти ва манфаатлари орасидаги боғланишларни, маънавий манфаатни моддий манфаатдан устун эканлигини, юксак маънавият жамият ривожланишининг пойдевори эканлигини талабалар онгига сингдириш, фаолият даврида, айниқса ишлаб чиқаришдаги фаолиятда инсон омилининг биринчи навбатда туришини англатиш. Қонунларга, жумладан меҳнат қонунларига ҳурмат нуқтаи назари билан қараш, уларга амал қилиш ҳиссини шакллантириш. <b>Ривожлантирувчи:</b> Ҳаёт фаолият хавфсизлигининг мазмун моҳиятини чуқур англатиш, фаолият хавфсизлигини режалаштириш, бошқариш ва таъминлаш бўйича эгаллаган билимларини ўз амалий фаолиятларида қўллаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.				

	Ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолият хавфсизлиги	<b>Таълимий:</b> Ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари, ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси, хавфсизлик техникаси асослари ва ёнғин хавфсизлиги бўйича назарий билим бериш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.	10	8	6	3
2		<b>Тарбиявий:</b> Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсати ва ММҚ бўйича қонунларни ўргатиш асосида талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, стандартлар ва санитар гигиеник меъёрларни иш жойида талаблар даражасида бўлишини таъминлаш зарурлиги тўғрисида фикр уйғотиш ва қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, <b>Ривожлантирувчи:</b> Ишлаб чиқариш шароитида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликни таъминлашни ташкил этиш бўйича янги қонунлар, низомлар ва стандартлар устида мустақил ишлаш, хавфли вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилиш малакасини шакллантириш.				
	“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”нинг табиий ва экологик асослари	<b>Таълимий:</b> Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, унинг экологик оқибатлари, экологик система ва биогенез, биосферага таъсир этувчи табиий, антропоген ва техноген тусдаги омиллар, экология ва таракқиёт тўғрисида бошланғич маълумотлар ва билимлар бериш.	-	-	-	1
3.		<b>Тарбиявий:</b> Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизлик тушунчаларини шакллантириш, экологик тоза ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш фойдалилигини тушунтириш, атроф-муҳит тозаллиги ва тоза экологик муҳитга ўз ҳиссасини қўшиш руҳида тарбиялаш. <b>Ривожлантирувчи:</b> Ҳаётий фаолиятда, жумладан ишлаб чиқаришдаги фаолият даврида экологик тоза технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ушбу мақсад йўлида такомиллаштириш борасида малакаларни юзага келтириш.				

4.	Фавкуллда ҳолатларда ҳаёт фаолият хавфсизлиги	<p><b>Таълимий:</b> Фавкуллда ҳолатларнинг умумий тавсифи ва таснифланиши, аҳолини фавкуллда ҳолатлар вақтида ҳимоялаш усуллари ва принциплари, ФХ вақтида фаолият хавфсизлигини таъминлаш ва режалаштириш, ФХларда халқ хўжалик объектларини барқарор ишлашини таъминлаш, ФХ асоратларини бартараф этиш йўллари бўйича назарий билимлар олиш ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> ФХ вақтида аҳолини (корхона ходимларини) ФХларнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш, корxonанинг барқарор ишлашини таъминлаш ва ФХ асоратларини бартараф этиш бўйича масъулият руҳини шакллантириш.</p> <p><b>Ривожлантирувчи:</b> ФХлар вақтида фаолият тартибини билиш, ишончли ва мустақил қарорлар қабул қилиш ҳамда амалга оширишни ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш</p>	3	-	2	2
----	--	--	---	---	---	---

#### 1.4.4. Модул тизимида фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмаси (ўрта модуллар мавзулари )

№	Маъруза машғулотлари	Амалий машғулотлар	Лаборатория ишлари	Мустақил таълим мавзулари
	Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанининг мақсад ва вазифалари. Асосий тушунча ва таърифлар.			Хавфсизлик ни таъминлаш да таваккалчи лик иазарияси.

<b>1-капта МОДУЛ</b>	Хавфсизликни тизимий таҳлили ва фаолият хавфсизлигини	БХни таҳлил қилиш услуглари, жароҳатланиш		
--------------------------	--	--	--	--

	бошқариш	кўрсаткичларин и аниқлаш		
	Фаолият хавфсизлигининг эргономик ва психологик асослари			Компютер хоналарига бўлган эргономик ва санитар- гигеник талаблар
2-катта модуль	Ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолият хавфсизлиги. Меҳнат муҳоазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш		Ўзб.Респуб-  ликасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаг и қонуни” ва “Меҳнат кодекси”ни ўрганиш
	Ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси.	Хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича кўрсатмалар тузиш	Ишлаб чиқариш хоналарининг микроклим ҳолатини текшириш	
2-катта модуль	Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво алмаштириш ва иситишни ташкил қилиш	Ишлаб чиқариш хона-ларида механик ҳаво алмаштириш системаси кўрсаткичла- рини ҳисоблаш		
	Ишлаб чиқариш биноларини ёритиш	Ишлаб чиқариш хоналарини сунъий ёритишни ҳисоблаш	Иш жойларининг ёритилган- лигини текшириш	
	Ишлаб чиқаришда шовқин ва титраш		Ишлаб чиқаришда шовқинни текшириш	
	Ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси	Хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ва уларни ҳужжатлаш- тириш тартиблари		
2-катта модуль	Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлиги	Электр жихозларини ерга улаш кўрсаткичлари- ни ҳисоблаш	Электр тоқини ерга тарқалиш зонасидаги хавфсизликни текшириш. Электр	



			токининг инсон организмига таъсирини ўрганиш	
			Электр изоляцияларининг хавфсизлигини текшириш	
	Ахборот коммуникация тизим техник воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси		Электр магнит нуруланишларни текшириш	Компютер ва бошқа коммуникация тизимлардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси
	Ёнғин хавфсизлиги. Ёнғинни олдини олиш ва ёнғинга қарши химоя системалари			Ёнғин хавфсизлиги системаларига қўйилган талаблар
	Ёнғин муҳофазасини ташкил этиш ва ёнғинни ўчириш		Ўт ўчиргичларнинг тузилиши ва ишлатилишини ўрганиш	
3-кагга модуль	ФХда фаолият хавфсизлиги асослари. Умумий тушунча ва таърифлар			Фавқулдда ҳолатларнинг таснифи.
	Фавқулдда ҳолатларда аҳолини химоя қилиш принциплари ва усуллари			Фавқулдда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам
	ФХларда халқ хўжалик объектларининг турғун ишлашини таъминлаш. Фавқулдда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш	Юзалар ва инсонларнинг радиоактив зарарланишини ҳисоблаш		
4-кагга модуль				Ҳаёт фаолият хавфсизлигининг табиий ва экологик асослари

### 1.5. Интерактив ўқитиш технологияси

**Интерактив ўқитиш** - талаба ўзида олдин мужассамлашган тажрибадан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнида фаол иштирок этади, машғулот давомида шахсий рол ўйнаб, янги тажрибалар орттиради, олган тажрибалари асосида дарсни таҳлил қилиб, ўзига керакли муҳим материалларни олади ҳамда ўзининг кундалик фаолияти билан боғлайди.

*Интерактив сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “inter” – ўзаро (взаимный), “act”-фаолият қилмоқ (действовать) маъносини билдиради.*

Интерактивлик, бу ўзаро муносабатда бўлмоқ, диалог режимида ўқимоқ маъносини билдиради. Шу сабабли интерактив ўқитиш-диалогли ўқитиш демакдир. Диалог анъанавий ўқитиш услубларида ҳам мавжуд, жумладан “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқитувчи-ўқувчилар гуруҳи” кўринишида. Интерактив ўқитишда эса диалог “ўқувчи-ўқувчи”, ўқувчи-ўқувчилар гуруҳи”, “ўқувчи-аудитория”, “ўқувчилар гуруҳи-аудитория” (гуруҳлар презентацияси), “ўқувчи-компьютер” каби кўринишларда ҳам бўлади. Ўқувчи маърузада фақат “пассив” тингловчи сифатида эмас, балки “актив” иштирокчи сифатида қатнашади.

Интерактив ўқитиш технологияси анъанавий маъруза ўқиш услубини кўзда тутмайди ва шу билан бир қаторда маъруза дарсларини амалий дарсларга қарама-қарши қўймайди. Интерактив ўқитишда маъруза ва амалиёт бир бутун машғулотнинг қисмлари деб қаралади ва бу ўқитувчи ҳамда талабанинг ўзаро таъсири ҳамда талабаларнинг машғулот давомида фаол иштирок этиш даражаси билан белгиланади. Маълумки, анъанавий маъруза дарсларида ўқитувчи фаоллиги таъминланса, амалий машғулотларда талаба фаоллиги талаб этилади. Интерактив услубда ўқитувчидан машғулот давомида талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро таъсир даражасининг бир кўринишидан иккинчисига мавзуга боғлиқ ҳолда устамонлик билан равоён ўтиши талаб этилади. Интерактив услубдаги маъруза дарслари жараёнини фан бўйича мавзунинг мақсад ва вазифаси ҳамда таълим олувчиларнинг эҳтиёжига боғлиқ ҳолда тахминан куйидагича тақсимлаш мумкин:



**3-Расм. Интерактив услубда машғулотлар нисбати**

### **1.5.1. Талабалар томонидан мавзу маълумотларини қабул қилиш ва ўзлаштириш даражаси**

Талаба маълумотларни фақат эшитиш орқали қабул қилса, берилган маълумотларнинг ўртача 20 фоизини ўзлаштиради. Шу сабабли агар маъруза фақат мавзунинг оғзаки тушунтириш шаклида (анъанавий) ўтилса, талабалар дарсда берилган маълумотларнинг 80

фоизини эсда саклаб қолмайди ва дарров унутишади. Ўртача одам бир минутда 800 тагача сўзни эшитиши ва тушуниши мумкин. Ваҳоланки, аудиториядаги талабалар ўқитувчи нутқига нисбатан 4 марта тез эшитиш қобилиятига эга. Демак, оғзаки тушунтириш вақтида вақтнинг 75 % қисмида талаба эшитмайди, у бўш қолади, агар ўқитувчи фақат оғзаки тушунтириб, маъруза қилса талаба диққатини йўқотади. Шу сабабли маърузани фақат ўқиб бериш ёки оғзаки тушунтириш шаклида олиб бориш самарасиз ҳисобланади.

Агар талаба маълумотларни бир марта ўзи ўқиса у 25 фоиз маълумотни эслаб қолади. Демак маърузада, талабалар олдида маъруза қилиш билан биргаликда, улардан мавзунинг асосий жойларини дарс давомида ўзлари ўқишлари талаб этилса, маъруза самараси ортади. Бунинг учун слайдлар, таянч иборалар, тарқатма материаллар зарур бўлади ва маъруза давомида улардан талаба фаоллиги таъминланган ҳолда фойдаланилади.

Агар берилаётган маълумотлар икки марта такрорланса, талаба маълумотларнинг 30 фоизини эслаб қолади. Агар Сиз маърузада мавзунинг асосий, муҳим жойларини икки марта такрорласангиз, ўзлаштириш фақат ўқиб беришга нисбатан 10 фоизга ортади. Агар такрорлаш слайдлар, ўқув-визуал материаллар асосида бажарилса дарснинг самарадорлиги янада ортади, яъни асосий таянч иборалар ҳам икки марта такрорланади, ҳам талабалар томонидан ўқилади.

Агар талаба ёзиб, ўқиса маълумотларни 45 фоизгача ўзлаштиради. Демак маърузанинг таянч ибораларини маъруза давомида ёздириб борилса, ўзлаштириш икки марта ортади. Талаба ўртача бир минутда 40 тагача сўз ёзиши мумкин. Лекин, мақсад фақат тез ёздириш бўлиб қолса, натижа етарли даражада самарали бўлмайди. Шунинг учун маърузанинг таянч иборалари ёздирилаётганда, талабага диққатини жамлаб, тушуниб ёзиши учун вақт бериш керак, яъни ёздирилаётган ибораларни тўхтаб-тўхтаб, секин ифода этиш зарур.

Кўпчилик муҳокама, баҳс жараёнида маълумотларнинг 60 фоизига яқинини ўзлаштиради, яъни ўқув жараёни оддий маъруза ўқишга нисбатан 3 марта самарали бўлади. Агар маърузада юқоридаги услублар (оғзаки тушунтириш, қайтариш, ўқув-визуал материаллар ёрдамида кўрсатиш, талабадан ўқишни талаб қилиш, таянч ибораларни ёздириб бориш) маълум боғлиқли кетма-кетлик асосида биргаликда жорий этилса ўқув самараси янада ортади.


Талаба берилаётган маълумотларни ҳаётий тажрибаси орқали таққосласа, билим амалиёт орқали етказилса, талабаларга доимий ушбу материалларни реал ҳаётда керак бўлиши тушунтирилса, машғулотда мавзуни реал ҳаёт билан боғлаб талабаларнинг фаол фикр билдиришларига шароит яратилса, мавзу бўйича берилаётган маълумотларни талабалар томонидан 80 фоизгача ўзлаштиришларига эришиш мумкин. Яхши педагог ўртача бир минутда 170 тагача сўз талаффуз этиши мумкин. Ўртача студент минутига 400 тагача сўзни ўқиши ва тушуниши мумкин. Бу шуни билдирадики, ўқитувчи маълумотларни слайдлар кўринишида ёки тарқатма материаллар кўринишида тушунтиришдан олдин берса, ўқитувчи тушунтиргунча талабалар ушбу материалларни икки марта тез ўқиб улгурадилар. Талабалар ўзлари маълум миқдорда бўлсада ўқиб олгач, маърузачининг тушунтиришларига кам эътибор беришади. Шу сабабли, агар олдин тушунтириб, кейин ўқув-визуал материаллар орқали тушунтириш такрорланса, энг яхши натижага эришилади.

Айрим педагоглар ўқитишнинг интерактив услублари деганда замонавий ўқув-визуал материаллар (оддий, мультимедиа ва анимацион слайдлар, тарқатма материаллар, маъруза матнлари, техник воситаларнинг моделлари, макетлари ва б.)дан ҳамда замонавий техник воситалар (компьютерлар, электрон доскалар ва б.)дан фойдаланиш, маъруза матнларини олдиндан талабага тақдим этиб, талабанинг дарсга тайёр бўлиб келишини таъминлаш кабиларни тушунишади. Албатта бу тўғри фикр эмас.

#### **Талабалар томонидан маълумотларни ўзлаштириш даражаси**

**Ўқитувчи фаолияти**

**Талаба фаолияти Ўзлаштириш даражаси**



### 1.5.2. Ўқитишнинг интерактив услублари

**Ўқитишнинг интерактив услублари** дейилганда биринчи навбатда талабанинг ўқув жараёнини фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган инновацион педагогик услублар мажмуи ва техник воситалар тизими тушунилади. Интерактив услубдаги машғулотда талаба берилаётган маълумотларни тинглаши, ўқиши, кўриши, ёзиб бориши, мавзу бўйича саволлар бериши, ўз фикрини эркин баён этиши, амалий топшириқларни бажариши ва ўзининг ҳаётини тажрибаси билан боғлаб, мавзу бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилиши лозим. Қуйида ўқитишнинг интерактив услубларини айримлари тўғрисида маълумотлар келтираемиз:

#### **Муҳокама-мунозара.**

Бу интерактив ўқитишнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади ва талабаларнинг ушбу мавзу бўйича турли хил билим даражаси ва тажрибалари асосида ўрганиладиган масалага қандай ёндошиши кўзда тутилади. Бунда ўқитувчи муҳокама учун муаммоли саволни ёки ҳаётдаги аниқ бир вазиятни белгилаб, ўртага ташлайди. Талабаларни эса мавзудан четга чиқишларига ёки айрим фаол талабаларни етакчи бўлиб, фақат улар фикр билдиришларига

йўл қўймайди, мумкин қадар барча талабаларнинг фаол иштирок этишларига аҳамият беради, талабаларни бир-бирини фикрларига ҳурматсизлик билан қарашларига йўл қўймайди. Муҳокама охирида ўқитувчи фикрларни умумлаштириб, ўз фикрини назарий ва амалий исботлаб баён этади.

### **Жамоавий муҳокама ёки муаммолар руйхатини тузиш.**

Талабаларга бирор бир масала, муаммо ёки мавзу доирасидаги аниқ бир вазият устида ўйлаб, улардан муҳокама қилиш учун ғоялар, таклифлар руйхатини тузиш талаб этилади. Ушбу услубда муаммони ўқитувчи эмас, балки талабалар ўйлаб топади. Масалан: “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга нималар тўсқинлик қилмоқда?”. Талабалардан реал ҳаётда, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга тўсқинлик қилаётган масалалар ва муаммолар руйхатини тузиш талаб этилади.

### *Муаммони, кичик муаммоларни ва хулосаларни ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш*

<i>Муаммони ишлаб чиқиш</i>		<i>Яқуний хулоса</i>
<i>Кичик муаммони ишлаб чиқиш</i>	<i>Ечимининг мазмуни</i>	<i>Хулосалар</i>

### **Вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш.**

Бунда мавзунинг айрим масалаларига боғлиқ аниқ ҳаётий вазиятлар ўртага ташланади. Талабалардан ушбу вазиятдан қандай чиқиш йўллари устида ўйлаш ва ўз фикрларини баён этиш сўралади. Масалан, “Электр хавфсизлиги” мавзуси ўтиляётганда, шундай вазият ўртага ташланиши мумкин: “Компьютерда ишлаётган оператор электр токидан жароҳатланиши мумкин. Бунга нималар сабаб бўлиши мумкин?”.

Муҳокама якунида ўқитувчи вазиятни савол билан умумлаштиради. Масалан, “Биз нима ҳақида билиб олдик?”, “Биз қандай хулосага келишимиз мумкин?”, “Ҳаётда Сиз шундай вазиятга тушмаслигингиз учун нима қилишингиз керак?”.

### **Баҳс ёки мунозаралар олиб бориш.**

Талабалар икки (ёки бир неча) гуруҳларга бўлинади. Ўқитувчи томонидан умумий муаммо белгилаб берилади. Талабалар ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича ўз йўналишларини белгилаб олишади. Вақтни тежаш мақсадида ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ушбу муаммодан чиқишнинг йўналишини ҳам кўрсатиб бериши мумкин. Ҳар бир гуруҳ муаммони ҳал қилиш бўйича ўз йўналишини ҳимоя қилади. Баҳс охирида ўқитувчи муаммо ечимлари бўйича иккала гуруҳ фикрларини умумлаштириб, талабалар иштирокида хулосалайди.

### **Танқидий фикрлаш.**

Дарс баҳс-мунозара шаклида ташкил этилади. Талабаларга муаммоли савол берилади ва ҳар бир талабанинг ушбу савол бўйича мустақил фикри тингланади. Бунда талабаларда мавзунинг ўзлаштиришлари билан бир қаторда:

- ўз фикрини эркин баён қилиш;

- бошқалар фикрини тинглаш ва ўрганиш;
- бошқа киши фикрига бефарқлик билан қарамаслик;
- ўз фикри билан бошқалар фикрини таққослаш;
- муаммо бўйича тўғри ечим (қарор) қабул қилиш каби ҳислар шаклланади.

Танқидий фикрлаш услубининг сўнги босқичида талабалар томонидан билдирилган турлича фикрлар қайтадан баҳоланади ва мутоносиблик аниқланади.

### **Ролли ўйинлар.**

Фаол талабалар танлаб олинади ва уларга мавзуга оид ҳаётий вазиятларда рол ўйнаш талаб этилади. Бу услубда ўқитиш жараёни уч босқичда, яъни вазият бўйича рол ўйнаш, вазиятни кузатиш, вазиятни таҳлил қилиш ва ўз ечимини қабул қилиш асосида амалга оширилади. Ролли ўйин учун мавзу танлашда ишлаб чиқаришда талаба дуч келиши мумкин бўлган вазиятлар олинади. Рол орқали талаба ўзининг келажакдаги фаолиятини кўз олдида келтиради. Ушбу услуб машғулот давомида ўзгарувчан бўлиши керак. Ўқитувчи машғулот давомида савол бериб, ҳолатни ўзгартириши мумкин. Натижа- қисқа вақтда самарали ўзлаштиришга эришиш талаб этилади.

Ролли ўйинларда талабалар қуйидаги билим, укув ва кўникмаларга эга бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар устида амалий мулоқат қилиш, тажрибасини ортдириш;
- жамоадаги бир ходим характерини ёки фикрини бошқа кишига таъсир этишини англаш;
- вазиятлар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ва ўз фикрини баён эта билиш;
- вазиятни таҳлил қила олиш;
- вазиятдан чиқиш режасини ва стратегиясини ишлаб чиқишни билиш.

### ***Ролли ўйин машғулот режасини тузиш.***

1. Машғулот мавзусига боғлиқ ишлаб чиқариш вазиятини танлаш. Мавзу албатта реал ҳаётга боғлиқ бўлиши керак.
2. Ролли ўйин мавзусининг аниқ мақсадини белгилаш, уни талабаларга тушунтириш.
3. Ролли ўйиндаги вазиятни изоҳлаш, талабаларга вазиятни аниқ, тўғри тушунтириш.
4. Ролли ўйин иштирокчиларини танлаш. Талабаларга ўз хоҳишлари билан иштирок этиш имкониятини бериш мумкин.
5. Ҳар бир иштирокчининг вазифасини, мақсадини тушунтириш. Рол ўйнаётган талабада ўз ролига ишончли туйғу уйғотиш.
6. Кузатувчи талабалар (ўйинда иштирок этмаётган)нинг вазифасини белгилаш.
7. Хулосалаш. Бунда, дарсдан кейин талабалар ушбу мавзу устида баҳслашишлари учун айрим масалаларни жавобсиз қолдириш ва вазифа тарзида бериш ҳам мумкин.

### **Кичик гуруҳларда ишлаш.**

Талабаларни бир неча гуруҳга бўлиб, уларга мавзуга оид аниқ бир масала ёки вазифа устида ишлаш топширилади. Уларга маълум вақт берилади, кейин берилган вақт тугагач ҳар бир гуруҳнинг ушбу мавзу бўйича қарори, фикрлари тингланади.

Кичик гуруҳлар услубида машғулот олиб борилганда қуйидагиларга эришилади:

- ҳар бир талабани фаол иштироки таъминланади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш имконияти ортади;
- муаммони тез ҳал этиш усули таъминланади. Талабалар қисқа вақт ичида кўплаб янги гоялар ижодқори бўлишади;
- машғулотнинг исталган вақтида талабаларнинг қизиқишини ортдириш ва бутун катта гуруҳ бўйича муҳокама қилиш имконияти таъминланади;
- айрим талабалар ўзларининг мавзуга оид ушбу муаммо бўйича шахсий фикрларини ўқитувчига айтишдан тортинишади, кичик гуруҳларда эса улар гуруҳдошлари билан эркин фикр алмашишади, яъни машғулотда фаол иштирок этишади.

**Кичик гуруҳларда ишлаш машғулот режасини тузиш.** 1. Машғулот режаси тузилади, кичик гуруҳларда ишлаш машғулотнинг қайси вақтида бошланиши белгиланади.

2. Талабалар бир неча гуруҳларга бўлинади.

3. Кичик гуруҳларда ишлаш учун мавзуга оид муаммоли савол ёки масала танланади. Саволнинг мақсади ва вазифаси талабаларга аниқ тушунтирилади.

4. Муаммо устида ишлаш учун вақт белгиланади. Одатда 15-20 минут ҳар қандай мавзу ичидаги масала устида қарор қабул қилишга етарли ҳисобланади.

5. Гуруҳлар учун презентация шакли танланади.

6. Гуруҳлар ўз сардорини сайлашади. Бунинг учун алоҳида вақт бериш шарт эмас.

7. Гуруҳларга мавжуд ўқув-услубий, ўқув-визуал материаллардан фойдаланиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

8. Ўқитувчи аудиторияда шовкин бўлишига, айрим талабаларни пассив иштирокчи бўлиб қолишига йўл қўймайди, гуруҳлар фаолиятини назорат қилиб, уларнинг фикрларини ўрганиб боради.

9. Гуруҳ сардорлари мавзу бўйича гуруҳнинг умумий фикрини презентация шаклида ҳимоя қилади. Презентация учун одатда 10 минутдан ортиқ вақт бериш тавсия этилмайди.

10. Презентация тугагач, баҳс-мунозара учун вақт ажратилади, ўқитувчи муаммони умумий таҳлил қилади, гуруҳлар фаолиятига баҳо беради.

#### **Гуруҳларда ишлаш тартиби ва регламенти**

1. Муаммони ҳал қилиш бўйича гуруҳларда ишлаш ва презентация варағини тўлдириш- 15 минут.

2. Мини-гуруҳларга бўлинадилар, умумий вазифани бўладилар, жавобни мустақил расмийлаштириш-5минут;

3. Мустақил ечимни гуруҳга эълон қиладилар-5минут;

4. Келишадилар, тўлдирадилар, тўғри жавобни топадилар ва презентацияга тайёрланадилар-5минут;

5. Гуруҳнинг мавзу саволи бўйича нуктаи-назарини баён этиш-1-3минут;

6. Биргаликдаги муҳокама ва якуний хулосани шакллантириш-3 минутгача.

#### **Ақлий ҳужум.**

Ақлий ҳужум услубини биринчи бўлиб бундан бир неча ўн йиллар олдин Ф. Осборн Алекс рекламаси орқали Баттер, Бартон, Дастин ва Осборн фирмаларида қўлаган. Кейинчалик ушбу услубдан йирик халқаро корпорациялар ҳам фойдалана бошлашган. Ҳозирги кунда кўпгина ривожланган давлатларда, ушбу услуб маъмурий бошқаришда ва нодавлат ташкилотларда оддий одатий ҳолга айланди.


Республикамиздаги таълим муассасаларида ушбу услубдан 2000 йиллардан бошлаб фойдаланила бошланди. Ушбу услубнинг моҳияти жуда оддий. Талабалар мавзуга оид муаммоли савол ёки масала билан таништирилади. Масала бўйича талабалар ўз ғоя ва фикрларини билдиришлари учун аниқ вақт ажратилади, масалан - 10 минут. 10 минут ичида билдирилган барча ғоялар ва фикрлар ёзиб борилади. Билдирилаётган ғоялар баҳоланмайди, аудиторияда шовкин бўлишига, айрим талабаларнинг бошқа талаба фикри устидан кулиши ёки уни баҳолашига руҳсат берилмайди. Дастлабки мақсад-сон! Ғоя қанча кўп бўлса шунча яхши. Алоҳида фаол талабаларнинг етакчилик қилишларига, яъни фақат бир неча талаба фикр билдиришларига йўл қўйилмайди. Мумкин қадар барча талабалар фикрини баён этишларига имконият яратилади. Вақт тугагач талабаларга экранда ёзилган барча фикрларни ўқиб, мушоҳада қилишларига вақт ажратилади. Кейин ўқитувчи ёрдамида барча ғоялар гуруҳларга бўлинади ва улар таҳлил қилиниб, энг мақбул вариант танлаб олинади.

#### **Ақлий ҳужум услубининг асосий қоидалари:**

- илгари сурилган фикр ива ғояларни танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг;
- танқид қилманг! Ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир;
- фикр билдирилатганда гапни бўлманг;
- мақсад-фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш;
- қанча кўп ғоя ва фикр билдирилса, шунчалик яхши. Янги, бебаҳо фикр ва ғоянинг туғилиш эҳтимоли пайдо бўлади;
- агар фикрлар қайтарилса, рад этманг;
- хаёлий фикрлашга ижозат беринг;
- бу муаммо фақатгина маълум, аниқ усуллар ёрдамида ҳал бўлиши мумкин деб ўйланг;
- фикрлар ҳужумини ўтказиш вақтига қатъий риоя қилинг;
- берилган саволларга қисқача жавоб беринг.

### “Кластер” (тутам, боғлам) усули.


Бу услуб олдиндан мавжуд билимлар, мавзу бўйича тушунчалар заҳирасига асосланади. Ўқитувчи асосий (таянч) сўзни доскага ёзади, талабалар асосий сўзни тўлдирувчи ёки ушбу сўз ечимига боғлиқ сўзларни айтишади. Ўқитувчи талабалар томонидан айtilган сўзларни “Кластер” атрафига тўплаб, мантиқий занжир ҳосил қилади.



### Балиқ скелети техникаси.

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса муаммолар ечимига қаратилган тадбирлар ёки ушбу муаммолар бўйича мисоллар ёзилади.





### **Ажурли арра” технологияси.**

Бундай технология асосида машғулотлар ташкил этилганда, талабалар(ўқувчилар)нинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришга имкон яратилади. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Ҳар бир талаба икки гуруҳ таркибида иштирок этади. Улар дастлаб биринчи гуруҳда, кейин эса “эксперт” гуруҳига бирлашиб, мавзунини мустақил ўрганишади. Гуруҳ 5-6 кишидан иборат бир неча кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдан “эксперт” талаба ажратиб олинади ва уларга пакетдаги аниқ мавзуга оид саволлар берилади. Пакетда ушбу саволга оид ўқув материаллари бўлиди. Эксперт талабалар алоҳида ажралишиб, мавзуларни мустақил ўрганишади ва ўзаро таҳлил қилишади. Кейин, эксперт талабалар ўз гуруҳларига қайтишиб, ўрганганларини гуруҳ аъзоларига ўргатишади. Машғулот охирида ўқитувчи экспертлар фикрларини яқунлаб, мавзунини тўлдирди.

### **ФСМУ технологияси.**

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрларини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрига бошқаларни ишонтиришга, очик-ошқора баҳслашишга, эгаллаган билимларни таҳлил қилиши, уларни қай даражада эгаллаганлигини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Ушбу технология тингловчиларга қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этиш тартибида амалга оширилади

**Ф – фикрингизни баён этинг.**

**С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.**

**М- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.**

**У - фикрингизни умумлаштиринг.**

ФСМУ технологиясида мавзу бўйича савол қўйилади. Талабаларга ФСМУ технологиясининг моҳити ва уларнинг вазифаси тушунтирилади. Топшириқни бажариш учун аниқ вақт белгилайди, масалан 15-20 минут. Топшириқни ҳар бир талаба шахсан бажариши талаб этилади. Талабалар фаолиятини кузатади, уларнинг саволларига жавоб бериб боради, йўналтиради, маслаҳатлар беради. Кузатув даврида тўғри қарор ёки фикр ёзаётган талабаларни аниқлайди. Жавобларни йиғиб олиб, кузатув даврида нисбатан тўғри деб топилган талабаларнинг фикрларини ўқийди, қўшимчалар киритиб, савол бўйича тўлиқ маълумот беради. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларни билиш мақсадида ) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин.

### **“Бумеранг” технологияси.**

Мазкур технологияда талабаларга турли хил кўринишдаги (очик, ёпиқ, кўндаланг) саволлар берилади. Талабаларда танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади, ўз ғоя ва фикрларини оғзаки ёки ёзма шаклларда баён этиш қобилиятларини шакллантиради. Очик саволлар муомала, сўзлашувни давом этдиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас. Ёпиқ саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ”

усулидаги тўғри, қисқа жавобларни беришни кўзда тутати. Кўндаланг саволлар бир-бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлардан иборат бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни аниқлаштириш, бошқалар фикрини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилишга имконият яратади. Кўндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришилмайди. Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган.

### **Инсерт жадвали.**

Талабаларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришни, уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад қилиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш, аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Шу сабабли, ушбу услуб мавзу бўйича режадаги машғулотлар ўзлаштирилгач, талабалар мавзуга оид билим ва кўникмаларга эга бўлгач қўлланилади. Ўқитувчи мавзунинг аниқ мазмун ва моҳиятини ёритиб беради ва дарс якунида талабаларга ушбу мавзу бўйича “Инсерт” жадвали асосида уйда мустақил ишлашлари учун топшириқ беради. Талабалар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари, реал ҳаётий тажрибалари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда кўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

**Инсерт жадвали**

V	+	-	?

- «V» - ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
- «+» - ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
- «-» - ..... янги маълумотлар;
- «?» - ..... мавзуга оид туғилган саволлар.

### **“Скарабей” технологияси.**


Ўқитишнинг ИНТЕРАКТИВ технологияларидан бири бўлиб, ундан ўқув материалларини ўрганишнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Бу технологияда талабалар тажрибасидан фойдаланилади, рефлексив кузатишни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятини яратади. Ушбу технология қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

- дастлаб ўқув мавзусининг моҳияти, тузилиши ва мазмуни “ақлий ҳужум” технологияси асосида белгиланади;
- мавзу бўйича ўрганиладиган саволлар ўртасидаги алоқалар, боғлиқлик, асосий тушунчалар аниқланади;
- мавзунинг ҳар бир саволи чуқурроқ ўрганилади, мавзу бўйича талабаларда янги ғоялар пайдо бўлишига имконият яратилади.
- Ўқитувчи мавзунини яқунлаб, олинган билимларни мустаҳкамлайди.

### **«Каскад» техникаси.**

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради. Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.

Савол юзасидан фикрларингизни билдиринг ва фикрларингизни асосланг.



**ББХБ (биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим) техникасини).**

Ушбу технологияда ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилиши мумкин. Топшириқ муайян мавзу бўйича саволлар тарзида берилади.. Талаба ушбу саволлар бўйича нималарни билишини, билишни хоҳлашини ва машғулот давомида нималарни қўшимча равишда билиб олганлигини ББХБ жадвалига ёзади. Бунда таянч иборлар ўқитувчи томонидан берилиши ҳам мумкин.

**ББХБ техникаси бўйича топшириқ:**

1. Матнни Инсерт техникасидан фойдаланиб ўқинг.
2. Таянч ибора ва тушунчалар билан танишиб чиқинг.
3. Олинган маълумотларни индивидуал равишда тизимлаштиринг – матнда қилинган белгилар асосида жадвалга жойлаштиринг.

БББ жадвалини тўлдириш учун таянч ибора ва тушунчаларнинг тартиб рақамидан фойдаланинг.

**ББХБ Жадвали**

№	Мавзу саволи	биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
1				
2				
3				

**Концептуал жадвал.**

Гуруҳ бир неча кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга мавзуга оид муаммоли саволлар берилади. Жавоблар ёзма равишда ўқитувчига тақдим этилади. Гуруҳ сардорлари жавоблар бўйича презентация шаклида чиқиш қилади.

**Гуруҳни баҳолаш жадвали**

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ ва тўғрилиги	Ахборотнинг ишончилиги	Гуруҳ аъзоларини фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
Балл	(1,0)	(0,5)	(0,5)	(2)	
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					
3-гуруҳ					

Гуруҳ бошлиғининг чиқиб масалани ойдинлаштириб бериши:

1,5-2,0 балл - «аъло»; 1-1,4 балл - «яхши»;

0,5-0,9 балл - «қониқарли»; 0,5 балл - «қониқарсиз».

### “Веер” технологияси.

Мураккаб, муаммо характердаги мавзуларни ўрганишда қўлланилади. Бу технологияда мавзу бўйича дастлаб тўлиқ ва қисқа маълумот бериледи. Кейин мавзу бўйича асосий муаммоли саволлар ажратилиб, алоҳида кичик гуруҳларда муҳокама этилади, яъни муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда-ва зарарлари аниқланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни шакллантириб, талабаларга ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма баён этишларига, ҳимоя қилишлариша шароит яратади.”Веер” технологияси ёрдамида мавзунинг алоҳида саволлари бўйича кичик гуруҳларнинг, ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиши таъминланади ва уларнинг ушбу савол бўйича билимлари баҳоланади.

### Пирборд техникаси.

Пирборд инглизча *Pin*- маҳкамлаш, *board*- доска сўзидан олинган бўлиб, муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириб, гуруҳлашни амалга ошириш, жамоа тарзда ёки ягона ҳолда қарама-қарши фикрларни шакллантиришга имкон яратади. Дастлаб ўқитувчи муаммоли саволни ўртага ташлайди ва талабалардан ўз фикрларини баён этишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил этади. Фаол талабалар рағбатлантирилади. Кейин фикрлар таҳлил қилиниб, муҳокама қилинади, баҳоланади ва энг самарали фикр танланади. Ушбу таянч хулосавий фикр алоҳида қоғозларга ва доскага ёзилади (маҳкамланади).

Ушбу технологияда муаммоли савол бўйича барча фикрлар жамлангач, гуруҳ намояндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- хато ёки такрорланаётган фикрлар олиб ташланади;
- баҳсли фикрларга аниқлик киритилади;
- фикрлар маълум белгилар бўйича тизимлаштирилади, гуруҳларга ажратилади;
- уларнинг ўзаро муносабатлари чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида белгиланади. Жамоанинг ягона ёки қарама-қарши фикрлари ишлаб чиқилади.

### “Т-схема-техникаси”.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, муаммо характердаги мавзули маъруза машғулотларининг якунида қўлланилади. Талабаларда танқидий, таҳлилий, мантиқий фикрлашни ривожлантиришга, ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ёки оғзаки баён этиш, уларни ҳимоя қилишга имконият туғдиради.


Дастлаб талабалар “Т-схема” қоидалари билан таништирилади. Талабалар якка тартибда, жуфт-жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда Т-схемани тўлдирадилар. Ўз ғояларини ёзма равишда Т-схеманинг ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Схемадаги ғоялар таққосланиб, таҳлил қилинади.

### Савол:

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

**Дельфи техникаси.** Ушбу технология муаммо ечимининг энг сарасини танлаш ва баҳолашга асосланган.

**Муаммо ечимини энг сарасини танлаш ва баҳолаш техникаси**



**Альтернатив ғояларни (гуруҳларда) баҳолаш варағи**

Гуруҳ	Альтернатив ғоялар											
	1-си			2-си			3-си			4-си		
1												
2												
3												
N												
Жами												

**И** – муҳокама иштирокчиси

**Д** – даражали баҳо (айни зарур таклифдан – 1-ўриндан, то зарурати кам, иккинчи даражали таклифгача – n - гача);

**Б** – альтернативлар баҳоси, балларда (1 – юқори баллдан то 10 – паст баллгача);

**Х** – ҳосил қилиш **Д x Б**

**Блиц-сўров.** Кичик гуруҳларда ишлаш технологиясига асосланган. Дастлаб мавзу бўйича 15-20 минут умумий савол- жавоб қилинади. Мавзу бўйича муаммоли саволлар аниқлаб

олинади. Кейин гуруҳ кичик гуруҳларга бўлиниб уларга муаммоли саволлар бўлиб берилади. Гуруҳларда ишлаш ва тайёрланиш, саволлар бўйича якуний хулосага келиш учун аниқ вақт берилади. Ҳар бир гуруҳ ўз хулосасини баён этгач, гуруҳлар ўзаро баҳолашади. Машғулот охирида индивидуал тест ўтказилиб, мавзу бўйича ҳар бир талабанинг рейтинг бали аниқланади.

Блиц-сўров-15 минут;

Гуруҳларда ишлаш ва презентацияга тайёрланиш- 20 минут;

Гуруҳнинг мавзу бўйича ўз нуқтаи-назарини баён этиши- 5 минут;

Жамоавий муҳокама, хулосаларни шакллантириш- 5 минутгача;

Ўзаро баҳолаш-1 минут;

Индивидуал тест ўтказиш-5 минут.

### Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳлар	Ечим (тўлиқ ва тўғрилиги)		Тушунтириш (аниқ ва кетма-кетлик)	Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар)	Жами баллар
	масала	чоралар			
	(0,2)	(0,2)			
1			(0,3)	(0,3)	(1,0)
2					
3					

### Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Умумий йиғинди	Ўртача
	-				
		-			
			-		


Талабанинг индивидуал баҳоси гуруҳ ишини якуни бўйича (мах-1балл) аниқланади.

0,8-1,0балл-аъло; 0,6-0,7 балл-яхши;

0,3-0,5 қониқарли; 0-0,2 ёмон

### “Нима учун?” техникаси.

Ўқитувчи мавзудаги муаммоли масалани очиб беради ва “Нима учун?” саволи билан талабаларга мурожаат қилади. Нима учун? саволи кетма-кетлик асосида такрорланади. Бунда талабаларда мавзу бўйича янги ғоялар, фикрлар туғилишига имконият яратилади. Талабанинг эркин фикрлаш, ўз фикрини баён этиш хусусияти шакллантирилади. “Нима учун?” саволини ўқитувчи ёки талаба ҳам бериши мумкин. Ёки, гуруҳ 2 та кичик гуруҳга ажратилиб, бири иккинчи гуруҳ жавоби асосида ўзининг қарама-қарши фикрини билдириб, “Нима учун?” саволини беради, иккинчи гуруҳ вакиллари жавоб беришади.



**Маъруза-анжуман.** Талабаларга маъруза мавзулари олдиндан белгилаб берилади. Талабалар ушбу мавзу бўйича тайёрланиб, чиқиш қилишади. Мавзуни ўзлаштиришда гуруҳнинг барча талабаларини фаол иштирокини таъминлаш мақсадида маъруза мунозара шаклида ўтказилади. Талабалар томонидан тақризчи белгиланади. Маърузачи ўз маърузасини тугатгач, тақризчи фикрини билдиради. Кейин гуруҳ талабалари маърузачи ва тақризчига саволлар беришади. Ушбу технологияни семинар машғулотларида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### ***Мунозара иштирокчиларини баҳолаш мезонлари***

<b><i>Баҳолаш мезонлари (баллда)</i></b>	<b><i>Маъруза қилувчилар</i></b>			
1. Доклад мазмуни (1,0): - долзарблиги; - баён қилинишининг тушунарлилиги, изчиллиги ва мантиқий боғлиқлиги; - хулосанинг аниқ шакллантирилиши. 2. Фойдаланилаётган маълумотнинг янгилиги (0,5) 3. Тақдимотда қўлланилган воситалар (0,4) 4. Регламентга риоя қилиш (0,1)				
<b><i>Жами:</i></b>				
	<b><i>Тақризчилар</i></b>			
1. Докладни янгилик била тўлдирганлигига (0,5) 2. Докладнинг кучли ва бўш томонларини аниқ кўрсатганига (1,5)				
<b><i>Жами:</i></b>				
	<b><i>Мунозара иштирокчилари</i></b>			
1. Саволлар: - ҳажми (0,1 ҳар бир савол учун); - мазмуни ва моҳияти бўйича (0,3) 2. Қўшимча киритганига (1,0)				
<b><i>Жами:</i></b>				

#### ***Анжуман иштирокчилари учун белгиланган регламент:***

Маърузачи -5 дақиқа

Тақризчи- 3 дақиқа

Маърузачи томонидан саволларга жавоб бериш - 3 дақиқа

Такризчилар томонидан саволларга жавоб бериш – 3 дақиқа  
Муҳокама ва мунозара учун – 3 дақиқа.

**Мунозара иштирокчисига эслатма:**

1. Мунозара муносабатларни ҳал этиш эмас, балки муаммолар ечимини ҳамкорликда топиш услубидир.
2. Бошқалар ҳам фикр билдиришларига имконият яратиш учун узоқ гапирма.
3. Ақлли фикрларнинг мақсадга етиши учун сўзларингни тарозига сол, ўйлаб, сўнгра гапир, ҳис-туйғуларингни назорат қил.
4. Такризчи ва оппонент фикрини тўғри тушунишга ҳаракат қил. Унинг фикрини ҳурмат қил.
5. Фақат мунозара мавзуси бўйича аниқ фикр билдир.
6. Ўз тақдимотинг билан кимгадир ёқишга ёки аксинча кимнидир хафа қилишга уринма.

**Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари**

<i>Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>	<i>1- гуруҳ</i>	<i>2- гуруҳ</i>	<i>3- гуруҳ</i>
Максимал балл – 2			
- савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл)			
- жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл)			
- гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
- берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
- регламентга риоя қилди (0,2)			
<b>Жами: (2 балл)</b>			

- 1,5 – 2 балл - «аъло»  
1,0 – 1,4 балл - «яхши»  
0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»  
0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

**Семинар-тренинг техникаси.** Мустақил таълим мавзуларини семинар-тренинг шаклида ташкил этиш яхши самара беради.

**Семинар-тренинг ўтказиш дастури**

<i>Биринчи кун</i>		
<i>Вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	<i>Жавобгар шахс</i>
8.30 – 8.35	Мавзуга кириш	Ўқитувчи.
8.35 – 8.45	Мавзу бўйича мустақил топшириқларни бажариш.	Талаба
8.45 – 8.55	Мавзу бўйича ўз ечимларини химоя қилиш.	Талаба



8.55 – 9.05	Ўзаро муҳокама ва савол - жавоблар	Талаба
9.05 – 9.15	Кофе-брейк	
9.15 – 9.30	Гуруҳларга топшириқлар бериш	Ўқитувчи
9.30 – 9.45	Тақдимот	Талаба
9.45 – 9.50	Мавзуни яқунлаш, баҳоларни эълон қилиш. Мустақил вазифа бериш.	Ўқитувчи

**Педагогик тажрибалар.** Ўқитувчи ўқитишнинг ИНТЕРАКТИВ услубларни билиши билан бир қаторда уларни қайси машғулот турида, қачон, қандай қўллашни ҳам билиши керак. Чунки таълим –тарбия жараёнида турли ИНТЕРАКТИВ педагогик технологияларни қўллаш гуруҳдаги тингловчиларнинг билими, савияси, маълумоти, ёши ва бошқа кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олишни тақоза этади. Ҳар бир аудитория, ҳар бир талаба (тингловчи)га айнан бир мавзуни ўзлаштиришда алоҳида ёндошишни талаб этилади. Шу сабабли ўқитишнинг самарадорлигини оширишда педагог ижодкор бўлиши, ўзи ҳам педагогик технологияларни ривожлантириши, бойитиши зарур. Мен ўз фаолиятимда қуйидаги усуллардан ҳам фойдаланмоқдаман:

#### **“Саволлар тузинг” услуби.**

Ушбу услуб уч босқичда амалга оширилади. Уни кўпроқ амалий, семинар ва мустақил таълим машғулотларида қўллаш яхши самара беради. Маъруза машғулотларида мавзу бўйича уй вазифаси сифатида ҳам бериш мумкин.

**1-босқич.** Ўқитувчи мавзу бўйича ҳар бир талаба 5 тадан савол тузиш топшириғини беради ҳамда ҳар бир талабадан ўзи тузган саволни ўзидан сўрашини таъкидлайди. Талаба ўз тузган саволига ўзи жавоб беришини эътиборга олган ҳолда, осонроқ савол тузишга ҳаракат қилади ва бунинг учун мавзуни бир неча марта ўқиб чиқади (осон савол тузиш ҳам осон эмас!). Натижада мавзуни маълум даражада ўзлаштириб олади.

**2-босқич.** Топшириқ бироз мураккаблаштирилади, яъни ўқитувчи бир талаба тузган саволни бошқа талабадан сўрашини айтади. Бунда талабалар жуфтлиги, яъни кимнинг саволи кимдан сўралиши аниқ кўрсатилади, Талаба ўзи тузган беш савол жавобини билган ҳолда, иккинчи талаба тузган беш савол жавобини ҳам билиб олади, бир мавзу бўйича ҳар бир талаба 10 та савол жавобини ўрганади.

**3-босқич.** Талабалар томонидан тузилган саволларнинг энг яхшилари гуруҳ иштирокида муҳокама тарзида танлаб олинади ва жавоби сўралади. Талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида улар рағбатлантирилиб борилади.

#### **“Таянч иборалар иштирокида гап тузиш” услуби.**

Ўқитувчи мавзуни ва мавзунинг қисқача мазмунини умумий ҳолда тушунтириб беради. Кейин мавзу бўйича таянч иборалар доскага ёзилади ва талабаларга таянч иборалар иштирокидаги мавзу бўйича гаплар тузиш топшириғи берилади. Талабаларни мустақил ишлашлари учун уларга тарқатма материаллар берилиб, маъруза матнларидан фойдаланишага руҳсат этилади. Энг кўп мавзуга оид тўғри гап тузган талабалар (кичик гуруҳлар) рағбатлантирилади. Кейин, талабалар томонидан тузилган гаплар кичик гуруҳлар бўйича умумлаштирилади. Энг тўғри ва маъноли гаплар ажратиб олинади, улар тизимлаштирилади (битта таянч ибора, иккита таянч ибора қатнашган гаплар, маъноси бир хил гаплар ва ҳ.к.).

## **II. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ МАЪРУЗАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида белгиланган “... ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар ҳамда мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш ....” дек ўта муҳим вазифалар таълим тизимини юқори сифат даражасида ташкил қилиш зарурлигини кўрсатади.

*Агар мақсад нопок бўлса унга олиб борувчи йўллар ҳам нопок бўлади. Шу сабабли, ўқувчи-талабанинг асосий мақсади, қандай бўлмасин баҳо олиш эмас, балки билим олиш, ўқитувчининг вазифаси эса баҳо қўйиш эмас, билим бериш бўлмоғи лозим.*

*О.Д.Рахимов*

Таълим жараёни сифати таълим стандартлари, таълим дастурлари, таълим жараёнига жалб қилинган профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти, таълим оловчилар салоҳияти, таълим бериш жараёни техник воситалари, таълим технологиялари, таълим жараёнини бошқаришнинг сифат даражаси каби омиллар билан таъминланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки ахборот–коммуникация технологиялари ва Интернетнинг таълим соҳасига кенг кириб келиши таълим хизматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очмоқда. Ривожланган давлатлар таълим соҳасида бўлаётган бундай ижобий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда таълим сифатини юксалтириш учун ахборот–коммуникация технологияларидан оммавий равишда кенг фойдаланиш давр талабага айланиб бормоқда. Таълимда янги инновацион

педагогик технологиялар ва замонавий ахборот–коммуникация воситаларидан фойдаланилаётган бир вақтда таълимнинг ташкилий шакллари қандай бўлиши лозим? Бундай шароитда маърузалар қандай ўрин тутади?

Олий таълимда ўқитишнинг ташкилий формаси деб таълим жараёнида ўқувчи билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқати тушунилади. Маълумки, олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкилий формаси маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил ишлари ва турли амалиётлардан ташкил топган. Ҳар қандай ташкилий форма таълим мақсади, мазмуни ва бошқа элементларни ўз ичига олган таълим моделини аниқлайди. Таълимнинг ташкилий формаси таълим моделининг моҳиятини очиб беради. Таълим модели ва ташкилий форма ўртасидаги бундай симметрик боғланиш профессор-ўқитувчига ўзининг касбий муҳитида кўплаб тенденцияларни фарқлашга ҳамда ўз фаолиятида таълим жараёнини қандай ташкил этишни тўғри танлашга ёрдам беради. Ҳозирги замонавий таълим жараёнида таълим модели ва ташкилий формаси ўртасидаги бундай боғланишни кўрсатувчи кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, юқори суръатда ривожланаётган очиқ масофавий таълим бошқа таълим моделларида учрамайдиган янги, жумладан виртуал тьюторил, синхрон видеоконференция кабиларни ўз ичига олган ташкилий шакллари юзага келтирди. Лекин, олий таълим ташкилий шаклларининг ташкил этувчи элементлари номи қандай янги шакл олмасин, барибир асосий элементлар бўлиб маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, семинарлар, мустақил ишлар ва амалиётлар бўлиб қолмоқда ва булар ичида маъруза талабаларни назарий билим олишларида, амалий кўникмалар ҳамда малакаларини шакллантиришларида муҳим ўрин тутмоқда. Маърузаларнинг турли кўринишлардаги шакллари таълим жараёнида ўзига хос йўналиш касб этиб, талабада билишнинг анъанавий мантикий кетма-кетлигини (қабул қилиш, тушуниш, уқиш, фикрлаш, қайта ишлаш, мустаҳкамлаш) ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли, олий таълимда ўқиладиган маърузаларнинг сифати таълим сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда.

## **2.1. Классик таълим модели доирасида замонавий маърузалар**

### **2.1.1. Олий таълимда маърузаларни юзага келиш тарихи**

XIII–XIV асрлардан бошлаб Европада биринчи университетлар ташкил этилганда, маърузалар ўқитишнинг асосий бир шакли сифатида юзага келди ва у ҳозирги кунга қадар олий таълим тизимида ўқитишнинг етакчи шакли сифатида ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Маъруза дастлаб қадимги Грецияда юзага келган бўлиб, кейинчалик ўрта асрларда қадимги Римда ривожланди. XIX аср ўрталарига келиб, назарий ва техникавий билимларнинг ривожланиши талабаларнинг мустақил изланишлари ҳамда фаоллигини ошириш мақсадида маърузаларни амалий машғулотлар билан тўлдириш зарурлигини талаб этди. Шу сабабли,

маърузалар талабаларга ўқув адабиётлари устида мустақил ишлашга йўналтирувчи машғулоти тури сифатида қарала бошланди. Таникли рус хирурги ва педагог Н.И. Пирогов кўрсатганидек, маъруза қачонки маърузачи мутлақо янги илмий материалларга ёки алоҳида нутқ қобилиятига эга бўлсагина яхши маъруза деб тан олинishi мумкин. XIX асрнинг ўрталарига келиб Россиянинг айрим олий ўқув юртлирида тажриба сифатида маъруза машғулоти ўқув режасидан чиқарилди. Лекин, ушбу ҳолат ўзини оқламади, талабаларнинг билим даражаси кескин пасайди.

**XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб ўқитиш услублари “фаол” ва “нофаол” турларга ажратила бошланди. Маърузаларда талабалар фақат эшитиш имкониятига эга эканликлари, ўзлари мавзу бўйича ҳеч бир маълумот кўшиш, ўз фикрларини билдириш имкониятлари камлиги сабабли, маъруза ўқитишнинг “нофаол” шаклига киритилиб, маърузалар ўқитиш давомида муҳим рол ўйнамайди деган фикрлар ҳам пайдо бўлган.**

Ижтимоий муҳитнинг ўзгариши ва таълим жараёнидаги тезкор ўзгаришлар таълимнинг ташкилий шакли ва моделига ҳам таъсир этди. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида маърузага ўқув жараёнида етакчи ўрин берилган ва фан учун ажратилган ўқув юкмасининг деярли 1/2 ёки 1/3 қисми маъруза машғулоти учун ажратилган. Шунингдек, бугунги кунда таълим жараёнида маърузанинг ўрни ва шакли маълум даражада турли хил баҳсларга сабаб бўлмоқда. Умуман маърузанинг таълим жараёнидаги етакчи ўрни хусусида икки хил фикрлар юзага келмоқда.

#### **Биринчи, маърузанинг таълим жараёнида етакчи ўрнини ёқловчи фикрлар:**

Маъруза тарафдорлари “**Ҳозирги кундаги мавжуд ахборотлар маконида маълумотларнинг жуда кўплиги сабабли айнан маъруза талабаларга тўғри йўл кўрсата олади, керакли ва зарур материалларни олишларига ёрдам беради, бўлмаса улар бундай ахборотлар маконида кераксиз маълумотлар ичида адашадилар ва кўп вақт йўқотадилар**”- деб таъкидлашмоқда. Шунингдек:

➤ маъруза – мавзу бўйича тизимли таҳлиллар бериш талаб этилган ҳолларда кўпроқ мақсадга мувофиқ машғулоти шакли бўлиб ҳисобланади.

➤ Маъруза - талабаларни илмий иш жараёнига, илмий фаолият билан шуғулланишга йўналтирувчи машғулоти шаклидир.

➤ маъруза – янги мавзуга ёки мавзунинг янги бўлимига ўтишда талабалар диққатини фаоллаштиришнинг самарали услуби ҳисобланади.

➤ маъруза – олинган билимлардан фойдаланиш эҳтиёжини шакллантиради.

➤ маъруза – айниқса, кейинги гуруҳий машғулотларга тайёрланишда, курс ёки бўлим бошида қисқа кириш шаклида олиб борилса янада кўпроқ самара беради.

#### **Иккинчи, маъруза машғулоти ларига қарши фикрлар:**

Ахборот ва маълумотлар етарли, мустақил ўқиш ва ижод қилишга катта аҳамият берилаётган, виртуал ва анимацион маърузалар мавжуд бўлган бир вақтда маърузани ўқитишнинг “нофаол” шакли сифатида иккинчи ўринга қўйиш ва уни ўқув жараёнидан чиқариш лозимлигини ёқлашмоқдалар. Шунингдек:

➤ маъруза- бошқа шахс(маърузачи) фикрини нофаол қабул қилишга ўргатади, мустақил фикрлашга тўсқинлик қилади.

➤ маъруза- мустақил таълим самарадорлигини пасайтиради.

➤ маъруза- қачонки ўқув адабиётлари йўқ ёки етарли бўлмасагина зарур.

➤ маърузада- айрим талабалар тушунишга улгуришса, айримлари фақат маъруза матнини механик ёзиб борадилар холос.

Маърузага қарши фикрдаги педагоглар маърузани ўқув жараёнида ёрдамчи ташкилий шакл сифатида қараб, етакчи шакл сифатида талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда турли кўринишдаги гуруҳий машғулотларни илгари суришмоқда. Агар маъруза маълумотларни тўғридан-тўғри узатувчи шаклда қаралса, айрим жихатдан юқоридаги фикрлар тўғри бўлиб чиқади. Чунки, агар маъруза маълумотлар манбаси сифатидагина қаралса, ҳозирги кундаги

замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали ахборотларни узатиш манбалари ва формалари билан рақобатлаша олмайди. Шу сабабли, ҳозирги кунда маърузанинг шакли ва услублари ўзгариши талаб этилади. Олий таълим муассасаларида маърузалар ўқитишнинг аниқ бир шакли сифатида юзага келгандан ҳозирги кунга қадар ўз моҳиятини замон талабларига мос ҳолда ўзгартириб келган ва қуйидаги кўринишларга эга бўлган:

- маъруза- чиройли нутқ санъати, **ораторлик** қобилияти сифатида;
- маъруза- ахборотни тўғридан-тўғри узатувчи ўқитиш шакли;
- маъруза- ахборотни умумлаштирувчи ва муаллифлик талқини(**интерпрентацияси**);
- маъруза –диалог кўринишида ўқув машғулоти;
- маъруза - муаммони ўқув шаклида ёритади.
- маъруза-ижтимоий ҳодиса сифатида.

Маърузани тўғридан-тўғри фақат ахборот ёки маълумотларни узатувчи шаклдан диалог кўринишида, муаммони шаклга ва ниҳоят ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиши албатта ўқув жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши билан боғлиқдир.

### 2.1.2. Замонавий маърузаларнинг таълим тизимидаги ўрни

**Маъруза, нутқ, тақдимот (презентация)** – аниқ мавзу бўйича маълумотни тақдим этишнинг умум қабул қилинган усули ҳисобланади. Маърузада тизимий равишда, маълум кетма-кетлик асосида назарий характердаги материаллар ўқитувчи (маърузачи) томонидан тингловчилар эътиборига етказилади. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича “Маълумотни узатиш, етказиш” энг қийин услублардан бири ҳисобланади. Маълумотлар ва ахборотларни маъруза шаклида узатиш

Олий таълим тизимида ўқитиш услубларидан бири бўлиб, тингловчиларнинг билим даражалари, малакаси, таянч маълумотлари ва ёшига, айрим ҳолларда жинсига ҳам боғлиқ жараён ҳисобланади.

**Маъруза** (лотин тилида lectio-ўқиш)- бирор бир илмий, сиёсий мавзу бўйича ўқув материални оғзаки баён этиш.

**Маъруза** – аниқ мавзу бўйича маълумотларни маърузачи (бир киши) томонидан тингловчилар гуруҳига бир текисда етказиш усули ҳисобланади. Одатда маърузада тингловчилар аудиторияси нофаол қабул қилувчи сифатида намоён бўлади.

#### **Аслида, таълим тизимида замонавий маърузанинг ҳақиқий ўрни қандай?**

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиши кенг умуммаданиятли дунёқарашни, кадрлар малакасини қайта тайёрлашни, замон талаблари руҳида ўзини такомиллаштириб боришини талаб этади. Мана шундай шароитда таълим муассасаларида маъруза машғулотларини ўрни қандай бўлмоғи лозим? Анъанавий усулдаги маърузалар ёшларимиз эҳтиёжини қондирадими?

Ҳозирги кунда таълим бериш услуги сифатида маърузаларга қарама-қарши ҳолда видео ва кинотехника, телевидение, мультимедиа воситалари, баҳс ва мунозаралар, суҳбат, анжуманлар, “айланма стол”, оғзаки журнал, ролли ўйинлар ва шу каби ўнлаб интерактив услублар қўлланмоқда.

Маъруза ўқиётган педагог талабаларга “жонли” (“живое”) билимни етказди, яъни у мавзу бўйича ахборот ёки маълумот бермайди, у олим, ўз соҳасини эгаси, тарғибот қилувчи нотик ва аудиторияни тўлиқ ҳис қилувчи тарбиячи сифатида чиқиш қилади. Айтиш лозимки, ҳозирги замонавий ахборот ва коммуникацион воситалар маъруза ўрнини боса олмайди, фаннинг илмий ва тарбиявий хусусиятларини, аудитория ҳолатини, билишнинг психологик қонуниятларини, тингловчи томонидан эшитилган маълумотларни қайта ишлаш имкониятларини, тингловчининг дунёқарашини, ҳиссиётини ва эътиқодини янги ахборот технологиялари имкониятлари бир вақтда ҳисобга ола олмайди.

Шу сабабли ҳозирги шароитда маърузаларнинг қуйидаги хусусиятлари ошиб бормоқда:

- ✳ **ахборот бериш, узатиш** (мавзу бўйича тўғридан-тўғри ахборот ва маълумотлар берилди);
- ✳ **мотивацион** (фанга, билимга эҳтиёж, назарияга ишонч ва ўрганиладиган мавзунинг амалий аҳамиятига қизиқишни уйғотиш);
- ✳ **ташкилий - йўналтирувчи** (манбалар ва ўқув адабиётларига йўналтириш, мустақил ишни ташкил этиш бўйича маслаҳатлар);
- ✳ **касбий-тарбиявий** (касбга садоқат руҳида тарбиялаш, касбий этика ва махсус қобилиятларни ривожлантириш);
- ✳ **методологик** (тушунтириш, таҳлил қилиш, интерпретация ва олдиндан билишнинг илмий услублари);
- ✳ **баҳолаш ва ривожлантирувчи** (фикрлаш, идрок қилиш, муносабат билдириш, баҳолаш қобилиятларини шакллантириш).

Ҳозирги кунда маърузанинг ахборот бериш, узатиш функцияси ўз таъсирини йўқотмоқда. Бу албатта, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида турли хил ахборот манбаларининг юзага келганлиги билан боғлиқдир. Шунга боғлиқ ҳолда маърузанинг йўналтирувчи ҳамда мустақил таълимга эҳтиёж ошиши билан методологик функциясининг роли ҳам ошиб бормоқда. Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда маърузачи ўз маърузасини режалаштиришда маърузанинг функциясини бирламчи деб олиши муҳим ҳисобланиб, маъруза сифати ҳамда самарадорлигини белгилайди.

Умуман, “Замонавий маърузалар қандай бўлиши керак (*What is modern lecture*) ?” –деган саволга, қуйидагича жавоб бериш мумкин:

**маъруза** - кучли эса қоладиган баҳс, дискуссия;

**маъруза** - янги ёки эски муаммолар бўйича аниқ лойиҳаланган ва баҳс қилинмайдиган қарор ва тасдиқлардир;

**маъруза** – аниқ ўзаро муносабат, фикр алмашиш;

**маъруза** – назария ва шахсий тажрибалар комбинацияси;

**маъруза** – замонавий маъруза ўта “мосланувчан” бўлмоғи лозим;

**маъруза**– бу мавзунини яхши билладиган ва ниманидир билишни жуда хоҳловчилар ўртасидаги диалог;

**маъруза** профессионал томонидан ўқиш давомида ўқувчилар гуруҳини фикрлашга ундовчи, қандайдир муаммо устида танқидий ва фаол ўйлашга, тафаккур қилишга ундовчи жараён.

**маъруза** – “жонли” нутқ, уни ўрнини ҳеч қандай ахборот узатувчи восита боса олмайди, у “жонли” мулоқат.

Хулоса қилиб айтганда талаба ҳозирги ахборотлар маконида зарур ва керакли маълумотларни мустақил ола олмайди, у адашиши мумкин, маъруза унга йўл кўрсатади. Лекин, маъруза эски анъанавий усулда мавзу материалларни “ўқиб бериш” бўлиб қолмаслиги керак.

Замонавий маъруза аввалги ўқитишнинг “нофаол” усулидан “фаол” усулига ўтмоғи, баҳс, мунозара, суҳбат, муҳокама шаклида амалий ишларнинг уйғунлиги, яъни интерактив усулларда ташкил этилмоғи лозим. Шу сабабли ҳозирги вақтдаги кўплаб инновацион услублар ўқитишнинг интерактив услубларини қўллаш билан боғлиқдир.

Айрим педагоглар ўқитишнинг интерактив услублари деганда замонавий ўқув-визуал материаллар (мультимедиа ва анимацион слайдлар, тарқатма материаллар, маъруза матнлари, техник воситаларнинг моделлари, макетлари ва б.)дан ҳамда замонавий техник воситалар (компютерлар, электрон доскалар ва б.)дан фойдаланиш, маъруза матнларини олдиндан талабага тақдим этиб, талабанинг дарсга тайёр бўлиб келишини таъминлаш қабиларни тушунишади. Албатта бу тўғри фикр эмас.

### 2.1.3. Фанлар бўйича маъруза турлари ва маърузаларни ташкил этиш



### технологиялари таҳлили

Маърузани режалаштиришда унинг қандай маъруза эканлигини ҳамда маъруза мақсадини тўғри аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Маърузалар дидактик вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

**1. Кириш маърузаси.** Бундай маърузанинг вазифаси талабаларга фан тўғрисида умумий йўналиш бериш, уларда қизиқиш уйғотиш, қўйилган саволлар бўйича мустақил фикрлаш ва жавоблар излашга йўналтиришдан иборат. Бундай маърузада ташкилий-йўналтирувчи ва мотивацион функциялар устун туради.

**2. Мавзу бўйича маъруза.** Маърузада аниқ бир муаммо ёки мавзу бўйича маълумотлар намоёни этилиб, таҳлил қилинади, хулоса чиқарилиб исботланади. Маърузани режалаштиришда ахборот бериш, ташкилий-йўналтирувчи ва методологик функцияларга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади.

**3. Яқиний ёки умумлаштирувчи маъруза.** Маъруза мақсади - семестр давомида ўтилган мавзулар бўйича берилган материалларнинг ўзак ғоясини ва моҳиятини максимал даражада қисқа шаклда бериб, объектлар ва ҳолатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва боғланишларни ажратиш тизимлаштиришдан иборат.

Маърузалар, уни режалаштиришдаги устун турувчи функцияларни амалга ошириш мазмунига қараб ҳам қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- ★ ахборот-таҳлилий;
- ★ муаммоли;
- ★ ташкилий –йўналтирувчи (ёки “установочные”- йўл-йўрик, кўрсатма берувчи);
- ★ маъруза-маслаҳат;
- ★ маъруза –диалог;
- ★ ҳодисавий маъруза.

Ушбу маъруза турлари ичида муаммоли маърузалар алоҳида эътиборга эга ҳисобланади. Бунда маърузачи дастлаб муаммоли вазиятни ҳосил қилиши, кейин муаммонинг моҳияти ва таҳлилини келтириши ва муаммо ечими бўйича ўз фаразларини баён этиши лозим.

АҚШда ҳозирги кунда **маъруза-панель** амалиётда кўплаб қўлланилади. Бундай маърузалардаги мунозара ва баҳсларда қўйилган муаммо ечими бўйича ўз дунёқараши ва фикрига эга бўлган бир неча юқори малакали экспертлар иштирок этишади. Шунингдек, амалиётда **бир неча маърузачилар иштирокидаги маърузалар**, яъни ҳар бир маърузачи ўз позициясига (маърузачи, эксперт, танқидчи, мавзу бўйича муаммо ташловчи ва б.) эга бўлган маърузалар ҳам кенг қўлланилади.

**Ҳодисавий маъруза** бу маърузанинг алоҳида жанри бўлиб, бунда маъруза ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади. Бундай маърузаларга Нобел мукофоти сорвиндорларининг маърузаларини келтириш мумкин. Лекин, таълим жараёнида ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти даврида бундай маърузалар тингловчининг шахсий ҳис-туйғуларига таъсир этиши, унинг билишга эҳтиёжини ривожлантириши, муаммо бўйича ўз фикрларини ҳосил қилишга ва аниқлаштиришга шароит яратиши, ўзининг дунёқараши ва фикрини уйғотиб, уни баён қилишга имкон бериши лозим.



**4 -расм. Классик таълим модели доирасида маърузанинг хусусиятлари**

Замонавий маърузаларнинг турли хилда эканлигини эътиборга олган ҳолда, классик таълим модели доирасида маърузанинг юқоридаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин (1-Расм):

Таъкидлаш лозимки, замонавий таълим муҳитида маърузаларни олий таълим тизимида ўқишни ташкил этишнинг етакчи формаси эканлиги сақланиб қолган ҳолда, унинг турлари, шакли ва мазмунини интенсив ривожланиши кузатилмоқда. Албатта маърузанинг тури, шакли, мазмуни ва функционал вазифаси таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро, биргаликдаги фаолиятни белгилайди.

**Мини-маърузалар** – “кичик”, жуда қисқа ҳажмдаги маърузалар бўлиб, унда мавзу бўйича аниқ, таянч саволлар ва ибораларнинг қисқа мазмуни ёритилади. Бундай маърузалар кўпинча амалий фаолиятни, илмий тадқиқотларни бошлашдан олдин ўтказилади.

**Очиқ маърузалар** – муайян фан бўйича ўқув дастуридаги мавзуни талабалар, шунингдек, шу мавзуга қизиқиш билдирган ва махсус таклиф этилган профессор-ўқитувчилар, олим ва мутахассислар аудиториясида маъруза шаклида ўтказиладиган дарслар очик маърузалар деб аталади. Очик маърузаларни ўтказишдан мақсад профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялари соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлар билан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда маърузаларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланадиган кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир.

Очик маърузаларни ўтказиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларга фандаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни етказиш;
- таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик

иштирокини

- таъминлаш;
- илмий-услубий жиҳатдан етук маърузаларни
- тарғибот этиш;
- ёш ва бўлажак педагог кадрларнинг касб маҳоратини ошириш;
- илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратларини

ошириш устида мунтазам ишлашларини таъминлаш ва уларда ўқув жараёнидаги масъулиятларини ошириш;

- юқори савиядаги маъруза муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш.



Очиқ маърузалар одатда, ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ва унвонга эга бўлган тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади.

Маърузани тўғридан-тўғри ўқиш ўқитишнинг самарали услуби сифатида хато ҳисобланади, чунки маърузачидан жуда қисқа вақт давомида катта ҳажмдаги маълумотларни тингловчиларга етказиш талаб этилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маъруза давомида тингловчилар нофаол фаолият юритувчи бўлмасдан, бевосита маърузанинг фаол иштирокчиси сифатида қатнашишса маъруза самарадорлиги ошади, айрим ҳолларда мавзу бўйича маълумотларни ўзлаштириш даражаси 20 фоиздан 80 фоизгача етиши мумкин. Бунинг учун маърузалар инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг интерактив усуллари кенг фойдаланилган ҳолда ўтилиши зарур.

### 2.1.5. Маъруза машғулотида таълим технологиялари (“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани мисолида)

<b>Мавзу:</b>	<b>Компьютерлардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси</b>
---------------	--

<b>Машғулот вақти-2соат</b>	<b>Талабалар сони- 36 нафар</b>
<b>Машғулот шакли:</b>	<b>Маъруза</b>
<b>Маъруза режаси:</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Компьютерларда ишлашдаги хавфли ва зарарли омиллар</li> <li>2. Зарарли нурланишларнинг инсон организмига таъсири ва улардан ҳимояланиш йўллари</li> <li>3. Шовқин ва ундан ҳимояланиш</li> <li>4. Электр хавфсизлиги</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b>	Компьютерлар билан ишлашда юзага келадиган хавфли ва зарарли омиллар, уларнинг инсон организмига таъсири, улардан ҳимояланиш йўллари тўғрисида билимларни шакллантириш
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Компьютерлар билан ишлашда хавфсизлик техникаси қоидалари ва талаблари тўғрисида тушунча бериш;</li> <li>➤ Компьютерлар билан ишлашда юзага келадиган хавфли ва зарарли омиллар: нурланишлар, шовқин,</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Компьютерлар билан ишлашда қандай хавфли ва зарарли омиллар мавжудлигини, уларнинг инсон организмига таъсирини ва стандартлар бўйича уларнинг РЭМни гапириб беради;</li> <li>➤ Нурланишлар ва шовқиннинг инсон организмига таъсири, улардан ҳимояланиш йўллари компьютерларда ишлашда электр</li> </ul>

электр токи тўғрисида маълумотлар бериш.	хавфсизлиги тўғрисида маълумотлар беради.
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Маъруза-презентация, тушунтириш. савол-жавоб, суҳбат
<b>Таълим бериш шакллари:</b>	Оммавий, жамоавий.
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Маъруза матни, компьютер технологиялари, слайдлар.
<b>Таълим бериш шароити:</b>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<b>Мониторинг ва назорат:</b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб

**“Компьютерлардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси” мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
<b>1-босқич</b> <b>Мавзуга кириш</b> <b>(15 минут)</b>	<p>1.1. Мавзу эълон қилинади. Экранга маъруза мавзуси, мавзу режаси, мавзу бўйича тавсия этиладиган адабиётлар ва таянч иборалар чиқарилади.</p> <p>1.2. Мавзу олдин ўтилган мавзу билан боғланиб, қисқача мазмуни тўғрисида тўхталади.</p> <p>1.3. Режа бўйича ёритилиши лозим бўлган саволлар очиб берилади.</p>	<b>Тинглайдилар</b>
<b>2-босқич</b> <b>Асосий босқич</b> <b>(55 дақиқа)</b>	<p>2.1. Мавзунинг 1-саволи ёритилади.</p> <p>Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб, муҳокама-мунозара усулини қўллайди:</p> <p>★ Хавфли ва зарарли омилларнинг фарқи нимада?</p>	<b>Тинглайдилар, саволларга жавоб берадилар, ўз фикрларини билдирадилар</b>

	<p>★ Компьютерлардан фойдаланилганда қандай зарарли ва хавфли омиллар мавжуд? “Кластер” технологиясидан фойдаланилади.</p> <p>★ Жавоблар тўлдирилади, умумлаштирилади.</p>	
	<p>2.2. Экранда слайдлар намоиши орқали мавзу режасидаги 2-савол ёритилади. Мавзу бўйича талабаларга саволлар берилади:</p> <p>★ Компьютерларда қандай нурланишлар мавжуд?</p> <p>★ Нурланишнинг ўлчов бирлиги нима, РЭМ қанча?</p>	<p>➤ тинглайдилар;</p> <p>➤ саволларга жавоб берадилар, ўз фикрларини билдирадилар.</p>
	<p>★ Компьютерлардаги нурланишлардан ҳимояланишнинг қандай йўллари мавжуд?</p>	
	<p>2.4. Мавзу бўйича 4-савол ёритилади. Слайдлар намоиш этилади.</p> <p>★ Талабалар фаоллигини ошириш мақсадида саволлар берилади. Электр токини инсон организмига таъсири бўйича фикр билдиришлари сўралади. Ушбу вазифани ФСМУ техникаси ёрдамида амалга оширади.</p> <p>★ Талабалар фаолиятини кузатади, уларни йўналтиради, зарур маслаҳатлар беради.</p> <p>★ Бир неча талабанинг иш натижасини текширади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, қўшимчалар киритади.</p>	<p>➤ Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар.</p> <p>➤ Вазифани яқка тартибда бажарадилар.</p>

<b>3-босқич</b> <b>Яқуний</b> <b>босқич</b> <b>(10 дақиқа)</b>	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилинади. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимларнинг долзарблиги ва аҳамияти алоҳида қайд этилади, келажакда ушбу билимлардан қаерларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилади.	➤ Саволлар берадилар; ➤ хулоса бўйича ўз фикрларини билдирадилар.
	3.2. Мустақил ишлаш учун вазифалар берилади. Мавзу Б/Б/Б бўйича жадвалини тўлдириб келиш тушунтирилади.	Вазифани ёзиб оладилар
	3.3. Навбатдаги мавзу бўйича маъруза машғулотига тайёрланиб келиш топширилади.	Вазифани ёзиб оладилар

### 2.1.6. Маъруза машғулотларини тақдимот усулида ташкил этиш технологияси

**Тақдимот (Презентация)** – маъруза мавзусига оид матн, гипертекст материаллар, компьютер анимациялари, графиклар, видео, музыка ва овозларни (барчаси бир вақтда бўлиши шарт эмас) биргаликдаги мажмуаси ва тақдимоти тушунилади. Презентация сюжет, сценарий ва маълум таркибга эга бўлиши зарур.

Тақдимотнинг оддий маърузадан фарқи унинг интерактивлигидадир.

Тақдимот мақсади ва аудитория (тингловчилар тоифаси)га боғлиқ ҳолда турли хусусиятларга эга бўлади ва қуйидаги турларга бўлинади:

➤ маърузада мавзунини тўлиқ ёритиш ва ўқувчи-талабалар (тингловчилар) томонидан маъруза мазмунини максимал даражада ўзлаштиришларига имкон яратувчи тақдимот.

➤ мавзунини мустақил ўрганиш учун тайёрланган презентация. Бундай тақдимотда деярли барча элементлар (матн, гипертекст, анимация ва б.) иштирок этади ва асосан гипертекст элементларидан фойдаланган ҳолда тадбиқ этилади;

➤ бирор бир тадбирни ёки ҳодисани шарҳлаш учун тузилган тақдимот. Бундай тақдимотларда одатда матн бўлмайди. Тақдимот мультимедиа ва бошқариш элементларидан ташкил топган бўлади.

➤ видеонамойиш учун яратилган тақдимот. Бунда интерактив элементлар иштирок этмайди. Тақдимот объекти ҳақидаги видеоролик, айрим ҳолларда объект ҳақида матн ва аудио ёзувдан иборат бўлиши мумкин;

➤ электрон рекламалар учун тақдимот. Маълумот ҳажмини қисқа баён қилиш мақсадида мультимедиа элементларини минимал даражада қўллаб яратилади;

➤ мобиль телефонлар ва смартфонлар учун тақдимотлар.

Юқоридагилардан ташқари тақдимотнинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мавзу (объект) тўғрисидаги маълумотларни тингловчиларга етказиш учун хизмат қилади.

**Тақдимотнинг мақсади** – талабаларни маърузачи билан биргаликда мавзу бўйича фикрлашга ва мавзунини таҳлил қилишга ундашдан иборат. Шу сабабли, тақдимот аудитория учун осон қабул қилинадиган, талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотадиган ва диққатини тортадиган кўринишда тайёрланиши зарур. Тақдимотни кенг аудиторияга тақдим этишдан олдин уни чуқур таҳлил қилиш, мумкин қадар презентация материалларида хато ва камчиликлар бўлмаслиги керак. Мавзунини тақдимот қилишда тингловчиларни барчаси маъруза матнида келтирилган маълумотлар билан бир фикрда бўлмасликлари, яъни, тақдим этилаётган маълумотларни тўғри қабул қилмасликлари ҳам мумкин. Шунингдек тақдимот материали шундай тайёрланиши лозимки, тингловчи маърузачи қўшимча тушунтириш қилмасданок мавзунинг моҳиятини тушуниб олиши мумкин бўлсин. Маъруза матни тушунарли ва осон ўқиладиган кўринишда бўлмоғи лозим. Айрим ҳолларда, маърузачи маълум вақтга аудиториядан чиққанда ҳам, тақдимот материалларидан масала мазмуни тушунарли, тақдимот материалларидаги барча ёзувлар аудиториянинг исталган жойидан эркин ўқиладиган бўлиши зарур. Агар тақдимотдаги ёзувлар охириги қаторда ўтирган талабалар учун яхши кўринмайдиган ёки ўқиш қийин бўладиган кичик ўлчамдаги ҳарфларда берилган бўлса, талабаларнинг диққати бўлинади ва маъруза самарадорлиги камаяди.

Тақдимот вақтини режалаштиришда тингловчилар томонидан саволлар берилиши, саволларга жавоб, тингловчиларни қисман дам олишлари учун вақт (ҳар қандай мавзу бўйича узлуксиз 20 минутдан ортиқ тақдимот қилинганда талабаларни мавзу материалларини қабул қилиш даражаси сусаяди) ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Тақдимот охирида тарқатма материаллар берилиши ҳам кўзда тутилса янада яхши бўлади. Бу талабаларни мустақил равишда ушбу мавзуга яна қайтишларига ва маърузадаги материалларни эслаб қолишларига имконият яратади.

### **2.1.7. Тақдимотни режалаштириш**

Тақдимотни режалаштиришда дастлаб асосий мақсад ва вазифалар аниқлаб олиниши ва тақдимот режасининг назорат варақаси ишлаб чиқирилиши зарур.

#### **Тақдимотнинг назорат варақаси**

*1. Тингловчилар билишлари, эслаб қолишлари учун презентация мақсади ва вазифаси аниқ белгилаб олинади.*

*2. Тақдимотда тақдим этиладиган асосий маълумотлар, мавзунинг таянч иборалари ёки асосий мазмунини ёритувчи шакллар, схемалар, жадваллар ва б.аниқланади.*

*3. Тақдимотда маълумотларни тақдим этиш кетма-кетлиги тузилади.*

*4. Тақдимотда фойдаланиладиган ўқув-визуаль материаллар танланади.*

*5. Тақдимотда тақдим этиладиган материаллар ҳажми таҳлил қилинади. Материал жуда катта ҳажмда эмасми?*

*7. Мавзу бўйича визуаль материаллар намоиши этилганда, мавзунини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳаётий мисоллар келтирилади.*

*6. Мавзу материалларини намоиши этиш техник воситаларини танлаш, уларни бошқариш кетма-кетлиги белгиланади.*

*7. Тақдимотқанча вақтга мўлжалланади?. Вақт ҳисоби. (одатдаги маърузаларда 80 минут).*

### **2.1.8. Тақдимотни самарали ташкил этиш йўллари**

1. Маърузачининг “нофаол” маъруза ўқиш вақти 20-30 минутдан ошмаслиги лозим.

2. Аудиторияга савол билан мурожаат қилинг. Саволларга жавоб бериш учун талабаларга савол жавобига яқинроқ тушунтиришлар орқали имконият яратинг, лекин саволни тўлиқ жавобини ўзингиз ёритманг.

3. Тақдимот вақтида баҳс, мунозара-муҳокама ҳосил бўлишига шароит яратинг. Аудитория тингловчиларини икки гуруҳга ажратиб, мавзу бўйича уларнинг фикрларини билинг, гуруҳ сардорларини бир-бирига ўз фикрларини тушунтиришларига шароит яратинг. Якунида ушбу масала бўйича ўз фикрингизни билдириб, хулосаланг.

4. Аудиторияда мавзу бўйича муаммоли вазият ҳосил қилинг. Дастлаб талабаларни мустақил ишлашларига имкон беринг ва бир неча талабанинг муаммо бўйича фикрларини билинг. Кейин муаммо ечимини ёритинг.

5. Барча материалларни маъруза шаклида тақдим этманг. Слайдлар ва бошқа кўринишдаги ўқув-визуал материаллар ёрдамида талабаларни мустақил ўқишлари учун вақт ажратинг.

6. Интерактив услубнинг “Кичик гуруҳларда ишлаш” техникасидан фойдаланинг. Муҳокама жараёнини юмшатишга ҳаракат қилинг. Муҳокама вақтида мавзу бўйича асосий масалалар эътибордан четга қолишига ва мавзудан четга чиқиб кетишига йўл қўйманг.

7. Мавзунинг асосий масалаларини талабалар ўзлари очиб беришлари мақсадида, аудиторияга саволлар билан мурожаат қилинг. Саволлар мавзунинг асосий мазмуни бўйича берилиши лозим.

8. Мавзу бўйича хулоса қилинг. Савол - жавобларга вақт қолдирилинг.

### 2.1.9. Тақдимот тайёрлаш конструкторлари

Тақдимот тайёрлашда асосан қуйидаги конструкторлардан фойдаланилади:

- **Microsoft PowerPoint**
- **OpenOffice.org Impress**
- **Keynote**
- **SoftMaker Presentations**
- **KPresenter**
- **Multimedia Builder**

**Microsoft PowerPoint.** PowerPoint ғояси Беркли Университети талабаси Боб Гаскинс томонидан график кўринишдаги интерактив материаллар яратиш мақсадида юзага келди. 1984 йили Гаскинс Forethought га бирлашиб, Деннис Остин (Dennis Austin)ни ишга таклиф этди. Боб ва Деннис кучларини бирлаштиришиб Presenter дастурини яратишди. Деннис Том Рудкин (Tom Rudkin) билан ҳамкорликда дастурнинг оригинал версиясини яратишди. Кейинчалик Боб номини **PowerPoint** деб ўзгартиришга қарор қилди ва ҳозирги кунгача дастур ушбу ном билан аталиб келинмоқда.

1987 йили PowerPoint 1.0 Apple Macintosh учун чиқарилди. У фақат оқ-қора рангда ишлар эди. Кўп вақт ўтмай унинг рангли версияси ишлаб чиқилди.

Кейинчалик, 1987 йили Forethought ва унинг маҳсулотини Microsoft 14 млн. долларга сотиб олди. 1990 йили Windows нинг биринчи версияси чиқди ва шу йилдан эътиборан Microsoft Office дастурлар тўпламининг стандарти сифатида қабул қилинди.

2002 йили PowerPoint нафақат Microsoft Office XP пакет таркибида, балки алоҳида маҳсулот сифатида ҳам тарқала бошланди. Унда тақдимотни солиштириш ва кўчириш, индивидуал шакллар учун анимация йўлини кўрсатиш, пирамида, радиал ва мақсадли диаграммалар ҳамда Эйлер айланасини яратиш, дастлабки кўриш учун вазифалар панели, фотоальбомни автоматик қайта ишлаш, презентацияни парол билан ҳимоялаш, матн форматини тезкор топиш учун “тезкор тег”лар билан бойитилди.

**Microsoft PowerPoint 2003** олдинги версиядан унча катта фарқ қилмайди. Унда ишлаш самарадорлиги ошди, “СД учун пакет” яратиш, яъни презентацияни мультимедиа таркиби билан нусхасини кўчириш ва уни компакт дискда кўриш имконияти юзага келди.

**PowerPoint 2007** версиясида интерфайс дастурлар ўзгарди ва график имкониятлар кенгайди.

**OpenOffice org Impress** презентация тайёрлаш дастури бўлиб, OpenOffice.org. таркибига киради. Ушбу дастур презентациядан PDF файлларни яратиш ва Adobe Flash (SWF) форматига жойлаштириш имкониятига эга. Бу эса ҳар қандай компьютердаги Flash-проигрыватель орқали презентацияни кўриш имконини беради. Файлларни бир неча хил форматларда, жумладан Microsoft PowerPoint даги .ppt форматда кўрсатиш, таҳрирлаш ва сақлаш ҳам мумкин.



**OpenOffice.org Impress** дан фойдаланувчилар, ўз таркибига презентация тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлган тасвирлар ва расмлар галереясини олган **Open Clip Art Library** ни ўрнатишлари мумкин.

**Keynote, Kpresenter, SoftMaker Presentations KPresenter** дастурлари ҳам презентация тайёрлашда ишлатиладиган ва унча мураккаб бўлмаган, Microsoft PowerPoint и OpenOffice.org Impress дастурларига ўхшаш турли хил функциялар ва шаблонлар базасига эга дастурлар ҳисобланади. Бундан ташқари KPresenter ўз форматидан ташқари презентацияни OpenOffice.org, JPEG, PNG, BMP, SVG форматларида ҳам сақлаши мумкин.

**Multimedia Builder** ( кўпинча-ММВ) - Microsoft Windows учун Mediachance компанияси учун яратилган мультимедиа –илова. Илова ўзининг хусусий скриптик тили ва содда интерфейсига эга.

## 2.2. РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ

### 2.2.1. Ривожлантирувчи таълим моделлари таҳлили

Биз албатта ривожлантирувчи таълимга ўтишимиз зарур. Бундай таълимнинг мақсади, анъанавий таълим тизимидан фарқлироқ, талабаларни ўқитиш, уларга стандарт муаммо ва вазиятларда ўз билимларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмалар бериш эмас, балки уларни ўқишга, мустақил фикрлашга ва ностандарт вазиятлар шароитида ҳам муаммолар ечимини топишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.


О.Д.Рахимов

Замон талабларига мос ҳолда маърузаларнинг ривожлана бориши анъанавий таълим модели доирасида чеклангандир. Чунки маърузага фақат ўқитишнинг бир ташкилий формаси сифатида эмас, балки талабалар мустақил фикрлашини, муаммоли вазиятлардан чиқишда мустақил қарорлар қабул қилишларида амалий кўникмалар ҳосил қилишларининг бошқарувчи воситаси сифатида ҳам қараш лозимдир. Бунинг учун ривожлантирувчи таълим, ушбу таълим моделида маърузанинг тутган ўрни ва функционал вазифаси тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим ҳисобланади. Замонавий маърузаларни таълим жараёнида тутган ўрни, моҳияти ва функционал вазифасини аниқлаш учун ривожлантирувчи таълимнинг қуйидаги икки моделини қисқа таҳлил қилиб чиқамиз.

#### 1. Ривожлантирувчи таълимнинг циклик модели

#### 2. Фаолиятни ривожлантириш модели

**Ривожлантирувчи таълимнинг циклик модели.** Андрагогиканинг асосий концепциясига мувофиқ қатта ёшдагиларни ўқитиш бир неча цикллارни ўз ичига олади.



## 5-Расм. Ўқитиш цикли модели (Колб, Фрай)

Ўқитиш ва таълимни ривожлантириш циклик жараён давомида юзага келиб, тажрибаларга асосланади ва қуйидаги босқичлардан ташкил топади (5-расм):

★ **аниқ тажрибалар** ўқувчининг шахсий тажрибаси ва кузатишлари натижасида олинган маълумотларни тўплашдан бошланади.

★ **рефлексив кузатиш** тўпланган маълумотларнинг маъносини ва моҳиятини излаш, таҳлил қилиш ва фикрлаш жараёнларини ўз ичига олади.

★ **абстракт концепциялашда** аниқланган муаммоларни ҳал қилиш модели ва йўллари концепцияси яратилади.

★ **фаол тажриба-** амалий тажрибалар ўтказилади.

Ушбу модел ўзига хос муҳим хусусиятларга эга бўлиб, бунда ўқитиш бир-бири билан кетма-кет боғланган босқичлардан иборат циклик жараён шаклида ташкил этилади. Жараён тажрибадан бошланади ва ҳеч вақт босқичлар ўртасида узилиш бўлмайди. Цикллар нафақат маълум кетма-кетлик асосида бир-бирини алмаштиради, балки бир-бирига қарама-қарши ҳам туради. Масалан, аниқ тажрибаларга абстракт концепциялаш қарши турса, фаол тажрибага рефлексив кузатиш қарши бўлади. Ўқитиш жараёнида турли педагоглар ушбу циклнинг у ёки бу боқичига кўпроқ эътибор қаратишади ва бу ҳолатни Колб ва Фрай “ўқитиш стили” деб кўрсатади.

Ушбу моделга мувофиқ ўқувчи ўз тажрибаси ва билимининг қайси соҳада етарли эмаслигини аниқлаштиради, қийналаётган муаммоларини шакллантиради ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этиш воситалари ва йўллари белгилайди, ўқув мақсадини аниқлаб олади.

**Фаолиятни ривожлантириш модели.** Оддий ўқитишдан фарқли ўлароқ, олий таълимда талабаларга нафақат фан бўйича янги билим ва маълумотлар берилади, балки олинган билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, билимларни ривожлантириш ва қайта ишлашга ҳам ўргатилади. Таълим бериш жараёнида моделлар ўрни алмашади - касбий фаолият кўриниши ўзгаради, талабанинг қобилияти, укуви ривожланади, ўқув мақсади ўзгаради. Таълим фаолиятининг ривожланиш самараси ҳам айнан шу билан характерланади. Ривожланувчи фаолият қуйидаги уч хил йўналишда амалга ошади:

1. Шахсий фаолиятда
2. Фаолият рефлексиясида
3. Методологик муҳитда

Бу ерда методология билим олишда юзага келадиган қийинчиликларга қаратилган ғоялар, концепциялар, услублар ва воситалар мажмуи сифатида қаралади. Таълим жараёни нуқтаи назаридан ушбу моделни қуйидагича ўқиш мумкин:

талаба ўз фаолияти давомида рефлексив ҳолатга олиб чиқувчи бир қанча муаммоларга дуч келади ва кетма-кет равишда қуйидаги уч жараённи амалга оширади:

➤ **таҳлил** – ўз фаолиятини тадқиқ қилиш, яъни фаолиятни қайта шакллантириш ва ўзлаштиришдаги муаммоли вазиятларни аниқлаш;

➤ **танқид** – ўзлаштиришдаги муаммолар сабабини аниқлаш;

➤ **меъёрлаштириш** – фаолиятни ривожлантириш. Муаммони баратараф этишга қаратилган ғоялар, гипотезалар ва усулларни ўйлаб топиш, янги меъёрларни тузиш.


Анъанавий ва ривожлантирувчи таълим моделларини таққослаб қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин:

Анъанавий таълим моделининг мақсади ва натижаси стандарт вазифаларни ечиш бўйича билимлар бериш ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади ва натижаси бўлажак мутахассисларни аниқ ишлаб чиқариш шароитида муваффақиятли фаолиятини амалга оширишга қаратилган компетентлигини ривожлантириш, нафақат стандарт вазиятларда, балки ўзгарувчан ностандарт вазиятларда ҳам мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича билимлар бериш ва амалий кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Ривожлантирувчи таълим моделида



маъруза диалог шаклида олиб борилади ва талабада маъруза мазмуни бўйича таҳлил қилиш, изланиш, янги ғоялар ҳосил бўлиш, ўз ғоя ва фикрларини баён этиш, бошқа талабаларнинг ушбу муаммо бўйича фикрларини тинглаш ва унга ўз муносабатларини билдириш имконияти яратилади.




**6-расм. Таълим моделларининг хусусиятлари**

Талаба маърузада фақат тингловчи сифатида эмас, балки жараён иштирокчиси сифатида фаол қатнашади. Ривожлантирувчи таълим ташкилий формасининг ўзига хос хусусиятлари педагогик мулоқатнинг қуйидаги уч турини ўз ичига олади:

1. Талабанинг шахсий мустақил иши.
2. Талабаларнинг гуруҳий мустақил ишлари.
3. Талабаларнинг ўқитувчи иштирокидаги гуруҳий мустақил ишлари.

Педагогик мулоқатнинг ушбу уч тури биргаликда мутахассислар тайёрлашда талаб этилган компетентликни ривожлантиришнинг тўлиқ циклини ҳосил қилади ва бу жараён қуйидаги тартибда амалга ошади. Талаба дастлаб ўз шахсий тажрибалари ва билимларига суянган ҳолда ўрганиладиган мавзу (фан) бўйича маълумотларни тўплаб, уларни мустақил ўргана бошлайди. Ўрганиш давомида талабанинг билим ва тажрибасини етарли эмаслиги сабабли қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар юзага келади. Шунда гуруҳий мустақил машғулотлар давомида бошқа талабаларнинг билимлари ва қобилиятлари ёрдамида тушунилмаган маълумотларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Кейинчалик юзага келган саволлар ва муаммолар бўйича ечимларни ўқитувчи иштирокидаги мустақил таълим давомида аниқлаштириб боради. Ушбу циклни қуйидагича тасвирлаш мумкин.



**7-Расм. Ривожлантирувчи таълимда ўзлаштиришнинг циклик кетма -кетлиги**

Ушбу цикл бўйича ўқитишни ташкил этиш шакли шахсий тажриба ва қобилиятни ривожлантиришни универсал механизми сифатида қаралиб, ривожлантирувчи таълимнинг моҳиятини очиб беради. Ривожлантирувчи таълим модели асосида ўқитишда ўрганиш талабанинг мустақил ишидан ( шахсий мустақил, гуруҳий мустақил, аудиторияда мустақил иш, аудиториядан ташқари мустақил иш ва б) бошланади ва ушбу машғулот тури етакчи ҳисобланади. Бошқа ўқув машғулот турлари эса иккинчи даражали бўлиб хизмат қилади.

### **2.2.2.Ривожлантирувчи таълимда маъруза турлари**

Замонавий таълим жараёнига янги гуруҳий ўқитиш технологияларини қўлланилиши, ўз хусусияти билан бошқа маърузалардан фарқ қилувчи мини –маърузаларни юзага келишига олиб келди. Ушбу маъруза тури ривожлантирувчи таълим етакчи ғоясида (парадигмаси)да ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ривожлантирувчи таълимда талабаларнинг мустақил ишларига катта эътибор қаратилишидир. Бунда асосий маъруза 15-30 минут бўлиб, қолган вақт талабаларнинг мустақил ёки гуруҳий ишлашлари учун ажратилади.

Мини маърузалар ҳам ўз вазифасига боғлиқ ҳолда бошқа маърузалар сингари турлича бўлади. Таълим олувчининг мавзуни ўзлаштиришдаги муаммолари ва қийинчиликларига боғлиқ ҳолда мини-маърузаларни қуйидаги уч турга бўлиш мумкин.

**1. Маъруза-навигатор.** Мини маърузанинг биринчи вазифаси анъанавий ўқитиш шаклидаги кириш маърузасига мос келади. Анъанавий маърузадаги кириш маърузасида маърузачи фан бўйича умумий маълумотлар бериб, фаннинг бўлимлари ва улар ўртасидаги боғланишлар, фаннинг умумий мақсад ва вазифалари, ривожланиш тарихи тўғрисида маълумотлар беради. Ривожлантирувчи таълим ўқитиш цикли моделига асосан мини маъруза-навигаторда маърузачининг асосий мақсади нафақат фаннинг мазмунини очиш ва умумий йўл-йўриқ бериш, балки талабалар билан биргаликдаги гуруҳий фаолият давомида фаннинг моҳияти ва мазмунини ёритишдан иборат бўлиши лозим. Бундай маърузалар мазмун-моҳият жиҳатидан навигатор ҳисобланиб, талабага келажакдаги фаолиятининг режасини ишлаб чиқишга, мустақил ўрганиши лозим бўлган масалаларни белгилаб олишга имкон яратади. Шунингдек, талаба томонидан мустақил фаолият чегараси белгилаб олинади, шахсий ва гуруҳий мустақил ишлар бўйича талаблар ҳамда топшириқлар аниқланади. Маъруза-навигаторлар ўқитиш циклининг бошида, талаба мустақил ишлашга

ўтишдан олдин, ҳар бир ўқитиш фазаси бошида ҳамда фанни ўрганиш давомида савол ёки муаммолар юзага келганда ташкил этилиши мумкин.

**2. Рефлексив маърузалар.** Ривожлантирувчи таълим модели бўйича мини-маърузанинг иккинчи вазифаси аудиториядаги ҳар бир талабани ва бутун гуруҳни мавзу бўйича мутақил фикрлашини таъминлаш ҳамда олган билимлар ривожланишининг кейинги босқичига йўналтиришдан иборатдир. Бундай маърузалар рефлексив маърузалар деб аталади.

Рефлексив маърузада педагог гуруҳдаги ҳар бир талабанинг билим олиш бўйича шахсий ривожланиш қобилиятини ҳисобга олиб, қуйидаги таълимий вазифаларни ечишни режалаштиради:

- гуруҳдаги қийин ўзлаштирувчи айрим талабаларни фаоллаштириш ва кейинги босқичда биргаликда фаолият юртишга йўналтириш;
- олдин ўзлаштирилган мазмун ва фаолият тури бўйича муаммоли саволларни ташлаб, мавзу бўйича билимни чуқурлаштиришга имкон яратиш;
- талабалар билимини ривожланиш поғоналари бўйича ўсишини таъминлаш.

Бундай маърузада ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича ўз руҳий олами, фикрлари ҳамда талабаларнинг шахсий ҳамда гуруҳли фаолияти таҳлили юзасидан вужудга келган муаммоларни умумий муҳокама мазмуни сифатида ўртага ташлайди ва бунинг учун фаолият рефлексиясини ташкил этишнинг қуйидаги усулларида фойдаланишни тавсия этади:

- ★ таҳлил - ўтган фаолиятни қайта куриш;
- ★ танқидий таҳлил - қарама-қаршиликларни аниқлаш усули сифатида;
- ★ олдин фойдаланилган услуб, воситалар ва муаммоли саволларни келтириб чиқаришни етарли эмаслиги;
- ★ меъёрлаш - ғоялар ва қарорларни излаш асоси.

Бундай маъруза жанри ўқитувчидан нутқда юқори аниқликдаги мантиқ ва мазмун бўлишини талаб этади. Маърузадаги нотиклик санъати ҳар доим ўтилган мавзуларга мурожаат этиш ва талабани ҳамда гуруҳни кейинги ўзлаштириш босқичига йўналтирувчи саволларни ўртага ташлаш билан белгиланади. Масалан: “Олдин Сиз ушбу мавзу бўйича “.....” деб фикр билдиргандингиз ва унда қуйидаги муаммоларга дуч келгандингиз, ёки А.Рахимов муаммо ечими бўйича қуйидаги “.....” ғояни таклиф этмоқда (анъанавий маърузада “Кеча биз “ .....” мавзунини ўтган эдик, бугунги мавзумиз “.....”, у ўтган мавзу билан “.....” билан боғлиқдир” деб берилган). Рефлексив маърузада ҳар бир талабанинг мавзу муҳокамаси бўйича шахсан қатнашиш самарадорлиги таъминланади ва у ташлаган фикр, ғоя ёки муаммоли савол муҳокама қилиб борилади. Бундай маърузада педагог ҳар бир иштирокчининг ҳамда бутун гуруҳнинг ўзлаштириш даражасини қандай босқичда эканлигини билиб боради ва уни маърузани ўзлаштириш лойиҳаси траекторияси бўйича ривожланишини таъминлайди.

**Воситавий маъруза.** Мини-маърузанинг учинчи вазифаси эгалланган назарий билимларни воситага айлантириш, яъни маърузалар давомида олинган билимлардан аниқ реал шароитдаги муаммоларни ҳал этишда восита сифатида фойдаланишга оид кўникма ҳосил қилишдан иборатдир. Маълумки, инсон дастлаб айрим ахборотларни одатий, ҳаётий деб билим онтологияси сифатида қабул қилади. Анъанавий таълимда шу билан маъруза ўз функциясини бажариб бўлади ёки кўпи билан талаба олган билимларидан стандарт ҳаётий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш малакасини эгаллайди. Талаба ушбу билимларнинг воситавий аҳамиятини тушуниб етмайди, яъни ушбу билимлардан фойдаланиш чегарасини белгилаб ололмайди. Таълим моделига компетент ёндошишда педагогнинг асосий вазифаси талабага фақат стандарт вазифалар ёки муаммолар ечими бўйича билим бериш эмас, балки олинган билимлардан ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятларда восита сифатида фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборатдир.

Воситавий мини-маърузалар маърузанинг мураккаб жанри ҳисобланиб, маърузачида кучли ривожланган услубий қобилият бўлишини талаб этади.

**Муаммоли маъруза.** Муаммоли маъруза тингловчида маъруза мазмунига нисбатан илмий-изланиш муносабатларини юзага келишига имконият яратади. Муаммоли маърузада маърузачи ва тингловчилар ҳамкорлигида амалга ошириладиган камида 3 та мақсад мавжуд бўлади:

- тингловчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш;
- назарий ва илмий фикрлашни ривожлантириш;
- билим олиш ва касбий қобилиятни шакллантириш.

Муаммоли маърузада маърузачининг асосий вазифаси тингловчиларда илмий фикрлаш ва дунёқарашни шакллантириш бўлса, тингловчининг асосий вазифаси маърузачи билан диалог асосида ўзи учун янги билимлар, қонуниятлар ва муносабатларни кашф этишдан иборат бўлади.

### **2.2.3.Муаммоли маърузаларни ташкил этиш йўллари ва усуллари**

Муаммоли маърузаларни олиб боришни бир қанча усуллари мавжуд:

1. Мавзу мазмуни ва материални тушунтирмасдан олдин муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш. Муаммоли вазият бу, тингловчининг билиш предмети, объекти билан илмий изланиш, ихтиролар яратиш ва янги билимларни олишга йўналтирилган фикран ўзаро таъсирдир. Муаммоли вазиятнинг оддий белгилари мавжуд бўлиб, улар ноаниқ муаммолар тўғрисида ўз-ўзига савол бериш, уни ҳал этиш усуллари ва йўллари излаб топишдан иборатдир.

2. Муаммоли маърузани олиб боришнинг иккинчи усули фан ва амалиётга маълум бўлган, лекин тингловчи билмаган қонуниятлар ёки ихтиролар тўғрисида фикрлашга ва “субъектив” янгиликлар яратишга йўналтиришдан иборатдир..

Қуйида муаммоли маърузанинг замонавий педагогикада муҳокама этиладиган хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз:

**Муаммоли маъруза мазмунини ташкил этиш усуллари: ўқув муаммоси кўринишида.** Муаммо назарий ва амалий вазиятларни қарама-қаршилиги, яъни айрим ҳолларда назария ва амалиётни бир-бирига тўғри келмаслиги шаклида талқин қилинади, унинг компонентлари ва ташкил этувчилари ёритилади. Маъруза ушбу қарама-қаршилиқни объектлаштирувчи савол билан яқунланади. Муаммоли вазият ўқув муаммоларининг бошланғич маълумотларидаги қарама-қаршилиқлар аниқлангач юзага келади. Бу ерда ушбу қарама-қаршилиқни ҳал қилувчи саволга жавоб номаълум бўлади ва у муаммо ҳисобланади.

**Муаммоли вазият компонентлари:**

- билиш предмети (маъруза мазмуни);
- ўқитиш субъекти (маърузачи);
- билиш субъекти (тингловчи);
- маърузачи ва тингловчи диалоги (фикран ёки ташқи);
- тингловчининг билишга эҳтиёжи
- тингловчининг билиш мазмуни билан фикран ўзаро таъсири.

Ўқув муаммоларининг асосий гуруҳига олимлар ва амалиётчиларнинг илмий ишларида илгари ҳал этилган илмий муаммоларни киритиш мумкин.

**Муаммоли маъруза мазмуни:**

- амалиёт учун жуда муҳим ва ўзлаштириш жуда мураккаб муаммолар;
- илмий ғоялар ва назарияларни мазмуни ва уларни юзага келиш мантиғи;
- ғояга оид ходисаларни амалиётда, ҳаётда учраши;
- тингловчини тушуниши учун қийин саволлар даражаси, кетма –кетлиги бўйича ёритиш;
- тингловчининг билиш эҳтиёжини ҳисобга олиш;
- муаммолар ва вазифаларни асосий ва ташкил этувчилар шаклида келтириш.

### **Маърузани муаммолик даражаси:**

- муаммони маърузачини ўзи қўяди ва илмий фикрлаш услубини намоёниш этиб, ўзи ҳал этади;
- маърузачи муаммони қўяди ва тингловчилар билан бирга ҳал этади;
- маърузачи муаммони қўяди, тингловчилар мустақил ҳал этишади;
- тингловчилар ўзлари муаммони қўйишади ва ўзлари жавоб топишади.

### **Маърузачининг услубий (методик) усуллари:**

- муаммоли ва ахборот саволларини қўйиш;
- фаразлар (гипотезалар)ни илгари суради, уларни тасдиқлайди ёки рад этади;
- тингловчиларни биргаликда ўйлашга ундайди;
- талабаларга муаммо ечими бўйича ёрдам сўраб мурожаат этади;
- тингловчилар билан мини баҳслар ташкил этади;
- маъруза мавзуси бўйича тингловчилар томонидан олдиндан тайёрланган муаммоли саволларга жавоб беради.

### **Муаммоли маърузада тингловчининг фаоллик шакллари:**

- фаол тинглаш ва тушуниш;
- конспект юритиб бориш;
- конспекта саволларни шакллантириб бориш;
- маърузачига саволлар бериш;
- маърузачи билан диалогда саволларга жавоб излаш.

Муаммоли маърузада диалог қанчалик кўп бўлса, маърузанинг самараси шунча юқори бўлади. Муаммоли маърузанинг мазмунида фаннинг янги ютуқлари, уни амалда қўллашдаги объектив қарама-қаршиликлар кенг ёритилиши лозим.

### **Маърузачининг тингловчилар билан диалог ёки шахсан мулоқоти усуллари:**

- маърузачи “қонун чиқарувчи” эмас, ҳамсухбат;
- маърузада маърузачи “ахборотни етказиш” эмас, балки ўзининг шахсий ва интеллектуал қобилиятларини баҳам кўриши лозим;
- тингловчиларнинг мулоҳазалари ва фикрлари билан қизиқади;
- муаллифлар ва манбаларга таянмасдан, ахборотларни ҳақиқийлигини исботлайди;
- муаммони турли хил фикрлар доирасида муҳокама қилади;
- тингловчиларни мустақил ҳулоса чиқаришга йўналтиради, уларни муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирокчига айлантиради;
- муаммоли ва ахборотга оид саволлардан фойдаланади;
- тингловчиларнинг шахсий илмий тўғри жавобларини рағбатлантириб боради;
- тингловчилар билан биргаликда муаммо бўйича ўйлашга эришади;
- кейинги семинар машғулотида муҳокама учун муаммоли саволлар беради.

Муаммоли ва ахборотга оид саволлар тингловчининг фикрлаш фаолиятини бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар қуйидагича бўлиши мумкин:

### **Ахборотга оид саволлар:**

- ўтилган мавзулар бўйича;
- тингловчининг олдин олган билимларини фаоллаштиришга оид.

### **Муаммоли саволлар:**

- ечими ноаниқ муаммолар бўйича;
- муаммоларни шакллантиришга оид;
- муаммо ечимини излашга йўл кўрсатувчи.

### **Муаммоли маърузанинг самараси қуйидаги омиллар билан аниқланади:**


- ★ маъруза мазмуни;
- ★ маъруза мазмунига шахсан жавобгарлик руҳида ёндошиш;
- ★ тингловчилар билан диалоглар ташкил этиш усуллари;
- ★ касбий фаолиятнинг фан бўйича ва ижтимоий қирраси.
- ★ маъруза материални нофаол тинглаш эмас, балки тингловчиларни маъруза мазмунига (баҳс ва мунозараларга) киришиб кетиш даражаси.

Ахборотларни оддий ўқиб узатишга асосланган анъанавий маърузалар ўрнини, ривожлантирувчи таълимда талабанинг мустақил билим олиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирувчи маъруза-навигатор (йўналтирувчи), рефлексив ва воситавий, муаммоли маърузалар эгаллайди. Маърузаларнинг яна бошқа кўринишлари, жумладан маъруза-панель, маъруза-ташвиқот, икки маърузачи иштирокидаги маърузалар маъруза ташкилий шаклининг хусусий кўриниши ёки такомиллашган варианты ҳисобланади.

### **2.2.4.Замонавий маърузани лойиҳалаш босқичлари**

Замонавий маърузаларни ташкил этиш анъанавий маърузалардан ўзининг мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакли ва фойдаланиладиган инновацион педагогик технологиялари билан фарқ қилади. Энг қулай ва оптимал вариантда замонавий маърузаларни ташкил этишни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:


1. Маъруза олди вазиятни таҳлил қилиш
2. Маърузанинг асосий ғоясини ишлаб чиқиш
3. Маъруза мақсадни асослаш
4. Мавзунини белгилаш
5. Маъруза мазмунини танлаш
6. Маъруза турини танлаш
7. Маъруза шаклини танлаш
8. Тингловчиларнинг диққатини фаоллаштириш усулини лойиҳалаш
9. Маърузани тушунишни қўллаб-қувватлаш усуллари лойиҳалаш
10. Маърузада тескари алоқани ташкил этиш усуллари ишлаб чиқиш
11. Маърузани яқунлаш шакли лойиҳасини яратиш



Дастлаб маърузада юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун аввало қуйидаги саволларга жавоб излаш талаб этилад:

- ★ нима учун айнан ўқув машғулотининг ушбу шакли талаб этилди?
- ★ талабалар ўқув фаолиятининг умумий таркибида айнан ушбу маърузанинг тутган ўрни қандай?
- ★ тингловчилар кимлар ва улар неча киши?


- ★ маъруза учун қанча вақт ажратилган?
- ★ ташқи шароитлар қандай (аудитория, техник воситалар таъминоти ва б.)?
- ★ маърузачининг имкониятлари ва тўсиқлар, чегараланганлик.



Маърузанинг асосий ташкилий ғоясини ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- ★ шахсий тажриба асосида маърузани ташкил этиш;
- ★ савол ва жавоблар асосида маърузани ташкил этиш;
- ★ маъруза мазмуни бўйича мавжуд адабаиётлардан мантиқий материалларни тўплаб, анъанавий шаклда маъруза ўқиш;
- ★ ушбу мавзу бўйича кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш ва кейин умумлаштирувчи маъруза ўқиш;
- ★ талабаларга видеофильм ёки кейс таклиф этиш, муаммоларни аниқлаш ва ажратиш, кейин таҳлил қилиш.

Маъруза ғоясини яратиш вазиятни таҳлил қилишдан бошланади ва “Маърузанинг кейинги босқичларини қандай ташкил қилиш керак?”- деган саволга жавоб беради.



Маърузанинг мақсадини аниқлаш, “Ушбу маъруза нима учун керак, қандай натижа бўлади, мен, таълим жараёнини ташкил этувчиси сифатида қандай режалаштиришим керак?”- деган саволлардан бошланиши лозим.

**Маъруза мақсади** - фаолиятнинг келажакдаги натижасини фикран мазмунидир.

Маъруза мақсадини шакллантиришда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

- ★ маърузада кўзланган мақсадга эришилганлигини текшириш имконини бериши лозим;
- ★ мақсад аниқ бўлиши ва қисқа изоҳланиши керак;
- ★ мақсад “талаба фаолияти тилида”, яъни осон ва тушунарли тилда шакллантирилиши зарур;
- ★ мақсад реалистик бўлиши, яъни мақсадни таъминловчи воситалар (вақт, маърузачининг қобилияти ва б.) га эга бўлиши лозим.


Маъруза мақсадини белгилашда айрим педагоглар қуйидаги муаммоли саволларга дуч келишади:

1. *Дастлаб маърузанинг мавзуси танланиши керакми ёки мақсади?*
2. *Маърузанинг мақсади бирламчими ёки мазмуни?*
3. *Маърузанинг мақсадини танлашда маърузачининг фаолияти қандай ўрин тутади?*


Кўпчилик педагоглар олий таълим тизимида фаннинг ўқув дастурини асос қилиб олиб, дастлаб маъруза мавзусини танлашади. Бизнинг фикримизча дастлаб маърузанинг мақсади



танланиши зарур. Фаннинг ўқув дастурида маъруза мавзулари эмас, балки фаннинг мазмуни қисқача берилади. Профессор-ўқитувчи ана шу мазмун доирасида фан бўйича ишчи дастур ва каледар режа тузишда мавзуларни танлаб олади.




Маърузанинг мақсади аниқ бўлгач мавзуни танлаш осон кечади. Мавзу маърузада нима ҳақида фикр юритилиши ва муҳокама қилинишини яққол акс этиб туриши керак. Мавзу маъруза мазмунининг доираси, чегараси ҳисобланади. Кўпинча, тингловчилар савол беришганда “Мавзу чегарасидан чиқманг, илтимос” деб таъкидланади. Шунингдек, маърузачи ўз фикрларини баён этганда ҳам мавзу доирасидан чиқмаслиги талаб этилади. Мавзуни танлашга қўйиладиган талаблар оддий: мавзу аниқ, қисқа, маъруза мазмунини англатадиган ва фаолиятли характер (тингловчини ўйлашга, фикрлашга жалб этадиган) касб этган бўлиши зарур.



Маърузага тайёрланишнинг кейинги босқичи –маъруза мазмунини танлаш. Маъруза мазмунини танлашда қуйидаги талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

- маъруза мазмуни режа асосида бўлимларга бўлиниши лозим, яъни маъруза режаси шакллантирилиши керак;
- биринчи навбатда маърузачи учун жуда яхши таниш бўлган, яхши ўзлаштирилган материаллар олиниши лозим;
- материаллар маърузачи томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши, машқ қилиниши бошқа педагоглар билан баҳс ва маслаҳатлар асосида тўлиқ қайта ўзлаштирилиши зарур;
- танланган материаллар маъруза мақсади ва мавзусига мос бўлиши шарт;
- мазмун турли хил шаклларда (тушунчалар, ахборотлар, тажрибалар, кузатиш натижалари, ҳаётий ҳодисалар ва б.) ёритилиши мумкин;
- маъруза учун ажратилган вақт ҳисобида талаб этиладиган ҳажмга нисбатан икки баробар кўп ҳажмдаги материаллар танланиши керак.



Маъруза турини танлашда ўқув аудиториясининг техник воситалар билан жиҳозланиши, тингловчилар салоҳияти (улар кимлар: ўқувчилар, талабалар, магистрлар, стажёр-изланувчилар, олий маълумотли ходимлар, олимлар ва б.), маъруза мақсади ва мавзуси ҳисобга олиниши керак.

Маърузаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**1. Йўналтирувчи маъруза** – шахсий компетентликни ривожлантириш ва ушбу предмет мазмунини ўзлаштириш бўйича маърузачи билан тингловчининг биргаликдаги фаолиятини ( шахсий, гуруҳий ёки жамоавий) ташкил этишга йўналтирилган маърузалар.

**2. Кириш маърузаси** - кейинчалик ўрганиладиган материаллар бўйича умумий йўналиш берувчи маъруза.



**3. Рефлексив маърузалар** – олдин ўзлаштирилган мазмун ва фаолият усуллари бўйича муаммолар ҳосил қилиш, янги мазмунни ўзлаштиришда муаммоли вазиятлар келтириб чиқаришга қаратилган маърузалар.

**4. Воситавий маърузалар** – аниқ муаммоларни ечишда олдин ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш бўйича тасаввурлар ҳосил қилишга йўналтирилган маърузалар.

**5. Умумлаштирувчи маъруза** – курс якунида барча ўрганилган материаллар бўйича қисқа хулосалар чиқарилиб, тингловчилар томонидан материалларни диққат билан тинглашлари, қабул қилишлари, таҳлил қилиб баҳолашларига қаратилган маъруза.

**6. Ахборот ёки “жорий” маъруза** – у ёки бу ахборотларни етказишда фойдаланиладиган маъруза.

**7. Муаммоли маъруза** – реал ҳаётдаги қарама-қаршиликлар моделлаштириладиган маъруза. Муаммо назарий ва амалий вазиятларни қарама-қаршилиги, яъни айрим ҳолларда назария ва амалиётни бир-бирига тўғри келмаслиги шаклида талқин қилинади, унинг компонентлари ва ташкил этувчилари ёритилади.

**8. Жуфтлик (биргаликдаги) маъруза** – икки маърузачи иштирокидаги маъруза. Бунда ҳар бир маърузачи аниқ рол ўйнайди. Масалан, бири маърузачи сифатида иштирок этса, иккинчиси танқидчи, эксперт ёки муаммоларни келтириб чиқарувчи сифатида қатнашади.

**9. Маъруза - маслаҳат-** тингловчи томонидан олдиндан шакллантирилган саволлар бўйича маъруза.

**10. Матбуот –анжуман- маъруза** – маъруза мазмуни тингловчилар саволлари асосида яратилади, лекин бир неча маърузачилар томонидан ўтказилади.

**11. Режа асосида хатолар киритилган маъруза** – Бундай маърузаларда маърузачи режали ҳолда атайдан хатоларга йўл қўйиб, тингловчиларнинг диққатини тортади. Тингловчилар томонидан маъруза материалларини диққат билан тинглашлари, қабул қилиб ўзлаштиришлари, таҳлил қилиб баҳолашлари, ахборот мазмунидан эркин ва тезкор фойдалана олишларига йўналтирилган маъруза.

**12. Маъруза-диалог** – маъруза мазмуни бир қатор саволлар ёрдамида етказилади ва саволларга тингловчилар томонидан жавоб беришлари талаб этилади.




Олий таълим тизимида амалиётда маъруза машғулотларини ташкил қилишнинг қуйидаги шакллари кўпроқ қўлланилади:

**1.Кўргазмали тушунтириш услуби.** Маърузачи махсус танланган материалларни тушунтириб, тингловчи томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди ва ушбу билимлардан амалда қандай фойдаланишни кўрсатиб ўтади. Маърузачи ушбу услубни танлашда шуни эътиборга олиши лозимки, бунда тингловчиларда ўрганиладаиган объект ёки жараёнлар тўғрисида дастлабки тушунчалар ҳосил бўлади, бундай маъруза уқув ва амалий кўникмаларни шаклланишига йўналтирмайди.

**2. Репродуктив услуб.** Маърузачи тингловчида олдин ҳосил бўлган билимлар доирасида бир қанча вазифалар, топшириқлар ва масалалар мажмуини тузиб, улардан маърузада фойдаланади. Тингловчиларда ушбу топшириқларни мустақил ечиш натижасида дастлабки уқув ва амалий кўникмалар ҳосил бўлади.

**3. Муаммоли ўқитиш услуби.** Маъруза муаммоли шаклда режалаштрилади. Ҳозирги вақтда ушбу услуб билан биргаликда ролли ўйинлар, интерактив ва коммуникатив ўқитиш услублари қўлланилмоқда.

8.



**Тингловчилар диққатини  
фаоллаштириш  
услугларини лойиҳалаш**

Тингловчилар диққатини  
фаоллаштириш мақсадида

биринчи навбатда уларни маърузачи билан ўзаро фаол мулоқатда бўлишларини таъминлаш лозим. Бу қуйидаги услублар орқали амалга оширилиши мумкин:

**1. Маърузачи томонидан турли саволлар бериш орқали:**

- ✳️ риторик саволлар (савол билан тушунтирилган материалларни тасдиқлаш);
- ✳️ тингловчиларнинг савол беришларига имконият яратиш;
- ✳️ ўз тушунчаларини қайта текшириш, савол-фаразлар бериш.

**2. Маърузачи тажрибаси ва шахсига апелляция:**

✳️ маърузачининг шахсий амалий тажрибасидан далиллар, маълумотлар ва мисоллар келтириш.

**3. Биргаликда фикрлаш, муаммолар устида биргаликда ўйлаш услуби:**

✳️ маърузачи тингловчиларга шундай далиллар билан мурожаат қилиши керакки, тингловчиларда биргаликда ҳаяжонланиш, диққат қилиш ва муаммо ичига киришиб кетиш ҳолати содир бўлсин.

**4. “Парадокс вазият” услуби:**

- ✳️ инсонда ҳар доим кутилмаган, умуман эшитмаган маълумотлар, ахборотларни эшитишга иштиёқ кучли бўлади ва бундай материалларни тинглашга диққати ошади.

**5. “Хатолардан ўрганамиз” услуби.**

✳️ маърузачи тингловчилар дуч келиши мумкин бўлган хатолар, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ва муаммоларни таҳлил қилиб мурожаат қилади.

**6. “Полифония” услуби.**

✳️ бир масала ёки саволга турли хил нуқтаи назар билан ёндошиш ва тингловчиларга танқидчи сифатида қараш имкониятини яратиш.

**7. “Тетиклантирувчи, жонлантирувчи - четга чиқиш” услуби.**


✳️ маърузачи аудитория ҳолати ва тингловчилар савияси (ёши, маълумоти, билим даражаси ва б.)ни ҳисобга олиб, мавзуга оид қисқа ҳазиллар, анекдотлар, ривоятлар, латифалар айтиб бериши мумкин. Лекин, маърузачи ўзини ва аудиторияни диққат билан назоратдан четга чиқишга йўл қўймаслиги керак. Ушбу услубда учта шартга қатъий амал қилиш талаб этилади: мазмун, вақт ва кимга ҳазиллашишни билиш.

**8. Кўргазмали, ўқув-визуал материаллар ёрдамида тингловчилар фаолиятини фаоллаштириш.**

**9. Маъруза ўтишининг ташқи белгилари ва шакллари.**

✳️ маърузачининг нотиклик санъати (нутқ давомида узоқ ёки қисқа тўхталишлар(пауза), ўз ҳаракатини назорат қилиш, ўз аудиториясини кўра олиш қобилияти ва б.)

9.




**Тингловчилар тушунишларини  
қўллаб-қувватлаш усулини лойиҳалаш**

Маърузада тингловчиларни тўлиқ тушунишларини таъминлаш учун дастлаб, мавзу мазмунини қанчалик тушунганликларини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш талаб этилади ва уни қуйидаги усуллар орқали амалга ошириш мумкин:

1. Тушунтирилган материални бир шаклдан бошқа шаклга ёки бир тилдан бошқа тилга ўгириш услуби. Масалан, талабага матнли мазмунни схема ёки график кўринишга келтириш топшириғи бериледи.

2. Талабадан материални қисқача тушунтириб беришини ёки изоҳлаб беришни талаб қилиш (интерпретация) .

3. Рефлексия (талабанинг руҳий ҳолатини, фикр ва ўйларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш).




Маърузада тескари алоқани ташкил этиш ва баҳолаш учун маърузачи олдиндан махсус тарқатма материаллар тайёрлайди. Унда ББХБ (биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим) жадвалидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, талабадан куйидаги саволларга жавоб беришлари сўралиши ҳам мумкин:

1. Маърузада талаба ўз олдида қўйган мақсадига эришдими, тегишли билимини олдим.

2. Маърузада улар хоҳлаган қайси саволлар ёритилмади ёки кам ёритилди.

3. Маърузада уларга нималар ёқмади ёки қайси саволларни ўзлаштириш қийинчилик туғдирди.



Яхши маъруза маърузани қандай руҳда яқунланиши билан ҳам баҳоланади. Маъруза сўнгида яхши кайфият ва кўтаринки руҳни ташкил этиш маърузачидан катта маҳорат ва тажриба талаб этади. Маъруза якунида куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Маъруза режасида берилган масалалар бўйича якуний қисқа хулоса бериш.

2. Маъруза хулосасини кейинги маъруза мавзуси билан боғлаш, тингловчилар саволларига қисқа жавоб бериш.

3. Навбатдаги маъруза мазмуни бўйича (мавзуни эълон қилмасдан) тингловчиларга муаммоли саволлар бериш ва уларда кейинги маърузага қизиқиш уйғотиш.

4. Кейинги маъруза бўйича мустақил ишлашлари учун имконият йўлларини яратиш.

5. Энг асосийси, маъруза мақсадига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиб, маърузани **ўз вақтида** яқунлаш!

Маъруза сифати ахборотларни тингловчилар томонидан сон жиҳатдан қанчалик кўп ўзлаштирганликлари, билиб ёки ёдлаб олганликлари билан эмас, балки маъруза материалларини тингловчилар томонидан сифат жиҳатдан қанчалик қайта ишланганлиги, материаллар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш қобилиятини, ижодий ёндошувни, назарий маълумотлардан ҳаётда стандарт ва ностандарт вазиятларда фойдаланиш малакаларини шаклланганлиги билан баҳоланади.

### III . МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

XXI асрда инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври- ахборотлашган жамият даври бошланди. Бу информатсион-телекоммуникациянинг жадал ривожланиши, ахборот технологияларни тезкор тарқалиши, жамият ривожланиш жараёнларининг глобаллашуви, халқаро коммуникацион ҳаёт муҳити, таълим, мулоқат ва ишлаб чиқаришни шаклланиши ҳамда инфосферанинг ривожланиши билан характерланади. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал информатсион тармоқ -Интернет ташкил этади.

Телекоммуникацион тезкор ривожланиш жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, таълим, маданият, маиший хизмат, хавфсизлик каби турли соҳаларида ноанъанавий янги ва қулай имкониятлар яратмоқда. Жамият ривожининг янги шарт-шароитлари ахборотлашган жамият талабларига жавоб берувчи замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиб янги мутахассисларни тайёрлашни вазифа қилиб қўймоқда.

Глобал Интернет тизимининг ривожланиши жаҳон таълим тизимида эволюцион такомиллаштиришнинг янги истиқболларини очиб берди. Бугунги кунда анъанавий таълим услублари Интернет, электрон-компьютер сетлари ва телекоммуникация муҳитига асосланган янги ўқитиш услублари билан тўлдирилмоқда. Интернет технологияга асосланган телеўқитиш ва масофавий таълим бир қатор янги функцияларни бажариш билан бир қаторда, ўзаро тақсимланган ҳамкорлик принципи, интеграция, халқаро Интернет тармоғига кириш каби аниқ принципларни амалда қўллашни талаб этади.

Ҳозирги давр инсондан умрбод таълим олишни, яъни ўз ҳаётининг фаолияти давомида мунтазам касбий билим ва кўникмларини ошириб боришни тақоза этмоқдаки, албатта бу электрон-компьютер тармоқни ривожланиши ҳамда Интернет технологиялар асосида амалга оширилади.

#### 3.1. Интернет –технология ва масофавий ўқитиш

##### 3.1.1. Масофавий таълим технологиялари

Ҳозирги замон таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторида янги-янги қуйидаги тушунчалар ҳам кириб келмоқда:

**Ўқитиш** – бу маълум бир мақсадга йўналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуролланган жараёндир.

**Таълим** – бу ўқитиш натижаси бўлиб, шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришдир.

**Масофавий ўқиш** – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, талабадан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ бўлмайди.

**Масофавий ўқитиш (distant education)** - ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва Интернет технологияси ёрдамида тингловчи ва ўқитувчилар масофадан туриб интерфаол мулоқот қилиш жараёнидир.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион услублар, ўқитиш воситалари ва шакллари ўз ичига олган ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим шаклидир.

Масофавий ўқитишнинг маъноси талабаларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида *мустақил ишлаш* самарадорлигини ошириш - уларни илмий фикрлашга ўргатиш, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида фаоллигини кучайтиришдан иборат. Бундай фаолиятда масофали ўқитишнинг улуши каттадир. Маълумки, масофавий таълимда *ўқитиш модели* (ягоналик модели, иккиланганлик модели, аралаш модел, консорциум, франчайзинг, валидация, узоқлаштирилган аудиториялар ва лойиҳалар),

*технологиялар* (кейс, корреспондентлик таълим, радиотелевизион, тармоқли таълим ва мобил), *категориялар* (синхрон ва асинхрон) асосий ўрин тутади.

**E-learning** (*Electronic Learning* - инг. сўзининг қисқачаси) - электрон ўқитиш тизими, электрон ўқитиш, масофали ўқитиш, компьютерли ўқитиш, тармоқли ўқитиш, виртуал ўқитиш, ахборот ва электрон технологияларини қўллаб ўқитиш каби атамаларининг синонимидир.

ЮНЕСКО мутахассислари берган таъриф «**e-Learning** - Интернет ва мультимедиа ёрдамида ўқитиш» таърифи ҳам мавжуд.

Бу мазмунан жуда кўп маънони англатиши мумкин, жумладан:

▶ шахсий компьютер, мобил телефон, DVD, аудио-видео-радио-телевизорлардан фойдаланиб электрон материаллар билан мустақил ишлаш;

▶ узоқдаги ўқитувчидан маслаҳат олиш, масофали мулоқот қилиш имконияти;

▶ умумий виртуал ўқув фаолиятни юритувчи фойдаланувчиларнинг тақсимланган жамоаси (ижтимоий тармоқ)ни яратиш;

▶ электрон ўқув материалларни ўз вақтида куну-тун етказиш;

▶ электрон ўқув материаллари ва технологиялари, масофали ўқитиш воситалари учун меъёрлар ва спецификациялар;

▶ барча ташкилот раҳбарлари ва бўлимлари гуруҳларининг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда улар томонидан ахборот технологияларини эгаллашлари, ўзларининг одатдаги фаолиятларини самарадорлигини кўтариш;

▶ инновацион педагогик технологияларни эгаллаш ва тарқатиш, уларни ўқитувчиларга узатиш;

▶ ўқув веб-ашёларни ривожлантириш имконияти;

▶ дунёнинг ихтиёрий нуктасида туриб ихтиёрий вақтда ва ихтиёрий жойда замонавий билим олиш;

▶ психофизик ривожланишида (ногирон) алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлган шахсларга олий таълим олиш мумкинлиги.

Масофали ўқитиш қуйидаги бешта:

➤ **дастурий** (тизимининг локал ва глобал (Интернет) тармоғидан фойдаланувчилар учун ахборот тақдим этиладиган);

➤ **техник** (ахборот тармоғига уланган ва ташқаридаги очик ахборот манбаларига уланиш учун Интернетга чиқиш имкониятига эга бўлган локал компьютер тармоғидан);

➤ **ахборот** (ўқув курслари бўйича кенг маълумотномали ахборотлар);

**ўқув-услубий** (курслар маълумоти, мазмуни, электрон маъруза матнлари, виртуал амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари, талаба-ўқитувчи мулоқоти учун телеанжуман, электрон почта, назорат тестлари, ўзлаштириш мониторинги блоки, виртуал кутубхоналарга ва турли материалларга мурожаатлар рўйхати, Интернет тармоғидаги ўқув курслар);

➤ **молиявий** таъминотларга эга бўлади.

Турли хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган компаниялар устувор қилиб ходимларни малака оширишида кўпроқ ушбу ўқитиш шаклини танламоқдалар. Бу ҳол олий таълим олишда, яъни анъанавий ўқиш шартнома асосида бўлганда тўлов талабанинг иқтисодий имкониятига мос келмаган пайтларда ҳам муҳим ўрин тутади. Лекин, таъкидлаш жоизки, ҳамма талабалар ҳам чидам ва тоқат билан мустақил равишда масофали ўқий олади дейиш қийин. Шундай тоифали талабалар борки, улар фақат ягона усул аудиторияларда берилган материалларни қабул қила оладилар.

Масофавий ўқитиш масофавий таълим мажмуидаги жараёнлардан бири ҳисобланади. Масофавий ўқитишнинг ва масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик тизими, зарурлиги ва мақсади мавжуд.

**Масофавий таълим** –аҳолининг кенг қатлами учун махсус инфорацион таълимга қаратилган бўлиб, масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситалари (йўлдошли, алоқа, телевидение, радио, компьютер ва б.) ёрдамида амалга оширилувчи таълим хизматлари мажмуи ҳисобланади. Масофавий таълимда таълим жараёни компьютер

техникаси ва телекоммуникация воситалари ҳамда бошқа янги ахборот технологияларини қўллашга асосланган анъанавий ва инновацион таълим технологиялари, таълимнинг дастурий-техник воситаларидан фойдаланилади. Масофавий таълимда ўқиш харажатлари тежалади, худудий чекланиш бўлмайди, ўқишнинг хилма-хил замонавий техник воситаларидан фойдаланилади, нуфузли таълим муассасаларининг дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларидан фойдаланиш имкониятлари вужудга келади.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга узатишга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуидир.



8-Расм. МТ асосида бутун умр давомида ўқиш схемаси

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- ★ мослашувчанлик – таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезликда таълим олиш имконияти мавжудлиги.

- ★ модуллилик – бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги.

- ★ параллеллик – ўқув фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжудлиги.

- ★ кенг қамровлилик – кўп сонли талабаларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва б.) захиралигига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли талабаларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти.

- ★ иқтисодий тежамкорлик – ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йиғиш, уларни тартибланган кўринишга келтириш ва бу маълумотларга кўп сонли мурожаатни ташкил қилиб бера олиш орқали мутахассисларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни камайтириш имконияти.

★ ижтимоий тенг ҳуқуқлилиқ – таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти.

★ интернационаллиқ – таълим соҳасида эришилган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқларни импорт ва экспорт қилиш имконияти.

**Масофавий таълимнинг мақсади** қуйидагилардан иборат:

★ мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш;

★ етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятидан фойдаланиш эвазига таълим бериш сифат даражасининг ошириш;

★ асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш;

★ таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш;

★ узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.

★ таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципиал таълим даражасини таъминлаш.

**Ўқитувчининг янги роли** – масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукамаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади.

**Сифат** – масофавий ўқитиш усули таълим бериш сифати бўйича кундузги таълим туридан қолишмайди. Масофавий таълимда маҳаллий ва чет эллик педагогларни ўқув жараёнига жалб қилиб, энг яхши ўқув-методик дарсликлар ва назорат қилувчи тестлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш сифатини ошириши мумкин.

Масофавий таълим анъанавий таълим турига нисбатан бирмунча қуйидаги қулайликларга ҳам эгадир:

➤ таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқ эмаслиги ва б);

➤ таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги;

➤ таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши;

➤ сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

➤ халқаро интеграциянинг кучайиши;

### 3.1.2.Масофавий таълим моделлари таҳлили

Масофавий таълим ўз ривожланиш даврида қуйидаги даврларни босиб ўтган:

1. Битта технологиядан фойдаланиш ва талаба билан ўқитувчи ўртасида бевосита ўзаро алоқа йўқ, бундай технологияга сиртки таълим шакли мисол бўла олади, яъни ўзаро ёзишма орқали таълим олиш.

2. Турли хил технологияларни интеграциялашуви орқали. Бир томонлама ахборотлар оқими ва талабанинг мустақил ўқишига кўпроқ эътибор бериш, очик университетлар.

3. Икки томонлама коммуникацион технологиядан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи талаба ва талабалар бир-бири билан алоқадаги таълим, Интернет асосидаги масофавий таълим тизими.

Масофавий таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва талаба бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилган ҳолда ахборот технологиялардан фойдаланилган таълим туридир.

Бу таълим турининг бир неча моделлари мавжуд бўлиб, улар масофавий таълимни ташкил этишга сабаб бўлган қуйидаги вазиятлари билан фарқланади:

- географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоқлашган ҳудудлар мавжудлиги);
- мамлакатни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш даражаси;
- транспорт ва коммуникацияларни ривожланиш даражаси;
- масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги;
- таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси;
- мамлакатнинг таълим соҳасидаги сиёсати.

**Биринчи модел** “Michael Moore «Distance Education. A Systems View” китобида ёритилган бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:

Манба	→ дизайн	→ узатиш	→ ўзаро алоқа	→ ўқув мухити
➤ эҳтиёж	➤ Ўқув жараёнини режалаштириш	➤ Қоғоз материаллар	➤ ўқитувчилар	➤ Иш жойи
➤ талаба	➤ мухит	➤ аудио/видео ёзмалар	➤ Тьюторлар	➤ уй
➤ ташкил-лаштириш	➤ дастур	➤ Радио/телевидение Компьютерлар ва дастурий таъминот	➤ маслаҳатчилар	➤ Синф
➤ Назария/тарих	➤ баҳолаш	➤ аудиоконференция	➤ экспертлар	➤ Ўқув маркази
➤ фалсафа		➤ видеоконференция	➤ Администратор	
		➤ Локал ва глобал тармоқ	➤ Бошқа талаблар	

Ушбу моделда талаба эҳтиёжи ва ташкиллаштириш хусусияти (миссия, экспертиза масофавий таълим курсини ишлаб чиқиш ғояси ва қарорини юзага келтиради. Курс дизайни ўқув жараёнини ишлаб чиқиш соҳасидаги мутахассислардан: продюссер, дастурчилар, ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчилардан иборат бўлади. Талабаларнинг имкониятлари ва педагогик принциплар ўқиш технологиясини танлашни асослайди. Ўқув курси талабалар бир-бири ва ўқитувчи, экспертлар, администратор билан ўзаро алоқаси асосида ташкил этилади. Ушбу моделда асосий эътибор ўқув мухитига, яъни бир хил ўқувчиларнинг самарадорлигига қаратилади. Юқоридаги моделнинг барча элементлари ўзаро боғланган ва масофавий таълим тизимида фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

Ушбу модел фақат талабалар билан масофавий ишлашда фойдаланилади. Бунда талабаларнинг ҳар бири виртуал ўқитувчига бириктирилади. Маслаҳатлар ва якуний назоратларни топшириш учун ҳудудий бўлимлар ташкил этилади. Бундай ўқув курсларида ўқитувчи ва талабаларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар ва эркинликлар берилади. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очик Университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин.



**Иккинчи модел** Tony Bates томонидан ишлаб чиқилган ва унинг «Technology, Open Learning and Distance Education» номли китобида ёритилган. Бу модел **ACTIONS** деб номланади ва масофавий таълим соҳасида қарорлар қабул қилишда, хусусан МТ технологиясини танлашда фойдаланилади. Модел номи қуйидаги ибораларнинг бош ҳарфларидан олинган:


- ★ **-Access (Рухсат)**- ушбу технологияни барча талабалар учун фойдаланиш мумкинлиги;
- ★ **-Costs (Харажатлар)** – технологиядан фойдаланиш харажатлари таркиби, битта ўқувчи харажати;
- ★ **-Teaching and Learning (таълим бериш ва ўқитиш)** - ўқитиш ва таълим бериш педагогик технологияси, услуги;
- ★ **-Interactivity and User-friendliness (Интерактивлилик ва фойдаланишда қулайлилик)** – танланган технология қандай интерактивликка эга, ундан қандай фойдаланиш мумкин;
- ★ **-Organizational issues (Ташкилий масалалар)** – танланган технологияни жорий этишда қандай ташкилий муаммолар мавжуд, уларни қандай ҳал этиш мумкин, бунинг учун қандай ўзгаришлар қилиш керак;
- ★ **-Novelty (Янгилиги)** – танланган технология қанчалик янги, замонавий.
- ★ **-Speed (Тезлик)** – ушбу технология ёрдамида МТ курсини қандай тезликда ташкил этиш ва унга ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ушбу модел масофавий ҳамда кундузги анъанавий таълимда талабалар билан ишлаш учун яратилади. Иккала таълим турида ҳам бир хил ўқув дастури ва дарс жадваллари, назорат турлари ва уларни баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу каби ўқув муассасаларида кундузги таълим талабаларининг сони масофавий таълимдагига қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Ушбу масофавий курслар педагогика ва услубиётдаги янги йўналишларни излашда қўлланилади. Бу моделга Англия ва Австралия Университетидаги (<http://www.une.edu.au>) таълимни мисол қилиш мумкин.

**Аралашган модел.** Ушбу модел масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилади. Талабалар ўқув курсининг бир қисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқийди. Шу билан бирга бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маърузалар ўтказиш ҳам кирилади. Бу моделга мисол қилиб Янги Зеландиядаги Массей Университетининг (<http://www.massey.ac.nz>) таълим шаклини келтириш мумкин.



## 9-Расм. Масофавий таълим модели



## 10-Расм. Масофавий таълим модели

**Консорциум.** Ушбу модел иккита университетни бир-бири билан бирлашишни талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил этишни таъминласа, икинчиси эса уларни тасдиқлаб, ўқув курсларига талабаларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда фақат университетлар эмас, балки битта кафедра, ўқув маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасидаги бошқа муассасалар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларини доимий равишда назорат қилиш ва муаллифлик ҳуқуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга мисол қилиб Канададаги очик ўқув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мумкин.

**Франчайзинг.** Ушбу модел иккита университет бир-бири билан ўзлари яратган ўқув курслар билан алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса талабалари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга Очик Университет Бизнес мактаби билан Шарқий Европа Университетлари ҳамкорлигини мисол қилиш мумкин.

**Валидация.** Ушбу модел университет ва унинг филиаллари билан бўлган муносабатларга ўхшаш. Бу моделда битта университет ўқув курс ва дипломларни қафолатласа, қолган бир нечта университетлар талабаларни таъминлайди.

**Узоқлашган аудиториялар.** Ушбу моделда информацион ва коммуникацион имкониятлардан кенг фойдаланилади. Битта ўқув муассасада бўлиб ўтган ўқув курслар видеоконференциялар, радиотрансляциялар ва телекоммунакацион каналлар орқали синхрон телекўрсатувлар кўринишида бошқа аудиторияларга узатилади. Бу моделни аралашган модел билан фарқи шундаки, унда талабалар кундузги таълимда қатнашмайди. Бу моделга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг Университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение Университетидаги таълимни олиш мумкин.

**Лойиҳалар.** Ушбу модел давлат ёки илмий изланиш мақсадидаги дастурларни бажариш учун яратилади. Асосий иш масофавий таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказда бажарилади. Ушбу моделда яратилган курслар аҳолининг катта қисмига намоиш қилиниб, ўз вазифасини бажаргандан кейин тўхтатилади. Бу моделга мисол қилиб Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланмаган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги, солиқлар ва экология ҳақида ўтказиладиган ҳар хил ўқув курсларини келтириш мумкин.

### 3.1.3. Масофавий таълим технологиялари таҳлили

**Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари** – танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш услублари мажмуасидир.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-бирдан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- • географик шартлар (масалан, мамлакат ҳудуди, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- • мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- • коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- • таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
- • таълимда қўлланиладиган анъаналар;
- • масофавий ўқитиш тизими учун илмий- педагог кадрларнинг мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Масофавий таълим асосан қуйидаги технологиялар ёрдамида амалга оширилади:

**Репродуктив технологиялар.** Репродуктив технологиялар ўқув материалларини тарқатиш орқали амалга оширилади. Технологиянинг асосий мақсади – ўқув-методик материалларни ўқувчига жўнатиш. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади.

**Интерактив технологиялар.** Масофавий таълимнинг ушбу технологияси яқка шахсга йўналтирилган ўқитиш моделига асосланган. Интерактив технологияга мисол тариқасида Кейс технологияларини келтириш мумкин. Бунда тармоқда ўқиётганларга маълум фан бўйича тўлиқ ўқув-услубий материаллар (ўқув дастурлари, ўқув материаллари, ўз-ўзини текшириш топшириқлари ва б.) етказиб берилди, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади.

**Биргаликдаги таълим технологиялари.** Мазкур технологияда ўқиш кичик ўқув гуруҳларида олиб борилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида кўп функцияли, жамоавий фойдаланиладиган, ахборотни жўнатиш техник воситалари ёрдамида виртуал муҳит яратилади. Ўқувчиларнинг жамоавий ҳаракати ўқитувчи назорати остида бўлади.

**Технологик платформалар.** Масофавий таълим платформалари дейилганда, масофавий таълим хизматига қаратилган ўқув жараёнини бошқариш ва амалга оширишни ўз ичига олган дастурий-техник воситалар мажмуи тушунилади. Бугунги кунда масофавий таълим технологик платформалари “ТВ-технология”, “Кейс технология”, “Тармоқ технология” кўринишида амалга оширилмоқда.

**Телекоммуникацион (ТВ) технология.** ТВ-технологияда ўқувчиларга ўқув-услубий материалларни етказиш ва доимий ўқитувчи-тўтор маслаҳатини ташкиллаштириш мақсадида телевидение тизимидан фойдаланиш кўзда тутилади. Телевидение ва телекўприклардан фойдаланиб “жонли” машғулотлар ташкил этиш мумкин.

**Кейс-технологиялари.** Кейс технологиялари матн, аудиоқўринишли ва мултимедиа ўқув –услубий материаллар тўплами (кейслар)дан фойдаланиш ва ўқувчиларга мустақил ўрганишлари учун ўқитувчи-тўтор томонидан доимий маслаҳатларни беришга асосланган.

**Тармоқ технологиялари.** Тармоқ технологиялари, телекоммуникация тармоқларидан ўқитувчи ва ўқувчи билан ўзаро боғлиқдаги ҳар хил интерактив даражали ва ўқувчиларни ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш учун қўлланилади. Тармоқ технологиялари асинхрон ва синхрон турларга бўлинади.

**Асинхрон тармоқ технологиялари.** Ҳозирги кунда таълим тизимимизда кўпроқ асинхрон технологияларнинг икки гуруҳидан фойдаланилмоқда:

- **Computer-Based training (CBT)** – турли даражали

интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар воситасидаги мустақил таълим.

- **Web-Based training (WBT)**- турли даражали

интерактивликдаги компьютер ўргатувчи дастурлар асосидаги мустақил ва жамоавий таълим.

**Синхрон тармоқ технологиялари.** Замонавий масофавий таълим технологияси бўлиб, бунда таълим иштирокчилари ўқув жараёнида бир-биридан узоқ ҳудудда жойлашган бўлади. Синхрон технологиялар видеоконференция воситалари ва биргаликда ишлаш кўшимча жиҳозларидан фойдаланган ҳолда виртуал синфлар яратишга асосланган. Синхрон технологиялар бир вақтнинг ўзида виртуал синфдаги барча ўқувчиларнинг қатнашишларини талаб қилади ва бир машғулот давомида ўқитишнинг турли моделларини бирга қўшиб олиб бориш имкониётини яратади.

Масофавий таълимнинг асосий технологиялариқуйидаги икки гуруҳга ажратмиш мумкин:

**ИНТЕРАКТИВ технологиялар:**

- Интернет масофавий таълим портали.
- Видео ва аудио конференциялар.
- Электрон почта орқали таълим.
- Интернет орқали мустақил таълим олиш.
- Масофадан бошқариш тизимлари.
- Онлайн стимулятор ва ўқув дастурлари.
- Тест топшириш тизимлари.

**ИНТЕРАКТИВ бўлмаган технологиялар:**

- Видео, аудио ва босма ҳолда чоп этилган материаллар.
- Телевизион ва радио кўрсатувлар.
- Дискларда жойлашган дастурлар.

**Видео ва аудио конференциялар** - бу Интернет ва бошқа телекоммуникацион алоқа каналлари ёрдамида иккита, узоқлашган аудиторияларни телекоммуникацион технологиялар орқали бир- бири билан боғлаб таълимни ташкил этиш йўли. Лекин, видео ва аудио конференциялар учун катта ҳажмда махсус техника, юқори тезликга эга бўлган алоқа канали ва ўқитишни ташкил қилиш учун хизмат кўрсатувчи мутахассисларни жалб этиш зарур бўлади.

**Интернет орқали мустақил таълим олиш** - бу кўпгина Интернет сайтларида жойлашган катта ҳажмдаги маълумотлар устида мустақил равишда ишлаш ва янги билимлар олиш йўли.

**Электрон почта орқали таълим** эса энг оммавий Интернет хизматларидан фойдаланиб, талаба ва ўқитувчи ўртасида хатлар орқали мулоқот ўрнатиб таълим олиш йўли. У ёрдамида ҳар хил тест, топшириқ, савол-жавоб ва кўрсатмаларни (матн, графика, мультимедия, дастурлар ва бошқа кўринишларда) жўнатиб қабул қилишимиз мумкин.

**Узоқдан бошқариш тизимлари** - мураккаб дастур, тизим ва ускуналарни реал ҳолатда бошқариш ва уларда ишлаш имкониётларини яратувчи махсус тизимлар ёрдамида билим олиш йўли. Узоқдан бошқариш тизимларнинг асосий вазифаси талабага фақатгина амалий билимларни беришдан иборатдир.

**Стимулятор, электрон дарсликлар ва ўқув дастурлар** - бу асосан назарий ва амалий билимларни компьютер дастурлари орқали талабаларга он-лайн ҳолатида узатиш йўли. Стимулятор ва электрон дасрликлар ҳозирги кунда таълим соҳасида жуда кенг қўлланиляпти.

**Тест топшириш тизимлари** - бу махсус дастурлар ёрдамида талабаларнинг амалий ва назарий билимларини текшириб, баҳолашда фойдаланилади.

**Интернетнинг масофавий таълим портали** бу махсус Интернет сайтлар (он-лайн ресурслар). Ушбу сайтларнинг асосий вазифаси - таълим жараёнини ташкил қилиш ёки талаба ва ўқитувчи ўртасида электрон он-лайн мулоқотни ўрнатиш, ўқитувчиларга ўқув

материалларини сайтга киритиш, талабаларга ушбу маълумотлар устида ишлашга ҳамда бошқа масофавий таълим сервисларидан фойдаланишга имконият яратишдан иборатдир..

### **3.1.4.Масофавий таълим технологиясини танлаш ва масофавий таълимда ўқув жараёни**

Технологиянинг ҳаммабоп эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги уни танлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. У асосан танланган гуруҳ таркиби ва ўқув муҳитига (фойдаланувчи жойлашган жой: уй, иш жойи, университет, ўқув маркази) боғлиқ бўлади. Шу сабабли, ўқув гуруҳининг барча аъзолари учун технология қулай бўлиши, фойдаланувчилардан қўшимча воситалар талаб этмаслиги зарур.

Масофавий таълим технологиясини танлашда Бейтснинг куйидаги 12 та олтин қоидага амал қилиш талаб этилади:


- яхши таълим бериш кўп маънони англатади;
- ҳар қандай технологиянинг жалб этувчи ўз ижобий томонлари мавжуд;
- таълим технологиялари мослашувчан;
- супер-технология мавжуд эмас;
- ўқитувчи учун барча воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминланг;
- барча турдаги иқтисодий омиллар билан боғланиши зарур;
- ўзаро алоқа ва мулоқат аҳамиятли;
- талабалар сони – энг асосий омил;
- янги технология эски технологиядан яхши бўлиши шарт эмас;
- ўқитувчидан янги технологиядан янада самарали фойдаланиши учун тренинг талаб

этилади;

- команданинг мавжудлиги зарур;
- технология –муаммо эмас.

Масофавий таълимни ташкил этиш курс вазифасини шакллантириш, белгиланган мақсадга жавоб берувчи услубиёт ва технологияни танлаш ҳамда куйидаги турли хил ўқув вазиятларни яратишдан бошланиши лозим:

- ҳамкорлик педагогикаси;
- анъанавий ўқитиш;
- ўқув топшириқлари ва амалиёт;
- интерактив баҳслар;
- моделлаштириш;
- намоиш этиш;
- янгилик киритиш;
- ўйинлар; масала ва муоммоларни ечиш;
- мураббийлик.



### 11-Расм. Масофавий таълимда ўқув жараёни

Интернет асосида масофавий таълимни ташкил этиш жуда катта режалаштириш ишлари ва тайёргарликни талаб этади. Айниқса бундай ўқув шаклида ўқув материаллари ва дастурларини тайёрлаш МТнинг асосий компоненти ҳисобланади.

#### 1-жадвал

#### Интернет ёрдамидаги масофавий таълим тавсифномаси

Вақт чегарасининг бўлмаслиги	Почта хоҳлаган қулай вақтда олиниши ва ўқилиши мумкин. Талаба ва ўқитувчи қатъий дарс жадвалисиз ўзаро боғланиши мумкин.
Масофа чегарасининг бўлмаслиги	Материаллар хоҳлаган жойга юборилиши ва олиниши мумкин.
Синхрон ўқитиш	Ўқитувчи ва талабани бир вақтда ўқув жараёнида қатнашиши таъминлаган диалогли ўқув шакли.
Асинхрон ўқитиш	Ўқитувчи ва талабани бир вақтда ўқув жараёнида қатнашишини талаб этмайдиган диалогли ўқув шакли.
Чизикли ва ночизик ўқув шакллари	Ўқиш ўқитувчи томонидан ёки талаба томонидан ташкил этилиши мумкин. Матнли ёки гиперматнли ўқиш шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


#### 3.1.5.Масофавий таълимни ташкил этишнинг асосий принциплари

Масофавий таълим асосида ўқитиш тизимини ташкил этишда қуйидаги асосий принципларни ҳисобга олиш талаб этилади:

★ масофавий таълим ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик йўналишнинг устуворлигини таъминлаш. Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, масофавий таълим асосида ўқитиш тизимини лойиҳалашда биринчи навбатда таълим жараёнининг дидактик моделини ишлаб чиқилиб, лойиҳанинг педагогик томони устувор ҳисобланса самарали бўлади;

★ қўлланиладиган янги информацион технологияларни педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлик принципи;

- ✳ таълим мазмунини танлаш принципи, яъни масофавий таълимдаги ўқув курслари ва фанлар мазмунини ДТС талабларига мос келиши;
- ✳ масофавий таълимда узатиладиган ёки олинладиган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш принципи;
- ✳ бошланғич билим даражасининг бўлиши шартлиги принципи;
- ✳ ўқитиш технологиясининг мос келиш принципи;
- ✳ ўқитишни мобил характерда бўлиш принципи;
- ✳ масофавий таълимни мавжуд анъанавий таълим шаклига қарши бўлмаслик принципи.



12-Расм. Масофавий таълим курси намунавий таркиби

### 3.1.6. Масофавий таълимни ташкил этиш шакллари

**Чат-машғулотлар** – чат технологиялар асосида амалга ошириладиган ўқув машғулотли. Чат машғулотлар синхрон амалга оширилади, яъни барча қатнашувчилар чатга бир вақтда қирадилар. Бунинг учун масофавий ўқув маркази(юрти) да чат кабинетлар ташкил этилади.

**Веб-машғулотлар** – телекоммуникация ва бошқа воситалар ёрдамида анжуман, семинар, иш ўйинлари, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар шаклида амалга ошириладиган масофавий машғулотлар. Веб-машғулотлар учун махсус таълим веб-форумларидан фойдаланилади. Ушбу ўқув шаклининг чат-машғулотлардан фарқи, машғулотлар асинхрон шаклда амалга оширилади, яъни фойдаланувчилар ўз маълумотларини ёзиб қолдиришади. Бунда талаба ва педагог ўртасидаги ўзаро мулоқат узок муддатда бўлиши мумкин.

**Телеконференция** – электрон почта ёрдамида маълумот ва ахборотларни юбориш орқали амалга оширилади. Бундай ўқитиш тизими “Ўқитишнинг табиий жараёни”, (“Natural Learning Manner”) деб ном олган.

**Телеқатнашув.** Бунга R.Bot 100 робот ёрдамида масофавий таълимда иштирок этишни мисол қилиш мумкин. Масалан, Москва шаҳри мактабларида ушбу робот ёрдамида ногирон болаларни масофавий таълим асосида ўқитиш тажриба сифатида амалга оширилмоқда. Ногирон талаба уйда компьютер ёнида туриб робот ёрдамида эшитиб, кўриб, гаплашиб билим олади. Ўқитувчи саволлар беради, у жавоб беради. Худди шунингдек робот монитори ёрдамида ўқитувчи ҳам талабани кўриб туради ва талабада гуё ўз тенгдошлари орасида аудиторияда ўтиргандек таасурот уйғонади. Танаффусда у ўз тенгдошлари билан мулоқат қилиши ҳам мумкин.

### 3.1.7. Масофавий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш босқичлари

Масофавий таълимда ўқув жараёнинин ташкил этиш қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилиши мумкин:

➤ **Курс мақсадларини аниқлаш.** Қайси билимларни (мавзулар, фан ва б. ) бериш ва кимларни ўқитиш кераклиги аниқланади.



➤ **Ўқитиш услубларини танлаш.** Ўқув жараёни давомида билимлар ва кўникмалар даражасининг диагностикасини амалга ошириш ҳамда текшириш манбалари ва усулларини аниқлаш керак.

➤ **Ўқув материалига услубий талабларни ишлаб чиқиш.** Янги билимларни бериш усулларини ва ҳажмларни аниқлаш керак.

➤ **Дарс жадвалини ишлаб чиқиш.** Бутун курсни бир нечта модулларга бўлиш, ҳар бир модул тугагандан кейин талаба қандай билимларга эга бўлиши кераклигини аниқлаш лозим.

➤ **Ўқув жараёни мониторингини ташкил этиш.**

➤ **Текширув жараёнларини режалаштириш,**

➤ **Талабаларнинг мустақил ишларини режалаштириш,**

➤ **Ўқув жараёни натижаларини олдиндан баҳолаш;**

➤ **Натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий таъминоти.**



13-Расм. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлари

### 3.1.8. Масофавий таълимни жараёнида қатнашувчи ходимлар таркиби

Масофавий таълимни ташкил этишда бевосита турли тоифадаги ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва дастурий таъминот гуруҳи талаб этилади. Масофавий таълим жараёнини ташкил этувчиларни қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

- ★ масофавий курс муаллифи;
- ★ услубчи;
- ★ ўқитувчи (тьютор, координатор);
- ★ администратор;
- ★ ҳужжат юритувчи;
- ★ телекоммуникация ва дастурий таъминот гуруҳи.

**Муаллиф** - масофавий курсни яратувчи, уни янгиловчи ва таҳрирловчи шахс.

**Услубчи** - масофавий курс муаллифига маслаҳатлар берувчи ва курсни таҳрирловчи шахс.

**Ўқитувчи** - талабалар билан ўқиш жараёнида мулоқотда бўлувчи ва уларга ёрдам берувчи ҳамда уларнинг билимларини текширувчи шахс.

**Рухшунос** - ўқиш жараёнининг психологик мониторингни ташкил қилувчи шахс.

**Администратор** - талабаларни қабул қилиш ва ўқишдан четлаштириш масалаларини ҳал қилувчи ва ўқув жараёнига малакали ўқитувчиларни жалб қилувчи шахс.



**Ҳужжат юритувчи**- ҳужжатлар билан ишловчи шахс.

**Телекоммуникация ва дастурий таъминот гуруҳи** -дастурлар ва телекоммуникация ресурслари ишини таъминловчи шахслар.

### 3.1.9.Масофавий таълим маълумотлар базалари

**LearningSpace** – ўқитувчи иштирокида ҳар бир талабага алоҳида йўл йўриқ бериш таъминланган ва гуруҳий ишлаш учун виртуал майдон яратилган модел асосида ишлайди. Тажрибаларнинг кўрсатишича энг юқори натижа ўқитувчи раҳбарлигидаги гуруҳларда қайд этилган. Бешта махсус маълумотлар базаси Lotus Notes талабаларга масалаларни ечиш, муҳокама қилиш ва машғулотларда иштирок этишга имконият яратади.

**Schedule** маълумотлар базаси тизимнинг марказий модели ҳисобланиб, ўқув курси мазмуни, дастури ва машғулот мақсадини ёритиб беради. Талабаларга ўқув материаллари ва масалаларни кўришга, тестларда иштирок этишга, масалаларни ечишга ва тадқиқотлар ўтказишга имконият яратади. **Schedule** маълумотлар базаси ўқитувчи томонидан тузилган ўқув курси таркибини ёритади.

**MediaCenter** маълумотлар базаси мақолалар, янгиликлар, китоб бўлимлари, реферат ва маълумотларни сақлаш учун хизмат қилади. У орқали World Wide Web сетига ва бошқа маълумотлар ташқи манбаларига кириш мумкин. **MediaCenter** бошқа кўшимча маълумотларни ҳам сақлашга имкон беради, жумладан талаба ўзининг шахсий имкониятлари ҳамда қобилиятларидан келиб чиқиб, мустақил изланишлар олиб бориши ҳам мумкин.

**CourseRoom** маълумотлар базаси интерактив муҳитни яратади ва талабага бошқа талабалар ҳамда ўқитувчи билан баҳс юритишга, биргаликда масалаларни ечишга, топшириқларни бажаришга имконият яратади.

**Profiles** маълумотлар базаси талабалар ва ўқитувчилар тўғрисидаги ҳамда мулоқат учун зарур маълумотларни (манзил, телефон номери ва б.), расмларни ва ўқув курсининг бориши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бунда талабалар ўзаро виртуал учрашишлари ҳам мумкин.

**Assessment Manager** маълумотлар базаси ёрдамида ўқитувчи ҳар бир талабанинг ишини баҳолайди ва натижасини талабага етказди. Назорат ишлари, оралиқ ва якуний назоратлар материаллари талабаларга **Schedule** маълумотлар базаси ёрдамида етказилади, назоратларнинг бажарилиши текширилиб, натижаси электрон почта орқали **Assessment Manager** маълумотлар базасига узатилади.

### 3.1.10.Масофавий таълимнинг дастурий таъминотлари

Масофавий таълимнинг сифати унинг дастурий таъминоти ва ўқув материалларининг мазмунига ҳам боғлиқдир.

Дастурий маҳсулотнинг асосий кўрсаткичларига унинг функционал имкониятлари, ишончилиги, амалийлиги, мобиллиги кабилар кирази. Функционал имкониятлар дастурнинг функционал яроқлилиги, **корректлилиги**, ўзаро мулоқатга қобилияти орқали баҳоланса, ишончилилик хато ва носозликларга чидамлилиги, қайта тикланиш қобилияти билан аниқланади. Амалийлиги тузилишининг соддалиги, фойдаланишда қулайлиги, тушунарли ва эркин бошқариш имкониятлари билан, мобиллиги мослашувчанлиги, ўрнатишни соддалиги, ўрин алмашувчанлиги билан баҳоланади.

Кенг тарқалган масофавий ўқитиш тизимларига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- ★ **Прометай**
- ★ **WebTutor**
- ★ **STELLUS**
- ★ **RtadClass**

“Прометай” (версия-4) рус тилида фаолият юритадиган масофавий таълим тизими. Прометай тизими талабалар билимини синашга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўлиқ циклли масофавий ўқитишни ташкил этишга мўлжалланган. Прометай корпоратив ёки Интернет

тизимларида масофавий ўқитиш ҳамда анъанавий ўқитиш шаклида қўшимча восита сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тизимда қуйидаги автоматлашган функциялар амалга оширилади:

- ★ ўқув жараёнини бошқариш;
- ★ таълим ресурслари ва уни бошқариш тизимига кириш

хуқуқини тақсимлаш;

- ★ таълим жараёни қатнашчилари мулоқатини чегаралаш;
- ★ ўқув комплекси фойдаланувчиларининг фаоллигини қайд

этиш;

- ★ журнални юритиш;
- ★ Интернет, корпоратив ва локал тармоқлар орқали
- ★ ўқитиш ва баҳолаш.

“Прометай” тизими юқоридагилардан ташқари қуйидаги кичик тизимларга ҳам эгадир:

- қайд этиш тизими;
- буюртмалар тизими;
- тўловлар тизими;
- гуруҳларни бошқариш тизими;
- ўқув материаллари кутубхонаси тизими;
- календар режа тизими;
- тест синови( баҳолаш) тизими;
- ахборотларни алмашиш тизими;
- маъмурият тизими;
- мультимедиа-сервер тизими;
- ҳисоботлар тизими;
- тестлар дизайнери;
- фойдаланувчи интерфейси.

“Прометай” масофавий ўқитиш тизими бутун ўқув жараёнини автоматлаштириш имкониятини беради ва масофавий ўқитиш сифатини баҳоловчи қуйидаги мезонлар талабига тўлиқ жавоб беради:

- ҳар бир фан бўйича ўқув режаларининг мавжудлиги, календар режа билан танишиш имконияти;
- ҳар бир фан бўйича тармоқ дастурларини мавжудлиги;
- тармоқ ўқув адабиётларини шакллантириш учун воситалар ва тест топшириқлари учун дизайнерларни мавжудлиги;
- талабалар (тингловчилар) ва ўқитувчилар (түторлар)ни ўзаро мулоқати учун қулайликлар;
- тизим билан ишлаш учун қулай ва тушунарли интерфейс ва б.

**WebTutor** масофавий ўқитиш тизимини ва корпоратив

ўқитиш порталини ташкил этиш учун ишлатилади ва қуйидаги модуллардан ташкил топган:

- ★ масофавий ўқитишни ташкил этиш модули;
- ★ ўқув курслари редактори;
- ★ интерактив топшириқлар редактори;
- ★ назорат саволлари (тест) редактори ;
- ★ ўқув порталини бошқариш модули;
- ★ порталнинг ахборот материаллари редактори;
- ★ ташкилий таркиб омбори;
- ★ бошқариш;
- ★ корпоратив билан алмашилиш учун шлюз;
- ★ ходимни ҳисобга олиш тизимидан маълумотларни юклаш;

- ✳️ Aktive Direktory, Dimino Direktoriy, LDAP билан интеграциялашув;
- ✳️ маълумотлар омборига маълумотларни юбориш.
- ✳️

**WebTutor** дастурий таъминоти асосида ишчи-ходимлар ягона локаль тармоқда ишловчи ҳамда тармоқ инфраструктураси бўйича тарқалган компанияларда масофавий таълимни ташкил этиш учун фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда **WebTutor** дастурий таъминоти 2 та технологик платформада ишлатилади:

1. Mikrosoft (маълумотларни сақлаш учун СУБД ва XML формати ишлатилиши мумкин).
2. Lotus Domino

Ушбу дастурий таъминот масофавий таълим сифатини белгиловчи барча мезонларга жавоб беради, масофавий ўқитишни ташкил этишнинг кенг имкониятларига эга, тест синовлари механизми ривожланган ва ўқув материалларини таҳрирлаш имконияти мавжуд тизимдир.

**STELLUS** кўп функцияли, Web-технология асосида тузилган, очик таълим учун дастурий таъминотнинг модулли комплексига эга тизимдир.

**STELLUS** барча ўқув юртлири, жумладан мактаблардан университетларгача, малака ошириш курсларидан корпоратив ўқув марказларигача тезкор қўллаш имкониятига эга. Талабалар Интернет ёки корпоратив тармоққа жойлаштирилган ўқув курслари ва тест топшириқларига стандарт Web-браузер (IE 5,5 ва ундан юқори) дан фойдаланиб рухсат олишади.

**STELLUS** қуйидагиларга имконият яратади;

- ўқув материаллари ва тест топшириқларини тайёрлаш;
- ўқув жараёнини бошқариш( шахсий ёки гуруҳий дарс жадвали тузиш);
- ўқув юкламасини режалаштириш;
- автоматик ёки ярим автоматик режимда тест ва бошқа назоратларни ўтказиш кетма-кетлигини таъминлаш;

- таҳлил учун статистик ҳисоботлар олиш.

Ўқув жараёни доирасидаги барча ҳолатлар маълумотлар базасида қайд этилади. Бу маълумотлардан статистик таҳлиллар учун фойдаланилади.

**REDKLASS 2.1.** версиядаги масофавий таълим тренинги –дастурий-аппаратлар воситалари, ўқув материаллари ва ўқитиш услуги комплекти бўлиб масофавий ўқиш, малака ошириш, инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ўз билимини синаш ҳамда дастурий маҳсулотлар, жиҳоз ва технологиялардан фойдаланиш ва бошқариш бўйича амалий билимлар олиш учун фойдаланилади.

Масофавий тренинг асосида топшириқларни бажаришда СДТ **REDKLASS** қуйидаги воситаларга эга:

Машқларни эмуляциялаш муҳити тингловчиларни тизим билан ишлаш, билимини шакллантириш ва текшириш имкониятини беради ва махсус интерфейсга эга.

Машқлар конструктори турли хил ва босқичма-босқич машқларни тузиш ҳамда фойдаланувчининг ҳаракатини баҳолашнинг турли тизимларини ўз ичига олади.

Виртуал лабораториялар фойдаланувчига реал дастурий-аппарат билан ишлашга имконият яратади. Барча жиҳозлар ўқув марказда жойлашган бўлади, талабалар ўзларининг иш жойларидан туриб дастурга киришга рухсат олишади.

Электрон адабиёт мультимедиа материалларни фойдаланувчининг иш жойига етказиш учун хизмат қилади.

Тестлаш тизими тингловчилар билимини синовдан ўтказиш учун хизмат қилади.

Ўқув жараёнини бошқариш тизими ўқув жараёнини ташкил этиш, курс каталогини бошқариш, тизимдан фойдаланувчилар ва уларнинг тизимга кириш ҳуқуқлари, ҳисобот, тизимли каталог (ўқиш режими, ташқи ресурслар, ўқув курсини ташкил этиш услуги ва б.) ни юритиш имконини беради.

### **3.1.11.Масофавий таълимни бошқариш тизимлари**

Moodle  
ILIAS  
aTutor  
Blackboard Learning System  
CCNet  
Chamilo  
Claroline  
Desire2Learn  
Dokeos  
eCollege  
eFront  
HotChalk  
Jackson Creek Software  
JoomlaLMS  
Learn.com  
Meridian KSI  
Saba Learning Suite  
Sakai Project  
SharePointLMS  
Spiral Universe  
Thinking Cap  
TotalLMS  
AcademLive  
LAMS — MoodleDocs  
Образовательное программное обеспечение  
SCORM — стандарт, разработанный для систем дистанционного обучения.  
ACU, АСУ ВУЗ

### **3.2. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш**

#### **3.2.1. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш технологиясини лойиҳалаш**

Ҳар қандай олий ўқув юртида масофавий таълимни жорий этиш мураккаб жараён бўлиб асосан куйидагиларни талаб этади:

1.Профессор-ўқитувчилар таркибини янги технологияларни тадбиқ этишга маънавий-руҳий тайёрлаш.

2.Профессор-ўқитувчилар таркибини компьютер саводхонлиги, Интернет, янги ахборот технологиялари (MS Word, PP, Excel, IE) бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш.

3. Олий ўқув юрти ички ҳуқуқий-меъёрий ва регламентловчи базасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва МТ ни амалга ошириш.

4. Масофавий таълим тизимини, электрон курсларни сотиб олиш ёки яратиш масалаларини ҳал қилиш.



**14-Расм. ОТМ да масофавий таълимни ташкил этиш схемаси**

Олий ўқув юртларида, жумладан ТАТУ Қарши филиалида масофавий таълимни тўғридан-тўғри, бирдан ҳеч қандай олдиндан тайёргарлик ишларисиз ташкил этиб бўлмайди. Шу сабабли Интернет технология асосида масофавий таълимни ташкил этишда ҳар қандай олий ўқув юрти олдида масофавий таълим элементларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича эришилган амалдаги тажрибалар асосида ривожланган давлатларда қўлланиладиган МТ тизимидан фарқли куйидагича аниқ вазифалар кўйилмоғи лозим:

1.Талаба ва ўқитувчи ўртасидаги реал боғланиш вақтини ошириш.

2.Ҳар бир талаба (талаба) билан индивидуаль ишлаш вақтини кўпайтириш. Бунда МТ талабаларининг кўпчилигини ёши камида 25 ёшдан юқори бўлишини ҳисобга олиб, ўқитувчидан катта ёшдагиларни ўқитиш бўйича алоҳида малака талаб этилишини ҳисобга олиш зарур.

3.Талабаларни ўзаро мулоқатидаги ўқув муҳитини яратиш.

4.Масофавий таълимда маънавий-маърифий, ахлоқий- тарбиявий масаларни тўғри ҳал этиш, яъни таълимни тарбиядан узилиб қолишига йўл қўймаслик зарур. *(Эътиборга олиш лозимки, кўпгина чет эл олий ўқув юртларида таълим тарбия билан қўшиб олиб борилмайди, биринчи навбатда таълимга кўпроқ аҳамият қаратишади.)*

Олий таълим муассасасида ташкил этиладиган масофавий таълим аниқ ўз мақсад ва вазифасига эга бўлиб, у биринчи навбатда компьютер саводхонлиги, Интернет ва ахборот технологиялари бўйича кундузги шаклда билим олиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли қатлами учун мўлжалланиши зарур.

Лойиҳанинг асосий хусусияти шундаки, таълим жараёнида талаба ва ўқитувчи ўртасида ўзаро боғланиш вақти минимал даражагача камайтиради. Ташкил этиладиган “Виртуал университет” кундузги таълим шакли ўқув жараёнидаги кўпгина жараёнларни янги технологик платформалар ёрдамида қўллаш имконини беради. Талабани ҳар куни ўқитувчи билан самарали боғланиш имконияти яратилади ва бунда ўқитувчини талаба билан кундузги таълим ўқув аудиториясига нисбатан ҳам юқори даражада индивидуал ишлаши таъминланади.

Тавсия этиладиган масофавий таълим тизимида ўқитишнинг классик маърузавий шакли кам самарали бўлганлиги сабабли, анъанавий ўқув шаклидаги маъруза машғулотларидан фойдаланилмайди, улар электрон шаклдаги матнли ўқув материаллари билан алмаштиради. Ўқитувчи билан боғланиш электрон ўқув синфлари ва конференция(чат)лар орқали таъминланади. Бунда ўқитувчи талабанинг ўқув ишини унга мавзу бўйича йўлланма ва маслаҳатлар бериб ташкил этади.

Ўқув натижаларини назорат қилиш катта ҳажмдаги тест материаллари асосида амалга оширилади, яъни талаба “репетитор” режимига ўтиб ўз билимини текшириши мумкин.

Тавсия этиладиган масофавий ўқитиш лойиҳаси таълим иштирокчилари - талаба, ўқитувчи ва ёрдамчи ходимлардан махсус воситалардан ёки дастурий таъминотдан фойдаланишни талаб этмайди. Барча ўқув жараёни Интернет тармоғи воситалари асосида амалга оширилади. Ўқув жараёнида иштирок этиш учун стандарт дастурий таъминотнинг энг охирги варианты бўлиши ҳам шарт эмас (минимум Windows 98, кенг ишлатиладиган дастур Internet Explorer 5,5 версияси).

### **Ўқув муҳити асосан 2 қисмдан иборат бўлади:**

1. Ташқи – масофавий Интернетда ўқиш тўғрисидаги барча маълумотлар (ўқув дастурлари, дарс жадвали, ўқиш харажатлари, руйхатга олиш тартиби ва б.) берилган ва барча Интернетдан фойдаланувчилар учун рухсат этилган “Интернетда-ўқиш” сайтини яратиш.

2. Ички- ўқув жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган барча воситалар мажмуига эга Интернет-илова –“Виртуал университет”ни ташкил этиш.

Ўқув муҳитига бевосита кириш автоматлаштирилган: ҳар бир талаба (фойдаланувчи) ўз фамилияси ва исми бўйича ишлайди ва фойдаланувчининг ўқув жараёнидаги барча ҳаракатлари (эълон қилинган хабарлари, бошқа иштирокчилар хабарларини кўриши ва б) кайд этиб борилади. Ҳар бир фойдаланувчи ўз расми ёпиштирилган визит карточкасига эга бўлади ва унда ўзи тўғрисидаги барча маълумотларни кўрсатади. Визит карточкаси барча қатнашчилар учун рухсат этилган бўлади, фойдаланувчи расми унинг ҳар бир хабарида жойлаштирилади.

Дастлаб масофавий таълим тизимига кириш ва ўқишга қабул қилишда фойдаланувчи билан ўқитувчи тезкор боғланади ва “Интернетда ўқиш асослари” курси бўйича танишув курси ташкил этилади. Ушбу танишув курсини масофавий ўқишга даъвогар(абитуриент)ларнинг барчаси ўтишлари шарт. Ушбу курснинг мақсади уларга масофавий ўқиш тартиб қоидалари, таълим муассасасида ўқитиш услуги тўғрисида тушунчалар бериш ҳамда ҳар бир фойдаланувчининг шахси ҳақида маълумот ва тасавурларга эга бўлишдан иборатдир.

Ҳар хил даражадаги тизимга кириш имкониятига боғлиқ ҳолда ички ўқув муҳити қуйидаги 3 секторга бўлинади:

**1-сектор-** ўқув тизимининг асосий сектори ҳисобланиб, талаба ва ўқитувчининг ўзаро алоқасини таъминлашга хизмат қилади ва унда бевосита масофавий таълим маркази (факультети) ходимлари ва ўқитувчилари томонидан назорат қилинадиган ўқув жараёни амалга оширилади.

Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги алоқа сектори ўз ўрнида 2 қисмдан иборат бўлади:

**1-қисм-** тизимга умумий киришга рухсат бўлими. Бу тизим талабаларни бир-бири, ўқитувчилар ва ходимлар билан мулоқатини таъминлайдиган ресурслар ҳисобланади. Бунда очик форум (барча қатнашчиларни мулоқат жойи) ва ўқув жараёнида юзага келадиган турли хил саволлар ва муаммоларни ҳал этиш мақсадида махсус форум -“Ўқув бўлими” мавжуддир.

**2-қисм** – фан бўйича ўқув кабинетларига ўхшаш ресурслар бўлими. Ҳар бир талаба фақат айни вақтда ўз гуруҳидаги дарс жадвалига мувофиқ қайси фанни ўрганаётган бўлса ушбу фан кабинетига киришга рухсат олади. Фан кабинетларига фан ўқитувчиси, ушбу гуруҳ талабалари ва факультет ходимлари кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Кабинет алоҳида Интернет-саҳифадан иборат бўлиб унда фанни ўрганиш бўйича барча ўқув материаллари (электрон адабиётлар, виртуаль лабораториялар, тестлар, назорат саволлари, ўқув режаси, талабанинг синов дафтарчаси ва б.) жойлаштирилади. Шунингдек, ушбу фандан ўқув машғулоти ўтиладиган алоҳида форум ва Интернет-чат принципи асосида ташкил этилган конференц-зал мавжуд бўлади.

Ҳар бир фан бўйича ўқув машғулоти зич график асосида олиб борилади. Фан модулли тизим асосида маълум кетма-кетлик бўйича ўрганилади. Талаба ҳар бир мавзу бўйича

Ўқитувчи томонидан қўйилган саволларни асинхрон режимда ўз жавобларини форум кабинетга хабар орқали жўнатиб ҳамда синхрон режимда чат-технология асосида ташкил этиладиган реал форумда муҳокама қилади. Ҳар бир талаба яширин режимда фан бўйича назорат саволларига жавоб беради ва мавзунини ўзлаштириш бўйича аттестациядан (ЖБ) ўтади. Жавоб натижаларини фақат ўқитувчи кўради. Ўқитувчи ҳар бир талаба билан шахсан боғланиб, унинг жавобларини баҳолайди, унга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беради.


**2-сектор** – ўқитувчиларни ўзаро алоқада бўлиши учун яратилган. Масофавий таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчилар турли хил олий ўқув юртларидан ёки ишлаб чиқаришдан ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли ушбу бўлим ўқитувчиларни курс мазмунини такомиллаштириш, ўқув дастурлари тузиш, ўқув ва услубий масалалар бўйича ўзаро маслаҳатлар олиш мақсадида бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишларини таъминлайди.

**3-сектор**- масофавий таълим маркази (факультети) ходимларини ўзаро алоқасини таъминлайди. Бундай алоҳида масофавий алоқанинг ташкил этилиши ўқув жараёнида юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш, ўзаро тарқоқ жойлашган ходимларни турли муаммоли саволларни муҳокама қилиш ва муаммо бўйича жамоавий қарор қабул қилиш орқали ўқув жараёни узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Тизим ичидаги алоқа талабаларни турли хил ҳудудлар бўйича жойлашганлигини ҳисобга олиб, кеча-кундуз давомида ишлаши йўлга қўйилиши зарур.



**15-Расм. Масофавий таълим асосида фанни ўзлаштириш алгоритмик схемаси**





16- расм. Ўқув жараёнини ташкил этиш кетма-кетлиги

### 3.2.2. OTMда масофавий таълимни ташкил этиш учун тавсия этиладиган стандарт ва дастурий таъминот

Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш учун **SCORM (Sharable Content Object Reference Model)** тавсия этилади.

**SCORM** спецификация ва стандартлар тўплами бўлиб, масофавий таълим тизими учун ишлаб чиқилган ва у масофавий таълим ҳамда унинг ўқув материалларини ташкил этишга бўлган талабларни ўз ичига олади. **SCORM** компонентларни биргаликда ва бир неча марта ишлашнинг таъминлайди. Унда ўқув материаллари унча катта бўлмаган блоклар тарзида ташкил этилган. Шу сабабли, масофавий таълим тизимини ким томонидан, қачон ва қаерда, қандай воситалар ёрдамида яратилганидан қатъий назар қўллашга имкон беради. **SCORM XML** стандартига асосланган.

**ADL (Advanced Distributed Learning)** ташаббус гуруҳи 1999 йил **SCORM**ни яратиш бўйича иш бошлаган. Ушбуни яратишда асос қилиб AICC ташкилоти томонидан 1999 йил сентябрда яратилган «**SMI001 — Guidelines for Interoperability**» нинг 3-версияси олинган. Бунга ўқитишни бошқаришнинг компьютер тизими (англ. Computer Managed Instruction, CMI) ва унда фойдаланиладиган ўқув материаллари блоки (англ. Assignable Unit, AU) киритилган. AU ва CMIнинг ўзаро таъсири тармоқ файлларини ўқиш/ёзиш орқали (SMI001 v1.0, 1993 йили яратилган), ёки RTTP протоколи ёрдамида (SMI001 v2.0, 1998 йили яратилган) ёки Javascript API (v3.0, 1999 йил) амалга оширилади. Электрон курс элементларини ёзиш учун CSV форматидаги SMI001 матн файлларидан фойдаланилади. Спецификациянинг 2 қисми (AICC ва SMI001) (узатиладиган маълумотлар модели ва Javascript орқали ўзаро таъсир тавсифи) ADL гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган SCORM RTE (Run-Time Environment) таркибига киритилган.

2004 йили SCORM 1,3 нинг 1-редакцияси ишлаб чиқилган. 2006 йил 3 версияси ва 2009 йил март ойида SCORM 2004 4th Edition ишлаб чиқилган.

**Content Aggregation Model (CAM)**. Стандартнинг ушбу таркибий қисми ўқув блоклари таркиби ва ўқув материаллари пакети тузилмасини ёритади. Пакет курс, машгулот, тест,

модел ва ҳоказолардан иборат бўлади. Пакет таркибига xml –файл (манифест) киритилган бўлиб, унда ўқув блокини ташкил этувчи пакет ва файллар тузилмаси баён этилган.

Пакет манифести қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мета (ўқув материаллари компоненти);
- ўқув материални ташкиллаштириш (компонентларни қандай жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш);
- ресурслар (файллар номи, пакет таркиби);
- sub-Manifest (агар жуда катта ва мураккаб тузилишга эга бўлса, битта файлни катта ҳажм билан тўлдирмаслик учун фойдаланилади).

Пакет таркибига кирувчи ўқув материаллари 2 турда бўлади:

1. **Asset**

2. **Sharable Content Object (SCO).**

**Asset** –ўқитишни бошқариш тизими сервери (LMS-сервери) билан ўзаро таъсирда бўлмайди. Бу html-саҳифа, оддий картина, овозли файл, flash-объект бўлиши мумкин.

**SCO-** ушбу элемент бевосита ўқитишни бошқариш тизими билан мулоқатда бўлади ва ўқишни бориши ҳамда натижаси тўғрисида ахборот беради, қўшимча маълумотларни олади

**SCORM пакети манифести:**

```
<?xml version="1.0" encoding="UTF-8"?>
<manifest version="1.3" identifier="8EA33DC1"
xmlns="http://www.imsglobal.org/xsd/imscp_v1p1">
<metadata>
<schema>ADL SCORM</schema>
<schemaversion>2004 4th Edition</schemaversion>
</metadata>
<organizations default="09B4C179">
<organization identifier="09B4C179" structure="hierarchical">
<title>Содержание</title>
<item identifier="7D841A9D" isvisible="true" identifierref="44D33973">
<title>Пример объекта SCO, взаимодействующего с LMS</title>
</item>
</organization>
</organizations>
<resources xmlns:adlcp="http://www.adlnet.org/xsd/adlcp_rootv1p3">
<resource identifier="44D33973" adlcp:scormType="sco" type="text/html" href="sco.htm">
<file href="sco.htm" />
</resource>
</resources>
</manifest>
```

Пакетларни тармоқ бўйлаб узатишда (масалан, ўқитишни бошқариш тизимига юклаш учун) SCORM CAM пакет таркибини zip-архивга жойлаштиради.

**Run-Time Environment (RTE).** Стандартнинг бу қисми SCO ва ўқитишни бошқариш тизимини (англ. Learning Management System, LMS) дастурий интерфейс иловаси орқали боғланишини

тавсифлайди. SCORM RTE талаби SCO ва LMSни бир-бирига мос келишини таъминлайди. Бунда SCORM стандартига мос келувчи ҳар қандай масофавий таълим тизими SCO билан ўзаро боғланишда бўлиши лозим.

LMS фойдаланувчи талаб этадиган ресурсларни етказиши, SCO ни ишга тушириши, талабанинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга ишлов бериши, SCO объектига талаб

этиладиган маълумотларни узатиш ва олинган маълумотларни сақлашни таъминлайди. Ўзаро таъсир API\_1484\_11 объекти орқали амалга оширилади.

SCОнинг ишлаш датуми: (html-саҳифаси ўқитишни бошқариш тизимидан талабанинг исмини сўрайди).

```
<html>
<head>
<script language="javascript">
function findAPI(win) { //ищем в родительских окнах объект с названием API.
var findAPIAttempts=0; //будем считать количество попыток, чтобы поиск не был
бесконечным.
while ((win.API_1484_11 == null) && (win.parent != null) && (win.parent != win)) {
findAPIAttempts++;
if (findAPIAttempts > 20) return null; //число 20 взято условно, теоретически его может и не
хватить.
win = win.parent;
}
return win.API_1484_11;
}
function getAPI() { //получаем объект API для текущего SCO.
var theAPI = findAPI(window); //сначала пробуем искать в родителях текущего окна.
if ((theAPI == null)) { //если не нашли в родителях текущего окна,
if ((window.opener != null) && (typeof(window.opener) != "undefined"))
theAPI = findAPI(window.opener); //то попробуем найти в родителях окна, открывшего
текущее.
}
return theAPI;
}
function start() { //эта функция сработает в момент открытия SCO.
var api = getAPI();
if (api!=null) {
api.Initialize("");
value=api.GetValue("cmi.learner_name"); //запрашиваем у системы имя учащегося,
document.write("Имя учащегося: "+value); //и выводим его на экран.
}
else document.write("Не удаётся подключиться к API системы.");
}
function stop() { //эта функция сработает в момент закрытия SCO.
var api = getAPI();
if (api!=null) api.Terminate("");
}
}
</script>
<title>Пример объекта SCO, взаимодействующего с LMS</title>
</head>
<body onLoad="start()" onunload="stop()">
</body>
</html>
if ((theAPI == null)) { //если не нашли в родителях текущего окна,
if ((window.opener != null) && (typeof(window.opener) != "undefined"))
theAPI = findAPI(window.opener); //то попробуем найти в родителях окна, открывшего
текущее.
}
return theAPI;
```

```

}
function start() { //эта функция сработает в момент открытия SCO.
var api = getAPI();
if (api!=null) {
api.Initialize("");
value=api.GetValue("cmi.learner_name"); //запрашиваем у системы имя учащегося,
document.write("Имя учащегося: "+value); //и выводим его на экран.
}
else document.write("Не удаётся подключиться к API системы.");
}
function stop() { //эта функция сработает в момент закрытия SCO.
var api = getAPI();
if (api!=null) api.Terminate("");
}
}
</script>
<title>Пример объекта SCO, взаимодействующего с LMS</title>
</head>
<body onLoad="start()" onunload="stop()">
</body>
</html>

```

**Sequencing and Navigation (SN).** Стандартнинг ушбу қисми талабанинг ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўқув материаллари компоненти қандай ташкил этилиши лозимлигини ёритади. SCORM SN талабага унинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини узатишни кўзда тутади.


**Conformance Requirements.** Стандартнинг ушбу қисми ADL ёрдамида текшириладиган SCORM талабларига мос келувчи талабларнинг тўлиқ руйхатини ўз ичига олади. Ўқитишни бошқариш тизими ва ўқув материаллари редактори ADLдан SCORM талабларига мослиги тўғрисида сертификат олиши мумкин.

### 3.2.3. Олий таълим муассасасида масофавий таълим асосидаги Интернет- факультет таркиби

Олий таълим муассасаларида келажакда масофавий таълимни йўлга қўйиш учун алоҳида масофавий таълим маркази (Интернет-факультет) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Масофавий таълимни иқтисодий жиҳатдан самарали ташкил этиш учун унинг барча элементларини таҳлил қилиш ва ушбу элементларни жорий этиш имкониятларини излаш талаб этилади.

Масофавий таълим асосан қуйидаги элементлардан ташкил топиши лозим:

- рақобатбардош йўналиш ёки мутахассислик бўйича самарали масофавий таълим курсини ташкил имконини берувчи ўқув модели маълумотлар базаси (МБ);
- масофавий ўқиш ўқитувчи-тьюторлар маълумотлар базаси;
- талаба-дистантликлар маълумотлар базаси;
- ўқув юрти ва ўқитувчилар билан талабалар ўртасида самарали боғланишни таъминловчи алоқа линияси;
- ўз-ўзини қоплаш принципига асосланган Интернет-факультетнинг ташкилий таркиби.



17 - Расм. Масофавий таълим тизимининг функционал схемаси

Схемадан маълумки масофавий таълим асосан 2 таркибий қисмдан иборат бўлади:

**1- масофавий ўқитиш хизматлари комплекси;**

**2- ушбу ўқув шакли фойдаланувчилари ёки объекти.**

Ушбу схемада асосий ўринни молиялаштириш манбаси, яъни масофавий ўқиш истеъмолчиси эгаллайди. Шу сабабли, масофавий таълимни ташкил этиш харажатлари куйидаги ташкил этувчилардан иборат бўлиши мумкин:

$$C_{\text{п}} + C_{\text{алП}} \quad (1)$$

Бу ерда

$C_{\text{п}}$  – масофавий таълимни тавсия этувчи муассаса хизматлари харажатлари;

$C_{\text{ал}}$  - ўқув ахборотларини қабул қилиш ва узатиш алоқа линияси харажатлари.

$\text{П}$ - масофавий таълимдан фойдаланувчининг молиявий имкониятлари.

Ушбу ифода фақат масофавий таълим бозорини шакллантириш талабларини қондиради. Лекин бу ерда истеъмолчи(масофавий таълим талабаси)нинг танланган мутахассислик бўйича таълим олгач, унинг харажатлари қопланадими ва унинг молиявий фойдаси ўсадими деган талаб ҳам туради, яъни

$$D > \text{П} \quad (2)$$

Бу ерда  $D$ - танланган мутахассислик бўйича масофавий таълим асосида ўқиғач, истеъмолчи(талаба) фойдасининг ўсиши.

### 3.2.4.Интернет-факультетнинг келажак стратегияси ва тактикаси

Масофавий таълим маркази (Интернет-факультет) ўз стратегиясини амалга ошириш учун асосан куйидаги тактикаларга амал қилиши лозим:

- ✳ ўқитишнинг реал нархи асосида талабалар контингентининг доимий бўлишини ва кенгайишини таъминлаш;

- ✳ ўқитувчиларнинг минимал сони ва максимал иш ҳақини таъминлайдиган оптимал ўқув режаси ва ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги алоқа линияси.

- ✳ ўқув жараёни бўлмаётган вақтлар учун ўқитувчилар билан янги ўқув модуллари тузиш бўйича шартномалар тузиш имконияти;

- ✳ ўқитувчиларни реклама ва касбга йўналтириш ишларига жалб этиш, ўқитувчи ташаббуси билан марказ ва абитуриент ўртасида тузилган ҳар бир шартнома учун рағбатлантиришни ташкил этиш;

✳️ ўқитувчининг касбга йўналтириш ва ўқув жараёнидаги самарали фаолияти учун қайта шартнома тузиш имконияти;

Масофавий таълим маркази раҳбарияти тактикасининг асосий йўналиши таълим олувчилар контингентининг стабиллигини таъминлаш ҳисобланади.

Масофавий таълимни ташкил этишда дастлаб қуйидаги ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

➤ замонавий ва рақобатбардош таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича ўқитиш;

➤ мактабгача тарбия ва ўрта таълим муассасалари, КХК лари ўқитувчиларини ахборот ва инновацион педагогик технологиялар бўйича ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

➤ ишлаб чиқариш мутахассисларини иккинчи мутахассислик бўйича ўқитиш;

➤ ўқув маркази учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

➤ меҳнат биржалари ва бандлик комитетлари учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

➤ чет элларга ишлаш ёки яшаш учун кетаётган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

➤ ногиронларни замонавий касб ва йўналишлар бўйича ўқитиш;

➤ абитуриентларни ОЎЮга кириш учун тайёрлаш;

➤ чет эллик фуқароларни Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича ўз бизнесларини Ўзбекистон ҳудудида очиш учун ўқитиш.

### 3.2.5. Интернет факультетнинг ташкилий тузилмаси

Юқорида таъкидланганидек масофавий таълим ўз-ўзини қоплаш принципи асосида ташкил этилиши зарур. Шу сабабли доимий штатда ишловчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби масофавий ўқув таълим йўналишлари (мутахассисликлар) сонига боғлиқ ҳолда оптимал танланиши лозим.

Ташкил этиладиган масофавий таълим маркази ходимларининг минималъ таркибини қуйидагича тавсия этиш мумкин:

#### **Масофавий таълим маркази бошлиғи**

✳️ талабалар қабулига жавоб беради;

✳️ таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номенклатурасини раҳбарият билан келишиб белгилайди ва асослайди;

✳️ доимий ишловчи ишчи-ходимлар ва ўқитувчилар ҳамда шартнома асосида ишловчи ўқитувчилар сифатига жавоб беради;

✳️ ўқув марказининг лицензияси ва битирувчиларга тасдиқланган нусхадаги дипломлар берилишини таъминлайди.

✳️ ахборот алоқа линияси ишини ташкил этади;

✳️ ўқув маркази молиявий ҳужжатларига жавоб беради.

#### **Ўқув ишлари бўйича ўринбосар:**

✳️ ўқув жараёнини ташкил этади;

✳️ барча йўналиш номенклатураси бўйича модулли ўқув дастури асосида ўқув жараёнини таъминлаш тизимини бошқаради;

✳️ касбга йўналтириш тарғиботини ва талабалар қабулини ташкил этади;

✳️ ўқув маркази бошлиғи бўлмаганда унинг вазифаларини бажаради.

#### **Ўқув-услубий бўлим бошлиғи:**

✳️ таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўқув-услубий режалар ишлаб чиқади;

✳️ модулли ўқув дастури асосида ўқув жараёнини ташкил этади;

✳️ ўқув жараёнини ўқитувчи-тьюторлар билан таъминлайди;

- ★ ўқув марказининг реклама фаолиятини ва касбга йўналтириш ишларини ташкил этади;
- ★ талабаларни ўқитувчилар билан боғланишини таъминлайди.

#### **Ўқитишнинг компьютер воситалари ва телекоммуникация алоқа аппаратлари бўлим бошлиғи:**

- ★ асосий компьютер воситалари ва телекоммуникация аппаратларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди;
- ★ ахборот технологиялари техник воситалари таркибини доимий янгилаб боришни амалга оширади.

#### **Ўқитишнинг компьютер воситалари ва телекоммуникация алоқа аппаратлари бўлими мутахассиси:**

- ★ барча компьютер воситалари ва телекоммуникация алоқа аппаратларининг самарали ишлашини таъминлайди;
- ★ компьютер воситалари ва телекоммуникация аппаратлари базасини ривожлантириш имкониятларини таъминлайди;
- ★ ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўқув ахборотларини қабул қилиш ва узатишни таъминлайди.

**Ҳисобчи** –ўқув марказининг молиявий фаолиятни бошқаради ва жавобгар.

**Котиба-референт** –ўқув маркази барча тармоқлари ва бўлимлари билан марказ бошлиғи ўртасида ахборот алоқасини таъминлайди.

### **3.2.6. Ўқитувчи-тьютор маълумотлар базаси**

Ўқитувчилар маълумотлар базаси таълим йўналишлари, талабалар сони ва масофавий таълим шакли ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Ўқитувчи-тьюторлар ва ўқув модули дастурини яратувчилар шартнома асосида ишга олинади. Шу сабабли, масофавий таълим марказининг мунтазам фаолиятини таъминлаш стратегиясига қуйидагиларни киритиш талаб этилади:

- ўқитувчилар ойлик маошлари анъанавий ўқув шаклидагидан кам бўлмаслиги зарур;
- ўқитувчилар учун минималъ вақт сарфлаб, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш шароитини яратиш;
- ўқитувчи иш сифатига болиқ ҳолда иш ҳақини табақалаштирилган шаклда ташкил этиш ва янги шартнома тузишда буни ҳисобга олиш.

Масофавий ўқув маркази ишончли бўлиши, яъни ўқитувчида унинг иш ўрни кежакда янада рақобатбардош бўлиши учун ишонч туғдириши лозим.

### **3.2.7.Ўқув модуллари маълумотлар базаси**

Масофавий таълимнинг энг асосий ташкил этувчиларидан бири ўқув модуллари маълумотлар базаси ҳисобланади. Масофавий таълим самарадорлиги талаба ўқув материалларини қандай қилиб мустақил ўзлаштира олиши билан белгилаганлиги сабабли, ўқув модулларига қатъий талаб қўйилади. Шу сабабли, ўқув модулларини тузиш услубиётига алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, масофавий таълимни ташкил этиш харажатларининг асосий ҳиссаси ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва яратишга сарфланади. Лекин ушбу харажатлар бир марталик характерга эга. Ўқув жараёни давомида ўқув модуллари сонини кўпайтириш ва уларни ўқув жараёнини бориши таҳлили асосида такомиллаштириб боришга ҳам қўшимча маблағлар сарфлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда масофавий таълим тизимида қуйидаги модуллардан фойдаланилади:

- ўқув материалларининг қоғоз вариантыда;
- видео- ва аудио кассеталарда;
- компьютер дисклари ёрдамида .

Ўқитишнинг модулли курсини самарали ташкил этишда барча вариантлар ва модуль турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай вақтда талабада у учун қайси модулда ўзлаштириш осон бўлса шу вариантни танлаш имконияти туғилади.

### **3.2.8. Интернет-факультетни талабалар билан алоқа воситалари**

Масофавий таълимни ташкил этиш самарадорлиги талаба билан ўқитувчини тезкор боғлаш имкониятларига ва боғланиш шаклига боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ўқитувчи иштирокисиз ўқитиш тизимида, ўқитувчи билан боғланмасдан ўқув курсларини мустақил ўрганиш вақтида юзага келадиган саволларни ечиш имконияти бўлмайди. Шу сабабли масофавий таълим маркази талаба ва ўқитувчини боғлаш тизимини ташкил этишга алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Ҳозирги вақтда масофавий таълимда алоқанинг қуйидаги барча турларидан фойдаланиш назарда тутилади: почта, телефон, компьютер тармоқлари, телекоммуникацион линиялар, талаба ва ўқитувчининг реал боғланиши.

Талабанинг ўқиш харажатлари албатта уни ўқитувчи билан қандай усулда боғланишига ҳам боғлиқ бўлади. Масофавий таълим маркази(ўқув юрти) ракобатбардош бўлиши учун талаба ва ўқитувчи ўртасидаги тезкор боғланиш харажатларини камайтириш талаб этилади. Бунга эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

★ ўқув модулларини услубий жиҳатдан тўғри яратиш;

★ ўқув модули ёки ўқитиш услуги талаба ўзлаштирган билимлар бўйича билим соҳасини аниқ идентификациялаш ва ўқитувчини жуда қисқа вақт давомида малакали маслаҳат беришини таъминлаш;

★ талаба ва ўқитувчи билан видео ёки реал боғланишни қачонки, талаба ҳамда ўқитувчида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича тўлиқ ва аниқ тушунча бўлгандагина амалга ошириш;

талаба ва ўқитувчи ўртасида реал учрашувни таълим олаётганлар гуруҳи бўйича ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади, чунки бунда молиявий харажатлар талабалар ўртасида тенг бўлинади

### **3.2.9. Масофавий таълим марказида “Электрон деканат”ни ташкил этиш**

Масофавий таълимни ташкил этишда Интернет воситалари ва Web – иловалардан фойдаланиш ўқув жараёни иштирокчиларини автоматлашган режимда тизимга киришга имконият яратади. Интернет илонадан фойдаланиш фойдаланувчиларни ўқув ресурсларига киришларини ростлаш, барча алоқа ва мулоқатларни ҳамда ўқиш натижаларини қайд этишни таъминлайди. Бу эса ўқув жараёнида ички электрон ҳужжат айланиши ва ўқув жараёни назоратини автоматлаштиришни таъминлайди.

“Электрон деканат” тизимини жорий этишда қуйидаги икки омилни ҳисобга олиш талаб этилади:

➤ масофавий таълимни амалга ошириш шакли;

➤ Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ўқув жараёни натижаларига қўйилган стандарт талабларга жавоб бериш.

Шунингдек, электрон деканат ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларга тушунарли ва осон тизимга кириш, талабалар тўғрисидаги маълумотларга марказлашган тарзда кириш ва масофавий ўқишнинг бутун даврида гуруҳлар учун машғулотларни ихчам режалаштириш имконини берувчи интерфейсга эга бўлишига эришиш.

Электрон деканат бир неча ўзаро боғланган блоклардан


ташкил топади. Блоклар учун бошланғич маълумотлар икки хил усулда тақдим этилади:

1. Автоматик (Web – илова ўқув сервис орақали: жорий маълумотлар ва статистика).
2. Қўлда( оператор ёрдамида маълумотлар киритилади).

Электрон деканат таркиби қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



18-Расм. Интернет-факультет”да электрон деканат схемаси



**1. Талабанинг шахсий ҳужжатлари.** Ҳар бир талаба учун ягона электрон “Шахсий ҳужжатлар” базаси шакллантирилади. Маълумотлар юқорида таъкидланганидек 2 усулда, автоматик ёки кўлда кирилиши мумкин.

Масофавий таълим ўқув жараёнида фойдаланиладиган Web – илова ичида талабанинг шахсий ҳужжатлари билан ўқиш натижалари ва ўқув ресурсларига қачон ва неча марта кирганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўртасида боғланиш бўлиши таъминланади.

Шахсий ҳужжатлар блоки қуйидагилардан ташкил топади:

- ✳ талаба тўғрисидаги умумий маълумотлар;
- ✳ ўқиш натижалари-талабанинг синов дафтарчаси;
- ✳ давомати тўғрисидаги маълумотлар ( талабанинг тизимга кириш фаоллиги, рухсат этилган ресурсларга кириши тўғрисидаги статистик маълумотлар);
- ✳ ўқиш харажатлари тўлови тўғрисидаги маълумотлар.

Талабанинг шахсий ҳужжатлари блоки тизимга кириш ҳуқуқига эга бўлган ўқитувчи ва ходимлар учун барча маълумотларни кўриш ва қайта ишлаш имкони бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар гуруҳларни тузиш, ўқув жараёнини назорат қилиш, ўқув натижаларини таҳлил қилиш, талабани гуруҳдан гуруҳга кўчириш учун асос бўлади. Блок маълумотларида анъанавий ўқув шаклидаги каби талабанинг шахсий ҳужжатлари: кириш тестлари натижалари қайдномаси, синов дафтарчаси, қарздорликни қайта топшириш шахсий графиклари кабилар бўлади.

**2. “Дастур ва курслар руйхати” ва “Ўқитувчилар ва ходимлар руйхати” блоклари** дарс жадвалини тузиш учун асос бўлади. “Дастур ва курслар руйхати” ўқув режаларини сақлаш учун хизмат қилади. “Ўқитувчилар ва ходимлар руйхати” гуруҳлар билан машғулот ўтишга жалб этиладиган ўқитувчилар руйхатини ўз ичига олади.

**3. Дарс жадвали блоки.** Дарс жадвалини тузиш анъанавий ўқиш шаклиникидек амалга оширилади. Унда ўқув режасига мос ҳолда поток ва гуруҳлар бўйича фанлар тақсимоли, ўқитувчилар ва мураббийлар исми-фамилияси, машғулот вақти кўрсатилади. Ўтган ўқув жараёнларининг барча дарс жадваллари электрон вариантда сақланади ва улардан ўқув жараёни натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ўқитувчиларнинг реал юкламаларини аниқлаш учун фойдаланилади. Шу сабабли “Дарс жадвали” блоки “Электрон деканат”нинг маркази ҳисобланади.

**4. “Ўқиш тўлови” ва “Маълумот-ахборотлар” блоклари** “Дарс жадвали” блокни таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу блоклар маълумотларни кўлда киритишни енгиллаштириш ҳамда талабаларнинг ўқиш тўловлари графигини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

“Электрон деканат”нинг иккинчи таркибий қисми маълумотларга ишлов бериш блоки ҳисобланади. У ўқув жараёнини назорат ва таҳлил қилиш учун барча маълумотларга марказий киришни ҳамда қуйидаги ички ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминлайди:

- ✳ талабалар қабули назорати;
- ✳ талабаларнинг шахсий маълумотлари ва кириш синовлари натижалари асосида тахминий ва охириги вариантдаги гуруҳларни шакллантириш;
- ✳ ўқув жараёни назорати, гуруҳ бўйича якуний
- ✳ назоратлар, машғулотларга қатнашиш давоматини ( талабанинг тизимдаги фаоллигини), ўқиш тўловлари ва академик қарздорлик руйхатини, қайта топшириш муддатини автоматик равишда шакллантиш;

Электрон деканатга кириш чекланган ва кўп поғонали бўлиши ҳамда қуйидаги 3 босқичдан иборат бўлиши мумкин:

- тўлиқ, барча блоклардаги маълумотларни кўриш ва ўзгартириш (тизим администратори учун);
- қисман, барча маълумотларни кўриш мумкин, лекин фақат айрим блок маълумотларини ўзгартириш рухсати берилади (аниқ маълумотлар базаси шаклига жавобгар бўлган ўқув-ёрдамчи ходим учун);

➤ ўзгартириш ҳукуқи берилмаган ҳолда барча маълумотларни кўриш (ўқитувчилар учун).

Масофавий ўқитиш натижалари ва талабаларнинг шахсий ҳужжатлари тўғрисида анъанавий ҳисоботларни тайёрлаш учун “Электрон деканат” базасидан ҳар бир блок бўйича маълумотларни олиш талаб этилади. Бундай ҳисоботларни амалдаги WORD ва EXCEL форматларида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳисоботлар талабаларнинг реал ҳужжатларини шакллантириш, ўқишга қабул қилиш ва талабалар сафидан чиқариш буйруқларини тайёрлаш, ўқитувчилар ва инспекторларга ўқув жараёни графиги тўғрисида хабар бериш учун тайёрланади. Ҳисоботларни шакллантириш блокига киришга электрон деканатдан фойдаланувчиларнинг барчасига рухсат этилади.

#### IV. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган изчил сиёсат натижасидаги ривожланиш таълим тизимида ҳам ўқитишнинг янги шакллари жорий этишни тақоза этмоқда. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим тизимини юқори сифат даражасида ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг дунёдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мавқеини, унинг иқтисодий ўсишда асосий омили бўлиб бораётган интеллектуал бойлиги таъминламоқда. Бу борада мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан аҳолининг интеллектуал салоҳияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан эканлиги ҳисобга олган ҳолда “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Жамият ривожининг янги шарт-шароитлари ахборотлашган жамият талабларига жавоб берувчи замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиб, янги мутахассисларни тайёрлашни вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот технологияларини ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кенг ва жадал кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратмоқда. “Электрон таълим”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Масофавий таълим”, “Очиқ таълим”, “Ахборотлашган иқтисодиёт” каби тушунчалар ҳаётимизга кенг кириб келди. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал информацион тармоқ -Интернет ташкил этади. Ана шундай технологиялардан бири масофавий ўқитиш технологиясидир.

Ҳозирги кунда турли соҳаларда масофали ўқитишга турлича муносабат кузатилмоқда. Масалан, у бугунги кунда корпоратив соҳада анъанавий тренингларни алмаштиришда ва таълим соҳасида алоҳида курсларни ўрганишда энг кўп талабаларга эга. Бундан ташқари, ўқитишнинг бу шакли кундан кунга молиявий ва АТ соҳаларда, давлат ходимларини қайта ўқитишда, тиббиётда, нотижорат соҳада, саноатда, савдо-сотик ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Айни вақтда республикамизнинг бирорта олийгоҳи замонавий масофавий технологиялар ва усуллар шarti асосида иш юритадиган педагог кадрлар тайёрлашга тизимли тарзда ёндашгани йўқ.

Айрим хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш тизими учун педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “E-learning” ва “On-line teaching” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш дастури охириги йилларда йўлга қўйилган.

Табиий равишда савол туғилади. Хўш, масофавий таълим ўқитувчиси ким?

Биринчи галда, масофавий таълим ўқитувчиси масофавий технологияларни қўллаш орқали таълим берувчи ўқитувчидир. У масофавий ўқитиш технологиялари – Интернет-технология ва Кейс-технологиядан бошлаб, барча ТВ ва радио эшиттириш технологияларида ҳам иш юритишни биладиган ўқитувчидир.

Масофавий таълим ўқитувчининг педагог сифатида шаклланишида муҳим омил бўлади ва унинг имкониятларини амалга оширади. Мутахассис уйда туриб ишнинг асосий қисмини бажаради, талаба ва касбдошлар билан замонавий ахборот коммуникация технологиялари орқали боғланади. Бу усул (телекомпьютернинг) айни вақтда ғарбда ўта оммалашган усули ҳисобланади ва қуйидаги имкониятларни яратади:

- таълим олувчиларнинг турли гуруҳлари билан ишлаш имконини беради;
- мақбул ишлаш режимини танлаш мумкин бўлади (вақт, шартлар ва техник воситаларни ишлатиш бўйича);
- таълим олувчилар доирасини кенгайтириш имконияти яратилади;
- илмий ва педагогик фаолиятни биргаликда олиб боришга шароит туғилади.

Масофавий таълимни ташкил этишда биринчи галда унинг қуйидаги асосий базаларини яратиш талаб этилади: ҳуқуқий, меъёрий, ўқув-услубий, моддий-техник ва кадрлар

таъминоти. Республикамизда масофавий таълимни ташкил этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Масофавий таълимнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари, жумладан “”Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун, Республикамиз Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, ВМнинг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Масофавий таълимнинг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида 2011-2016 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилиниб, дастур асосида амалий ишлар олиб борилмоқда

Масофавий таълимни ташкил этишдаги асосий вазифалардан бири унинг ўқув-услугий базасини яратишдан иборатдир. Чунки, масофавий таълим ўқувчиси асосан электрон адабиётлар, виртуаль лабораториялар асосида мустақил ишлайди. Бунинг учун мазкур ўқув юртининг ўқув-услугий базаси етарли даражада электрон ресурслар билан таъминлаган бўлиши шарт.

#### 4.1.Масофавий ва анъанавий таълим интеграцияси

Масофали ва кундузги ўқитишни бир-бирига қарама-қарши қўйиш керак эмас, албатта. Ҳозирча ўқитишнинг масофали шаклини республикамизда мавжуд ўқитишнинг кундузги, сиртки ва экстернат шакллари билан ўзаро бир-бирларини тўлатадиган ўқитиш шакллари деб қараш мумкин. Масалан, талаба назарий маълумотларнинг бир қисмини масофали эгалласа, амалий ишларни ва мураккаб назарий материалларни аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида эгаллаши мумкин.

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади.

★ **Мослашувчанлик** – таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезликда таълим олиш имкониятининг мавжудлиги.

★ **Модуллилик** – бир бирига боғлиқ бўлмаган мустақил

★ ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги.

★ **Паралеллик** – ўқув фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжудлиги.

★ **Кенг қамровлилик** – кўп сонли талабаларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва бошқалар) захираларига мурожаат қила олиш имконияти. Бу кўп сонли талабаларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имкониятининг мавжудлигидир.

★ **Иқтисодий тежамкорлик** – ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йиғиш, уларни тартибланган кўринишга келтириш ҳамда улардан кўп сонли фойдаланувчиларни ташкил қилиш имконияти.

★ **Ижтимоий тенг ҳуқуқлилик** – таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминоти даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти.

★ **Интернационаллилик** – таълим соҳасида эришилган жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқларни импорт ва экспорт қилиш имконияти.


Юқоридагиларни ҳисобга олганда масофавий таълим комплекси анча қулайликларга эга экан. Лекин, нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

➤ Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).

➤ Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.

- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади



19-Расм. Кундузги таълим ва масофавий таълим интеграцияси

#### 4.2. Масофавий ўқитиш усуллари асосий гуруҳлари

Замонавий технологиялар масофавий олий педагогик таълимни янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилар ва мутахассислар ёрдамида янги ўқитиш курслари яратилади.

Масофавий ўқитиш курсларини яратишда дастлаб:

- курсларнинг мақсади;
- мақсадга эришиш йўллари;
- ўқув материалларини тақдим этиш усуллари;
- ўқитиш услублари;
- ўқув топшириқларининг турлари;
- муҳокамалар учун саволлар;
- мунозара ва баҳсларни ташкил этиш йўллари;
- ўзаро алоқа усуллари ва коммуникация сингари

омилларни аниқлаш талаб этилади.

Буларнинг барчаси курсларни яратувчи ўқитувчилар (курс дизайнерлари) ва мутахассислар ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги коммуникация турига кўра масофавий ўқитиш услубларини қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- мустақил ўқиш усуллари;
- «бирга-бир» педагогик усули;
- «бирга-кўпчилик» ўқитиш услуби;
- коммуникация асосида «кўпчилик-кўпчилик» таълим услуби.

Масофавий мустақил ўқиш учун мультимедиа ёндашуви характерлидир.



Мустақил ўқишни ташкил этишда қуйидаги замонавий ахборот технологияларига асосланган таълим имкониятлари катта рол ўйнайди:

- ★ аудио ва видео материаллар;
- ★ компьютер ўргатувчи дастурлар;
- ★ электрон журналлар;
- ★ интерфаол маълумотлар базаси;
- ★ компьютер тармоқлари орқали узатиладиган бошқа ўқув материаллар.

**«Бирга-бир» масофавий ўқитиш услуги** – бу индивидуаллаштирилган ўқитиш ва ўқиш услубидир. Бунда ўқув мулоқотларининг ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-ўқувчи шакллари катнашади. Бу услубда телефон, овозли ва электрон почта каби технологияларни қўллаш талаб этилади. Компьютер тармоқларига асосланган «телеустозлик»ни ривожлантириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Замонавий технологиялар ўқитиш усуллари хам такомиллаштиришга имконият яратиб, таълим жараёнига янги атамаларни олиб кирди. Кейинги вақтларда электрон маърузалар, яъни **элекция** тушунчаси пайдо бўлди.

**Элекция** - бу компьютер тармоқлари орқали тарқатилувчи маъруза материалларидир. Элекция нафақат маъруза матнларидан балки ўқувчини баҳсларга тайёрлашга хизмат қилувчи ўқув материаллари, мақолалар, уларнинг қисқартмаларидан ташкил топиши хам мумкин.

**Коммуникация асосида «кўпчилик-кўпчилик» таълим услуги** – ўқув жараёнидаги барча иштирокчиларнинг ўзаро фаоллиги билан характерланади. Жамоавий ўқув баҳслари ва конференцияларнинг ўтказилиши бу услубнинг ривожланишига олиб келади. Ўқув мулоқотлари ўқувчилар-ўқитувчи ва ўқувчилар-ўқувчилар шаклида бўлади. Бу метод синхрон ва асинхрон аудио, аудиографик, видео ва компьютер конференциялари технологияларига асосланади.

Компьютер коммуникация технологиялари баҳслар, моделлаштириш, ақлий хужум, Дельфи методи, форумлар, лойиҳалаш гуруҳлари каби интерактив методларидан фаол фойдаланишга имкон беради.


Педагогик таълим муҳитининг самараси, янги технологиялар негизида ўқитиш мазмунининг ривожланишига, таълим муҳити интерфаоллиги ривожига, таълим жараёнида ўқувчининг фаоллигини ривожлантиришга, мослашувчан ўқув жараёнининг ташкил этилишига боғлиқдир.

### **4.3. Масофавий таълим дастури концепцияси**

Масофавий таълимда у ёки бу моделдан фойдаланиш амалда МТнинг аниқ тизимини ишглаб чиқишни талаб этади. Ўқув модели ва тизимнинг таркиби ва тартибини танлаш нафақат таълим муассаси ёки талабанинг имкониятларига боғлиқ бўлмасдан, ўқув юртининг таълим концепциясига, аниқ ишлаб чиқилган таълим мақсади ва вазифасига хам боғлиқдир. Барча юқорида келтирилган талаблар ўқув мазмуни, услуги, ўқишни ташкил этиш шакли ва воситаларини танлашда асос бўлиши лозим.

Агар таълим концепцияси турли хил ўқув шакллари учун бир хил бўлса, ўқув мазмуни таркиби ва ташкил этилиши хам шунга мос, танланган масофавий таълим модели ва техник воситаларидан фойдаланишга мослашувчан бўлиши зарур.

Замонавий масофавий таълим назариясида ўқитувчи талаба билан ёки талабалар бир-бири билан тизимли равишда ўзаро мулоқатда бўлиши талаб этилади. Лекин таълимнинг коммуникатив таркибда бўлиши талаба билан ўқитувчини нафақат мустақил ишларни бажаришда, балки ўқув материаларини тўлиқ ўзлаштириш давомида хам мулоқатда бўлишини тақоза этади. Бундай ҳолда ўқитувчи ўқув материалларини хар бир талаба имконияти ва қобилиятига мослаб қайта тузиши талаб этилади, лекин бу жараённи автоматлаштириб бўлмайди, бу фақат шахсан мулоқат вақтида амалга оширилиши мумкин.



20-Расм. Масофавий таълим дастури концепцияси

Ҳозирги амалда қўлланилаётган масофавий таълим дастурий таъминотлари таҳлили, муаллифлар кўпроқ барча ўқув жараёнларини автоматлаштиришга эътибор қаратишганини кўрсатади. Шу сабабли, таълим дастури концепциясида талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро мулоқат-алоқани аниқ белгиланган дарс жадвали асосида ташкил этишни киритиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда MT курсида таълим олаётганлар ўқитувчи билан бир вақтда бутун гуруҳ бўйича тизимга киришади ва ўзаро мулоқатда бўлишади. Шунингдек, бу ерда талабанинг ўқув машғулотларига давоматини ҳам автоматик қайд этиш имконияти яратилади.

#### 4.4. Масофавий таълим дастурий таъминотини танлаш

Масофавий таълим дастурий таъминотини танлашдаги асосий мезон тизимга кириш ва бошқаришнинг соддалиги, ҳар бир фойдаланувчи учун қулайлигидадир.

**Техник мезонга** фойдаланувчи (талаба, ўқитувчи, администратор, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва б.) ишлатаётган дастур ва техник воситаларга минимал қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш, алоҳида фойдаланувчи томонидан интерфейс тизимини ростлаш имконияти киради.

**Иқтисодий мезон** тизимдан фойдаланиш ва тизимнинг дастурий таъминотини янгилаб бориш харажатларидан иборат бўлади.

Масофавий таълимни кенг тарқалган бошқариш тизими MTни ташкил этиш учун қуйидаги воситал бўлишини талаб этади:

#### 4.5. Ўқув мазмуни ва материалларини узатиш технологияси

Электрон адабиётлар, курс ўқув материаллари ўқув жараёни иштирокчиларига умумий рухсат этилган ҳолда турли хил кўринишдаги рухсат шаклида, жумладан:

- фақат ушбу ўқув юрти сайтида материалларни олиш, ёзишмалар қилиш;
- оддий почта орқали материалларни (дискда, қоғоз вариантда ва б.) олиш;
- маълумотлар базасини шакллантириш;
- ўқув жараёнида тингловчиларнинг тез-тез учрайдиган саволарига жавоблар тарзида

“Билимлар базаси” тузиш (форумлар ташкил этиш) амалга оширилади.



### **Коммуникацион технологиялар:**

- тесқари алоқа имконияти таъминланмаган ҳолда ўқув жараёнининг барча иштирокчиларига қисқи хабарлар (эълонлар доскаси, янгиликлар лентаси) бериш;
- ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида икки томонлама ёпиқ манзил бўйича файллар алмашинуви (ичқи электрон почта);
- гуруҳий ахборот ва берилган саволларга жавоблар алмашинуви;
- реал вақт режимида гуруҳий қисқи хабарлар алмашинуви;
- реал вақт режимида шахсий манзил бўйича қисқа хабарлар алмашинуви;

### **Билимларни синаш технологияси (сервис):**

- тест тузиш учун қобик;
  - тестлаш тизими;
  - ўқув жараёнини бошқариш блоки (сервислар);
  - администрациялаш тизими;
  - электрон қайдномалар ва машғулотларни режалаштириш;
  - электрон деканат.
- Масофавий таълим тизими қуйидаги 3 та асосий функционал блоклардан ташкил топган бўлиши лозим:
- ўқувчига фаннинг мазмунини етказиш блоки;
  - тавсия этилган материалларни ўзлаштириш бўйича талабанинг мустақил ишини ташкил этиш блоки;
  - билим назорати-ўқув материалларини ўзлаштириш натижалари.

Масофавий таълим тизимининг асосини талабанинг мустақил иши ташкил этади. Мустақил ишни қуйидаги кўринишларда ташкил этиш мумкин:

- ★ ўқув материални (ўқув мазмунини) мустақил ўрганиш;
- ★ ўқитувчига савол бериш имконияти билан ўқув материални мустақил ўрганиш;
- ★ ўқитувчига ва бошқа талабаларга савол бериш имконияти билан ўқув материални мустақил ўрганиш;
- ★ ўқитувчи томонидан берилган саволларни муҳокама қилиш имконияти билан мустақил ўрганиш;
- ★ ўқув материални ўқитувчи иштирокида кичик гуруҳларда ўрганиш;
- ★ назорат топшириқларини бажариш.

## **4.6. Масофавий таълимнинг педагогик технологиялари ва дидактик таъминоти**

**Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари** – танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуасидир.

Масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда ўқтаётган фанини мунтазам мукамаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади. Ўқитувчи ўқув материаллари ва мазмунини ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига қараб мослаштириш имкониятига эга бўлади. Бу албатта таълим самарадорлигини ошишига олиб келади.

Шу сабабли масофавий таълимнинг қуйидаги асосий характеристикасида ҳам ушбу омил ўз ўрнини топгандир:

- коммуникатив таркибий қисм ва унинг амалга оширилиши;
- ўқув материалларини етказиш, унинг таркибини тўғри танлаш ва асослаш;
- ўқув мазмунини талабанинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига мослашувчанлигини таъминлаш тизимининг мавжудлиги.

#### 4.7. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш

Масофавий таълимни ривожланиши ўқув жараёнини лойиҳалашга, унинг сифатига, масофавий таълим асосида ўқитишнинг барча бўғинлари дидактик таъминотини тўғри амалга оширишга юқори талабларни қўяди.

Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти деганда аниқ фан ёки фан бўлими бўйича МТнинг тизимли принципи асосида яратилган ўқув-услубий мажмуа тушунилади.

Ўқув услубий мажмуаларни яратишда биринчи навбатда дидактиканинг маълум принциплар тизими (С.И.Архангельский, Ю.К.Бабанский, В.И.Загвязинский, И.Я. Лернер, В.А.Сластенин, П.И.Пидкасистый) ҳамда масофавий таълим хусусиятларини ҳисобга олувчи омиллари ҳисобга олиниши лозим.

Масофавий таълимнинг ўқув-услубий базасини шакллантиришда қуйидаги принципларни асосий қилиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- дидактик жиҳатдан фойдалилиги;
- кетма-кетлик ва тизимлашганлиги;
- модуллилик;
- кўп даражалилик;
- когнитивлилик;
- мослашувчанлик;
- ночизиқ таркиб.

Юқоридаги принциплар ичида энг асосийси дидактик фойдалилик ҳисобланади, чунки бошқа принциплар бу принцип асосида шаклланувчи ва уни тўлдирувчи принциплар ҳисобланади.

**Дидактик фойдалилик**- қўйилган ўқув мақсадга эришишда ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик таъминот хусусиятидир. Бу ўқувчининг психофизиологик хусусиятлари ва ёшини ҳамда билимлар тизимининг ижтимоий фаоллиги талабларини ҳисобга олиб, ўқув мазмуни таркибини шакллантириш имконияти билан аниқланади.

Масофавий таълим дидактик таъминоти таркиби ва тузилиши юқоридаги принциплар асосида яратилиши ва амалга ошириладиган масофавий таълим технологияси мазмунини белгилаши лозим.

Дидактик таъминотни яратишда турли хил усуллардан фойдаланилади. Дидактик таъминот тузилишининг функционал асосини қуйидаги икки қисмга ажратишимиз мумкин: **мазмуний ва бошқарувчи.**


Масофавий таълим тизимида ўқитиш мақсадини самарали ва кафолатли таъминлашнинг асосини ўқув жараёни модели ташкил этади.

Ўқув жараёнини қуйидаги 3 та модел билан изоҳлаш мумкин:

- ✳ ўқитиш;
- ✳ машқ қилиш;
- ✳ эмоционал-интеллектуал мулоқат.

МТ ўқитувчи билан бевосита алоқани инкор қилади. Ўқитиш ва эмоционал-интеллектуаль мулоқат модели ўқитувчи дастурнинг асоси ҳисобланмиш таълим бериш модели билан алмашинади.

МТ ўқитиш модели ахборот-фан муҳитидан иборат бўлиб, ўз ичига турли кўринишдаги ўқув материалларини, ўқув мақсадининг дастурий таъминотини ҳамда ўқувчи фаолиятини бошқариш моделини олади.



21-Расм. Масофавий таълим дидактик таъминотининг тузилиши

Масофавий таълимда автоматлашган дидактик таъминот талаб этилади. Автоматик дидактик таъминот 2 таркибий қисмдан иборат: **дидактик ва функционал таъминот**.

**Дидактик таъминот**- аниқ фан мазмуни бўйича ўқув-услужий мажмуалардан иборат бўлади.

**Функционал таъминот** - ўқув мазмунини ўрганишни моделлаштириш имконини беради ва **педагогик ҳамда технологик** қисмлардан иборат бўлади.


**Педагогик** –педагогик мақсадга эришиш учун мақсадга ва шахсга йўналтирилган педагогик услублар ва технологияларни услубий кетма-кетлиги.

**Технологик** - педагогик мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган ахборот технологиялари кетма-кетлиги. Технологик қисмни тузишда ўқитувчининг иштироки педагогик ва ахборот технологияларини бирлаштириш имконини беради.

Ўқув-услужий мажмуаларни яратишдаги амалий тажрибалар таҳлили автоматлашган дидактик тизимни умумлаштиришга ва босқичларини аниқлашга имконият яратади. Педагогик нуқтаи назардан автоматлашган дидактик тизимни яратиш босқичлари муҳим омил эканлигини кўрсатади ва бу асосан қуйидаги 2 лойиҳавий фаолиятдан иборат бўлади: педагогик ва технологик. Улар биргаликда тизимнинг функционал таъминотини ташкил этади ва дидактик тизимни лойиҳалаш модели ҳисобланади.

Функционал таъминот динамик тузилишга эга бўлиб, унда автоматик дидактик тизимни жараёнлари, босқичлари, АДТни тузиш тартиби акс этади ва унинг ушбу блоклари кўзланган натижаларни олишга йўналтирилади.

АДТ ни тузишда “ютиш” услуги қўлланилади ва бу **рекурсив услуб** деб аталади. Модел ядроси ўқув фанининг мазмуни ҳисобланади. Ушбу ядро асосида моделнинг биринчи қобиғи – бошқариш блоки яратилади ва у технологик блокни яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Моделнинг барча компонентлари ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирга эга.



**22-Расм. Автоматлашган дидактик тизим тузилиши**

Ишлаб чиққилган дидактик таъминотнинг педагогик асослари самарадорлигини аниқлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- ✳️ модул ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси;
- ✳️ ўқувчи билимининг мустаҳкамлик коэффициенти. Бу тезкор назоратлар орқали аниқланади.
- ✳️ ўқувчининг ўқув материални ўзлаштиришга сарфлаган вақти.

#### **4.8. Фан бўйича электрон таълим ресурсларини яратиш услубиёти**

“Ресурс” ибораси ҳозирги вақтда жуда кенг маънода ишлатилади. “Таълим ресурси” деганда эса ўқув жараёни давомида билим олишда фойдаланиладиган турли хил кўриниш ва шакллардаги ўқув материаллари манбаси тушунилади. Бошқача айтганда таълим ресурси – ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборотлар манбасидир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим ресурсларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Матн, расм, схема ва жадвалларни ўз ичига олган анъанавий нашр материаллари (дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матни ва курси, лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича қўлланмалар, масалалар тўплами, луғатлар, катологлар, маълумотномалар, тарқатма материаллар, ўқув-визуль материаллар, турли хил услубий қўлланма ва кўрсатмалар, савол ва топшириқлар ва б.).

2. Анъанавий аудио ва видео материаллар: мусиқий ва нутқ материаллари (маърузалар ёзилган дисклар, аудиокитоблар, ўқув видеофильмлари ва б), намойиш роликлари, презентация лавҳалари, кинематографик маҳсулотлар.

3. Замоनावий (рақамли) электрон ресурслар: турли хил ахборот ташувчи воситалар (диск, флешка ва б.)га ёзилган файллар, 1 ва 2 гуруҳдаги ахборотларнинг замонавий маиший электрон воситалари ёки компьютерлар ёрдамида эшитиш ва кўриш имконияти яратилган рақамли электрон материаллар.

4. Ўқиш, мустақил таълим олиш ва олинган билимларни текшириш учун махсус дастурлар: ўқув мазмуни ёритилган ва ўқувчи билан ўзаро мулоқатга йўналтирилган ҳамда маълум педагогик вазифаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлар, дастурлар мажмуи ёки тизимлари.

Сақлаш ва тарқатишга мўлжалланган учинчи гуруҳ ресурслари асосан анъанавий нашр ва аудио-видео материалларни замонавий компьютер техникалари ёрдамида эшитиш ва кўришга мўлжалланган электрон шаклларга айлантирилган кўриниши ҳисобланади.

Электрон ресурсларни сақлаш ва маълумотларни тақдим этиш форматига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

➤ Алоҳида файллар - 1-гуруҳдаги анъанавий ресурсларнинг

➤ файлли эквивалентлари (жадваллар ва график иллюстрациялардан иборат матнли хужжатлар, иллюстрацияларнинг график файллари, аудио-видео форматли файллар ва б.).

➤ Гипертекст материаллар- ўз ичига матн, графиклар, мультимедиа элементлари каби электрон ўқув адабиётларининг элементларидан ташкил топган электрон ўқув адабиётлари ва 1-2 гуруҳдаги анъанавий ресурсларнинг электрон эквиваленти.

Электрон ресурслар ичида “анъанавий таълим ресурси”, яъни махсус ўқитувчи дастурлаш воситаси муҳим рол ўйнайди. Энг кенг тарқалган бундай ресурсларга электрон тестлаш дастурини мисол қилиш мумкин

3 ва 4 гуруҳдаги ресурслар биргаликда “Электрон таълим ресурслари” деб аталади. Масофавий таълим тизимида ўқув жараёнини автоматлаштиришда 1-2 гуруҳ ресурсларнинг куйидаги дастурий электрон эквивалентини яратиш муҳим рол ўйнайди:

➤ компьютерда ўқитиш дастурлари;

➤ компьютер дарслик ва ўқув қўлланмалар;

➤ ўрганиладайган фан бўйича автоматлашган ўқитиш тизими;

➤ билимни тест назоратидан ўтказиш автоматик тизими;

➤ компьютер тренажёрлар;

➤ ёрдамчи воситалар (лаборатория ишларини бажаришда, компьютер энциклопедиялар ва луғатлардан фойдаланишда визуаль муҳитни таъминловчи дастурлар;

➤ автоматлашган ўқув курслари.

Электрон таълим ресурслари деганда фойдаланувчи, яъни ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматик ростланиш имконини берувчи, эгалланган билимни автоматик назорат қилиш тизими билан бирлашган ўқув материалларини узатиш (етказиш) тизими тушунилади.

#### **4.9.Электрон таълим ресурсининг намунавий таркиби**

##### **1. Ўқув материаллари:**

1.1. Дарслик, ўқув қўлланмалар

1.2. Электрон ўқув курси

1.3. Маърузалар матни (маърузалар курси)

1.4. Тест саволлари, назорат саволлари.

##### **2. Ўқув-услубий материаллар:**

2.1. Ўқув режаси

2.2. Ўқув дастури

2.3. Машғулот режаси

2.4. Услубий кўрсатмалар

##### **3. Маълумотнома материаллари**

3.1. Энциклопедия

3.2. Луғат

3.3. Маълумотнома

3.4. Маълумотлар базаси

3.5. Геоахборот/картографик тизим

##### **4. Иллюстратив ва намойиш материаллари**

4.1. Атлас

4.2. Коллекция

4.3. Карта

4.4. Кўргазмалар қўлланмалар

##### **5. Қўшимча ахборот материаллари**

5.1. Хрестоматия

5.2. Нашр материаллари (китоблар)

5.3. Илмий-оммабоп характердаги Интернет нашрлари

5.4. Реклама-ахборот характердаги материаллар

5.5. Библиография

## **6. Меъёрий хужжатлар**

6.1. Таълим стандарти

6.2. Йўриқнома, меъёрий далолатнома

## **7. Илмий материаллар**

7.1. Диссертация авторефератлари

7.2. Диссертация

7.3. Мақолалар

7.4. Монографиялар

7.5. Таҳлилий материаллар

## **8. Электрон даврий нашрлар**

8.1. Тўлиқ матнли нашрлар

8.2. Таълим сайтлари

8.3. Дастурий маҳсулотлар

8.4. Таълим муассасалари учун дастурий комплекс

### **4.10. Фан бўйича электрон ўқув-услубий мажмуалар яратиш услубиёти**

Электрон таълим ресурсининг асосий таркибий қисми –фан бўйича ўқув услубий мажмуа ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўқув-услубий мажмуа таркиби бўйича турли хил тавсиялар мавжуд бўлиб, уларда мажмуанинг турли компонентлари ёритилган. Лекин, бизнинг фикримизча ўқув-услубий мажмуа таркибининг тўлиқ, мукамал варианти асосланмаган.

**Ўқув-методик мажмуа (ЎММ)** – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси таркибининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, илм орқали билим олиш, тўлиқ ўзлаштириш ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Фан бўйича ўқув-услубий мажмуанинг соддароқ варианти тарихида куйидаги намунавий таркибни тавсия этиш мумкин:

### **4.11. Фан бўйича ўқув-услубий мажмуанинг намунавий таркиби**

**Муқаддима**

#### **I. ФАНИНГ МЕЪЁРИЙ- ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

**1.2. Фан бўйича намунавий ўқув дастур**

**1.3. Фан бўйича ишчи ўқув дастур**

**1.3. Фан бўйича модулли тақвимий режа**

**1.4. Фаннинг ахборот-услубий таъминоти** (фан мавзуларига оид ЎзР. Қонунлари, ЎзР Президенти асарлари, ЎзР ВМ қарорлари, асосий адабиётлар, қўшимча адабиётлар, маъруза матнлари, Интернет манбалари)

**1.5. Ўқув-визуал материаллар руйхати**

**1.6. Фан бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишнинг техник воситалар таъминоти** (лаборатория ишлари учун талаб этиладиган техник жиҳозлар руйхати)

#### **II. ФАНИНГ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**2.1. Фанни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми ва модуллар тизими**

- 2.2. Фанни ўқитишнинг катта модуллари ва улар таркибидаги ўрта модуллар сони
- 2.3. Фаннинг тузилмавий-манتيқий чизмаси (ўрта модуллар мавзулари )
- 2.4. Фанни ўқитишдаги инновацион педагогик технологиялар (интерактив услублар ва б.)
- 2.5. Маърузаларда таълим технологиялари
- 2.6. Амалий машғулотларда таълим технологиялари
- 2.7. Фан бўйича мустақил таълимни ташкил этиш технологияси

### **III. ФАННИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ**

- 2.1. Фан бўйича дарслик
- 2.2. Фан бўйича ўқув қўлланма.
- 2.3. Фан бўйича маъруза матнлари тўплами (ёки маърузалар курси, таянч маърузалар тўплами)
- 2.4. Фан бўйича муаммоли маъруза матни
- 2.5. Фан бўйича лаборатория ишлари тўплами
- 2.6. Фан бўйича амалий машғулотлар тўплами
- 2.7. Мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш бўйича қўлланма
- 2.8. Глоссарий. Таянч сўзларнинг изоҳли луғати
- 2.9. Фан бўйича таянч сўзларнинг инглизча, русча-ўзбекча луғати
- 2.9. Ўқув-визуал материаллар (слайдлар тўплами)
- 2.10. Фан бўйича электрон ўқув қўлланма (дискет вариантда)
- 2.11. Фан бўйича виртуал лаборатория ишлари (дискет вариантда)

### **IV. ФАННИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ**

- 3.1. Талабалар билимини аниқлашнинг рейтинг тизими
- 3.2. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари .
- 3.3. Фан бўйича назорат саволлари тўплами
  - 3.3.1. Жорий баҳолаш бўйича тест саволлари
  - 3.3.2. Оралиқ баҳолаш бўйича тест саволлари тўплами
  - 3.3.3. Оралиқ баҳолаш ёзма иш саволлари
  - 3.3.5. Якуний баҳолаш ёзма иш саволлари
- 3.4. Фан бўйича ўз-ўзини баҳолаш учун вариантлар тўплами

#### **Эпилог**

Ушбу намунавий таркиб бошқа тавсия этилган таркиблардан ўзининг соддалиги ва мазмун ҳамда фойдаланувчининг эҳтиёжи нуқтаи назаридан алоҳида бобларга ажратилганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Фан бўйича тайёрланган ўқув –услугий мажмуа давлат таълим стандартлари ҳамда фаннинг ўқув дастури талаблари асосида

бўлиши шарт. Юқорида тавсия этилаётган ўқув-услугий мажмуа таркиби 4 боб ва иловалардан иборатдир. Мажмуа қуйидаги бобларга ажратилган: фаннинг дастурий – меъёрий таъминоти, фанни ўқитишнинг инновацион технологиялари, ўқув-услугий таъминот ва фанни ўзлаштиришнинг рейтинг тизими.

Мажмуанинг 1 ва 2-боблари асосан профессор-ўқитувчилар учун таалукли бўлиб, уларга фаннинг ўқув ва ишчи дастурлари, календар режа, лаборатория жиҳозлари руйхати, информацион-услугий таъминот, фанни ўқитишнинг инновацион педагогик технологиялари, интерактив ўқитиш услублари кабилар киритилган. 3 ва 4-боблар эса бевосита талабаларга мўлжалланган бўлиб, уларда фан бўйича дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари, муаммоли маъруза матни, лаборатория ва амалий машғулотлар тўпламлари, глоссарий, ўқув-визуал материаллар, назоратлар бўйича оғзаки, ёзма иш ва тест саволлари, вариантлари, баҳолаш мезонлари келтирилган. Ўқув –услугий мажмуанинг бундай тарзда шакллантирилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларга бирмунча енгиллик туғдиради. Ваҳоланки, Республикамиз ОЎЮда ҳозиргача яратилган кўпгина ўқув-услугий мажмуаларда

дастурий таъминот, таълим технологиялари, ўқув-услубий таъминот ёки рейтинг назорати маълум кетма-кетлик асосида берилмаган.

Агар мажмуани ундан масофавий таълимда фойдаланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак ҳам, ушбу таркибдаги мажмуа бир мунча қулай ҳисобланади. Чунки масофавий таълим ўқувчиси бевосита мустақил равишда фанни ўзлаштиришга киришиши лозим бўлади. Агар бундай мажмуаларга улардан тўғри фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ҳам илова қилинса янада мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **4.12. Масофавий таълимда ўқув материалларини модулли яратиш технологияси**

**Модул-педагогик технологияни** ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифода этувчи тушунча. Модуллар катта модул, ўрта модул ва кичик модул кўринишида ифодаланиши мумкин. Масалан, фаннинг алоҳида боби ёки бир неча мазмунан бир бирига яқин боблари катта модулни, ундаги алоҳида мавзулар ўрта модулни, мавзу режалари эса кичик модулларни ташкил қилиши мумкин.

Модулли ўқитиш технологияси анъанавий ўқитиш технологияларига алтернатив ҳолда, мавжуд педагогик технологиялардаги барча назарий ва амалий прогрессив технологияларни ўзида мужассам этган технология ҳисобланади. Модулли ўқитиш асослари П.Я.Цявичене томонидан ишлаб чиқилган ва тўлиқ баён этилган.

**Модулли ўқитишнинг моҳияти** - талаба модуллар билан ишлаш жараёни орқали ўқув мақсадига мустақил ҳолда (ёки маълум даражадаги ёрдам орқали) эришади. Педагог маълум кетма-кетлик асосида дидактик вазифалар мураккаблашадиган ва модуллар мажмуидан иборат дастур ишлаб чиқади. Дастурда талабага кириш ва оралиқ назоратлари орқали педагог ҳамкорлигида ўқув устидан ўз-ўзини бошқариш имконияти яратилади.

**Модулли ўқитиш технологияси** мажмули ёндошувни ифодалайди. Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади. Мажмулар назарияси ва мажмули ёндошув “мажмуа” тушунчасини ифода этмайди.

**Масофавий таълимда ўқув материалларини ташкил этишда модуллилик** қуйидагиларни талаб этади:

➤ масофавий ўқув курси таркиби ва унинг элементларини модул асосида тузиш;

➤ ҳар бир модулни аниқ таркибий тузиилмасини ишлаб чиқиш;

➤ модул таркибига кирувчи ўқув элементларининг аниқ таркибини тузиш;

➤ маълумотнома материаллари;

➤ мазмунан яқин ёки фан ривожланиши билан боғлиқ фанлар бўйича қўшимча материаллар;

➤ глоссарий

**Модулнинг таркибий тузилмаси** қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

➤ модуль мақсади;

➤ модулга кириш тести;

➤ модулни ўрганиш ахборот ресурси;

➤ модул таркиби;

➤ ўқув элементларини ўрганиш кетма-кетлиги бўйича тавсиялар;

➤ модулни яқунлаш тести.

**Модул таркибига кирувчи ўқув элементларининг таркиби:**

➤ ўқув элементи мақсади; фанни ўрганишнинг ахборот ресурслари;

➤ ўқув-визуал материалли матнлар, машқ ва масалалар;

➤ олинган билимни текшириш бўйича топшириқлар

(тестлар);

➤ тьюторнинг эталон жавоблар берилган назорат варақаси.



### Маълумотнома материаллари таркиби:

- тарихий маълумотлар;
- қизиқарли маълумотлар;
- интернет маълумотлари

Қуйидаги схемада фанни ўрганишни педагогик лойиҳалашнинг асосий вазифалари кўрсатилган. Унда назарий материаллар, тест ва амалий машғулотларни ёритиш услуби ва масофавий курсда мулоқат қилиш воситаси келтирилган.

Ўқув материалларини масофавий таълим учун лойиҳалашда ахборотларни ёритишнинг самарали усуллари, жумладан график схемалар ва жадваллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ахборотларни график схемалар асосида ёритишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: кластерлар, менталь карталар, балиқ скелети схемаси, денотат графалар ва б.

**Кластер** ибораси инглизча “Cluster” сўздан олинган бўлиб, у ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотларни тизимлашган ҳолда ёритиш мумкин.



22-Расм. Кластер. Ахборотларни график ёритиш техникаси

**Менталь карталар** – таниқли ёзувчи, маърузачи ва ўқитиш психологияси ҳамда фикрлаш муаммолари бўйича маслаҳатчи Тони Бъзен томонидан ишлаб чиқилган. У Mind maps сўздан олинган бўлиб, “Интеллект-карта” ёки “Ақл картаси” деб ҳам юритилади. Шунингдек, ўқув материалларини балиқ скелети, ажурли арра, ФСМУ, бумеранг, скарабей, каскад, Веер, пинборд, “Т-схема-техникаси”, дельфи, блиц-сўров, “Нима учун?” технологиялари, ББХБ (Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим), концептуал жадвал, инсерт жадвали асосида ёритиш масофавий таълим ўқувчисини маълумотларни яхши қабул қилишига ҳамда осон ўзлаштиришига имконият яратади.

## V. КОРПОРАТИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Корпоратив ўқитиш маълум бир соҳа мутахассисларини, инженер-техник ходимлари ва ишчи ходимларини замонавий технологиялар ва техник воситалардан фойдаланиш бўйича малакаларини ошириш ва қайта тайёрлашга қаратилган таълим тизимидир. Масалан, таълим соҳасида педагоглар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш каби ўқув курслари корпоратив ўқитишга киради.

Замонавий корпоратив ўқитишнинг ривожланишини 4 босқичга бўлиш мумкин:

1. XX асрнинг 80-90 йилларида бевосита инструктор раҳбарлигида анъанавий усулда ўқитиш (ҳозир ҳам ушбу усул корпоратив ўқитиш тизимида 60% дан ортиқ) асосий ўқитиш шакли сифатида олиб борилди ва кейинчалик турли хил ўқитиш технологиялари, жумладан CD дисклар, видео дисклар, VHS кассеталар турли хил телевизион эшиттиришлар билан тўлдирилди. Бундай ўқитиш технологияси компьютер ёрдамида ёки компьютер базасидаги ўқитиш технологияси деб юритилди (CBT ёки CAT);

2. 1998-2000 йиллардан “e-learning” (онлайн) ўқитиш технологияси кириб келди ва ўқитиш тизимида фундаменталь ўзгариш даври бўлди. Корпоратив ўқитишдаги бу босқич “e-learning эраси” деб ҳам юритилди ва “Интернетга барча маълумотларни жойлаштириш, аудиторияда инструкторлар раҳбарлигида ўтказиладиган машғулотларни кескин камайтириш ёки бутунлай тўхтатиш лозим” каби фикрлар ҳам олға сурилди. Айнан мана шу иккинчи босқичда ҳозирги замонавий корпоратив ўқитиш технологияси (LMS)га асос солинди.

3. 1995-2008 йиллардан эътиборан ўқитиш “аралаш ва ноформаль“ усулда олиб борилди. Маълум бўлдики, “e-learning” асосида корпоратив таълимни тўлиқ амалга ошириш етарли самара бермайди, шу сабабли ҳам e-learning орқали масофавий ўқитишни инструкторлар раҳбарлигида аудитория машғулотлари билан биргаликда олиб бориш самарали эканлиги исботланди.

4. 2010 йиллардан кўтарила бошланган асосий масаларлардан бири- “Истеъдодга йўналтирилган коллаборатив ўқитиш” технологияси. Бунда ноформал ўқитиш тартибга келтирилади, ташкилотлар томонидан истеъдодли ходимларни ўқитиш ва бошқаришга алоҳида эътибор қаратилади

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.  
Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Тошкент; “Шарқ”, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Тошкент; “Шарқ”, 1997.
3. И.А.Каримов. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни таъбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.
5. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
6. Абдукадиров, Абдукаҳор Абдувакилевич. Масофали уқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдукадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. : Ўзбекистон республикаси фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145 б.
7. Арипов М.М. ва бошқалар. Информатика, информаион технологиялар, 2-қисм.-Тошкент, «ТДТУ», 2003, 430б.
8. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение. Учебно-методическое пособие. — М.: ВУ, 1997 г.
9. Ахаян А.А. Виртуальный педагогический вуз. Теория становления. - СПб.: Изд-во "Корифей", 2001. - 170 с.
10. Басовская Н.И. Может ли лекция быть непроблемной?: Педагогическое эссе. – М.:РГГУ, 2006 г.
11. Дистанционное обучение в каталоге ссылок Open Directory Project (dmoz).
12. Достоинства и недостатки дистанционного обучения // "Образование: путь к успеху". - Уфа., 2010.
13. Зайченко Т.П. Основы дистанционного обучения: Теоретико-практический базис: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2004. - 167 с.
14. Зайченко Т.П. Инвариантная организационно-дидактическая система дистанционного обучения: Монография. - СПб.: Изд-во "Астерион", 2004. – 188
15. Зиёмухамедов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек модели. /”Lider Press”, Тошкент-2009й.
16. Internet, internet va axborot himoyasi/ <http://www.freenet.uz>. Mualliflar: Hasanov P./, Isayev R. va boshqalar. Toshkent-2000.
17. Иванченко Д.А. Системный анализ дистанционного обучения: Монография. — М.: Изд-во "Союз", 2005. — 192 с.
18. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. /”Айрис – пресс”, Москва-2008г.
19. Луначарский А. В.. Такие разные лекции.
20. «Методические рекомендации по созданию курса дистанционного обучения через Интернет» В.Канаво
21. Малитиков Е.М., Карпенко М.П., Колмогоров В.П. Актуальные проблемы развития дистанционного образования в Российской Федерации и странах СНГ // Право и образование. – 2000. – №1 (2). – С. 42–54.
22. Методика интерактивного обучения взрослых. /Проект «Развитие местного управления в Центральной Азии. Урбан институт, Ташкент-2005г.
23. Мулайдинов Ф. Кечаги орзулар бугун амалда. /Хабар, 15(969)-сон,15.04.2011й.

24. Моисеева М.В., Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Нежурина М.И. «Интернет обучение: технологии педагогического дизайна», Москва, 2004 год.
25. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов У., Тайлоқов Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. - Т.: 2008, 196 б.
26. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие/Отв. Ред. М.В. Буланова-Топоркова. – 3-е изд. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – 512 с., с.102-106
27. Петров М.Н., Молочков В.П. Компьютерная графика. Учебник -СПб, Питер, 2003, 736с
28. Попков В.А., Коржуева А.В. Дидактика высшей школы: Учебное пособие. – М.:Изд. центр «Академия» 2004. – 192 с.
29. Пособие для тренера консультанта по интерактивному обучению . /Фонд” Институт экономики города”, 2010г.
30. «Подготовка и проведение учебных курсов в заочно-дистанционной форме обучения» Методические рекомендации преподавателям. Изд-во СПбГТУ, 2000 Под редакцией профессора И.А. ЦИКИНА
31. Полат Е.С, Моисеева М.В., Петров А.Е. Педагогические технологии дистанционного обучения / Под ред. Е.С.Полат. — М., "Академия", 2006.
32. Проектирование учебного занятия (методические рекомендации)/Сергеева Т.А., Уварова Н.М.- М.: «Интеллект-Центр», 2003.-84 стр
33. Программирование & дизайн © 2006-2007 Web-studio "Cherry-Design"
34. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. //Педагоглар учун кўлланма. Қарши, 2011й., 64 бет.
35. Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маърузалар. //Педагоглар учун кўлланма. Қарши, 2012й., 68 б.
36. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш.// Қарши, 2012й. 60 б.
37. Рахимов О.Д., Мустафаев Қ.О., Зоиров Н.И. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. // Қарши,2012, 46 б.
38. Романов А. Н., Торопцов, В. С., Григорович Д. Б. Технология дистанционного обучения в системе заочного экономического образования [Текст]. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
39. Система управления сайтом "Образовательный портал" [v 2.3.0]
40. Симонович С.В. Евсеев Г.А. Алексеев А.Г. Специальная информатика: Учебное пособие.- М., 2002г.
41. Тажиев М, Алимов А.Я. ва б. Педагогик технология- таълим жараёнига тадбири. /”Тафаккур”, Тошкент-2010й.
42. Тафаккур. Ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал. 3/2009й.
43. Теслинов А.Г., Чернявская А.Г. Образовательные технологии в высшей школе: Формы организации образовательного процесса: Учебное пособие. – Жуковский: МИМ ЛИНК, 2007. – 54 с.
44. Теория и практика дистанционного обучения [Текст]: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. /Е. С. Полат, М. Ю. Бухаркина, М. В. Моисеева. – М.:Академия, 2004.
45. Технологии будущего: Роботы.
46. Фейгенберг И.М. Лекция, отвечающая требованиям времени//ВВШ.-М.,1989. – номер 1. – С. 33-36
47. Хидирова Б. Таълим жараёнида педагогик технологияни кўллашнинг назарий ва амалий асослари. /”Фан ва технология”, Тошкент- 2009й.
48. Хуторской А.В. Дистанционное обучение и его технологии // Компьютерра. – 2002. - №36. – С. 26-30.
49. Хуторской А.В. Научно-практические предпосылки дистанционной педагогики // Открытое образование. – 2001. - №2. – С.30-35.
50. Хуторской А.В. Пути развития дистанционного образования в школах России // Всероссийская научная конференция Relarn. Тезисы докладов. - М., 2000.

51. Электрон дарслик VBA Шаг за Шагом. <http://www.firststeps.ru> саҳифаси. 2004й.
52. Фуломов С, Бегалов Б. Таълим ва ахборот технологиялари. //Иқтисодиёт ва таълим, 2010й, 2-сон.
53. <http://www.curator.ru/method.html>
54. <http://cdo.bseu.by/>  
Центр дистанционного обучения Белорусского государственного экономического университета: описание методики дистанционного образования
55. <http://www.redcenter.ru>  
"Термины и определения дистанционного обучения",
56. <http://www.prometeus.ru/>  
Система дистанционного обучения «Прометей»: описание работы, организация учебного процесса, структура, применение
57. <http://www.websoft.ru>  
Сайт компании WebSoft – разработчика современных информационных систем и программных комплексов. Представлена разработка компании «Система дистанционного обучения WebTutor »: основные функции, архитектура системы, примеры внедрений системы.
58. <http://www.stel.ru/do/>  
Система поддержки дистанционного обучения от компании STELLUS : структура, состав, роли участников

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	
<b>I.ТЕХНОЛОГИЯ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ</b> .....	
1.1. Технологиялар таърифи .....	
1.2. Ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.....	
1.3. Педагогикада инноватика .....	
1.4. Модулли ўқитиш технологияси .....	
1.4.1. Фанни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми ва модуллар тизими .....	
1.4.2. Ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми .....	
1.4.3. Фанини ўқитишнинг катта модуллари ва улар таркибидаги ўрта модуллар сони .....	
1.4.4. Модул тизимида фаннинг тузилмавий-манتيқий чизмаси .....	
1.5. Интерактив ўқитиш технологияси .....	
1.5.1. Талабалар томонидан мавзу маълумотларини қабул қилиш ва ўзлаштириш даражаси .....	
1.5.2. Ўқитишнинг интерактив услублари .....	
<b>II. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ МАЪРУЗАЛАР</b> .....	
2.1. Классик таълим модели доирасида замонавий маърузалар .....	
2.1.1.Олий таълимда маърузаларни юзага келиш тарихи .....	
2.1.2. Замонавий маърузаларнинг таълим тизимидаги ўрни .....	
2.1.3.Фанлар бўйича маъруза турлари ва маърузаларни ташкил этиш технологиялари таҳлили .....	
2.1.5.Маъруза машғулотларида таълим технологиялари .....	
2.1.6.Маъруза машғулотларини тақдимот усулида ташкил этиш технологияси .....	
2.1.7. Тақдимотни режалаштириш ва тақдимот варақаси таркиби .....	
2.1.8. Тақдимотни самарали ташкил этиш йўллари .....	
2.1.9. Тақдимот тайёрлаш конструкторлари .....	
2.2. Ривожлантирувчи таълим .....	
2.2.1. Ривожлантирувчи таълим моделлари таҳлили .....	
2.2.2.Ривожлантирувчи таълимда маъруза турлари .....	
2.2.3.Муаммоли маърузаларни ташкил этиш йўллари ва усуллари .....	
2.2.4.Замонавий маърузани лойиҳалаш босқичлари .....	
<b>III . МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	
3.1. Интернет –технология ва масофавий ўқитиш .....	
3.1.1.Масофавий таълим технологиялари таҳлили .....	
3.1.2.Масофавий таълим моделлари таҳлили .....	
3.1.3.Масофавий таълим технологиялари таҳлили .....	
3.1.4.Масофавий таълим технологиясини танлаш ва масофавий таълимда ўқув жараёни .....	
3.1.5.Масофавий таълимни ташкил этишнинг асосий принциплари .....	
3.1.6.Масофавий таълимни ташкил этиш шакллари .....	
3.1.7.Масофавий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш босқичлари .....	
3.1.8. Масофавий таълимни жараёнида қатнашувчи ходимлар таркиби .....	
3.1.9.Масофавий таълим маълумотлар базалари .....	
3.1.10.Масофавий таълимнинг дастурий таъминотлари .....	
3.1.11.Масофавий таълимни бошқариш тизимлари .....	
3.2. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш .....	

3.2.1. Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш технологиясини лойиҳалаш .....	
3.2.2. ОТМда масофавий таълимни ташкил этиш учун тавсия этиладиган стандарт ва дастурий таъминот .....	
3.2.3. Олий таълим муассасасида масофавий таълим асосидаги Интернет-факультет таркиби .....	
3.2.4. Интернет-факультетнинг келажак стратегияси ва тактикаси .....	
3.2.5. Интернет факультетнинг ташкилий тузилмаси .....	
3.2.6. Ўқитувчи-тьютор маълумотлар базаси .....	
3.2.7. Ўқув модуллари маълумотлар базаси .....	
3.2.8. Интернет-факультетни талабалар билан алоқа воситалари .....	
3.2.9. Масофавий таълим марказида “Электрон деканат”ни ташкил этиш .....	
<b>IV. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ</b> .....	
4.1. Масофавий ва анъанавий таълим интеграцияси .....	
4.2. Масофавий ўқитиш усулларининг асосий гуруҳлари .....	
4.3. Масофавий таълим дастури концепцияси .....	
4.4. Масофавий таълим дастурий таъминотини танлаш .....	
4.5. Ўқув мазмуни ва материалларини узатиш технологияси .....	
4.6. Масофавий таълимнинг педагогик технологиялари ва дидактик таъминоти .....	
4.7. Масофавий таълимнинг ижтимоий-педагогик тизимини моделлаштириш .....	
4.8. Фан бўйича электрон таълим ресурсларини яратиш услубиёти .....	
4.9. Электрон таълим ресурсининг намунавий таркиби .....	
4.10. Фан бўйича электрон ўқув-услубий мажмуалар яратиш услубиёти .....	
4.11. Фан бўйича ўқув-услубий мажмуанинг намунавий таркиби .....	
4.12. Масофавий таълимда ўқув материалларини модулли яратиш технологияси ...	
<b>V. КОРПОРАТИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	
<b>АДАБИЁТЛАР</b> .....	